

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРКАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС
ИНСТИТУТИ**

**БАНК ФАОЛИЯТЛАРИ
ТАҲЛИЛИ**
(Маъруза матнлари)

САМАРКАНД - 2006

Худайбердиев У., Машарипов У.Н., Худайбердиев М. Банк фаолиятлари тахлили. Маърузалар матнлари тўплами. Сам ИСИ. Самарканд. 2006.

Такризчилар:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев (СамИСИ)
и.ф.н., доц. Э.Шавкиев (Сам.ИСИ)
«Банк-молия хизматлари» факультети декани

Институт ЎУКнинг 2006 йил 6
апрел (№ 8 баённомаси)
йигилишида муҳокама этилган ва
чоп этишга тавсия килинган

5А340903 «Иктисодий тахлил» таълим йўналиши магистрлари ўқув режасига асосан ёзилган бўлиб, унда банкларнинг активлари, мажбуриятлари, кредит бериш ва кимматбаҳо кағозлар билан операциялари, даромадлари, харажатлари, молиявий натижалари, ликвидлиги ва тўловга қибилиятлиги тахлили мавзулари ёритилган.

Маъруза матнлари тўплами иктисод йўналишидаги магистрларга, талабаларга ва барча банк фаолияти билан кизикувчиларга фойдалидир.

Кафедранинг 2006 йил 24
мартдаги (баён № 8) йигилишида
муҳокама килинган ва чоп этишга
тавсия этилган.

КИРИШ

Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос ва ўзига мос йўлини тўғрилигини тасдиқлайди. Жуда кўп корхоналар боскичма-боскич давлат тасарруфидан чиқарилиб, уларнинг ўрнига турли мулк шаклига асосланган хўжалик юритувчи субъектлар пайдо бўлди. Мустақиллик йилларида хусусий мулкга асосланган корхоналар ташкил топди. Чет мамлакатлар билан ҳамкорликда ташкил этилган кўпгина корхоналар фаолият юритмокда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликга катта аҳамият берилмокда ва бу соҳа субъектлари фаолиятлари жуда тез ривожланмокда.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги иктисодий муносабатларни амалга ошириш учун банк тизими ташкил этилди. Ўзбекистонда икки поганали банк тизими мавжуд. Хўжалик юритувчи субъектлар иктисодий муносабатларини амалга оширишда тижорат банклари аҳамияти катта. Тижорат банклари ўзаро ҳисоб-китоблари амалга оширишда, корхоналар фаолиятини ривожлантириш учун турли кредитлар беришда, қимматбаҳо қағозлар операцияларини амалга оширишда муҳим рол уйнайди.

Шунинг учун ҳам 5А3440903 «Иктисодий таҳлил» таълим йўналиши магистрлари ўқув режасида «Банк фаолиятлари таҳлили» фани бўлиб, унда банкларнинг кредит бериш қимматбаҳо қағозлар операциялари, даромад, харажат ва молиявий натижалари ёритилган бўлиши лозим. Ушбу маърузца матнлари «Банк фаолиятлари таҳлили» дастури асосида ёзилган бўлиб, 11 та мавзудан иборат.

Маъруза матнида Республика акциядорлик – тижорат банки «Савдогарбанк»нинг «Банк ахборотномаси» газетасида (2005 йил 27 апрел) чоп этилган ҳисобот маълумотларидан фойдаланилади. Маъруза матнлари мавзуларидан 1,4,5,6, 11 лар и.ф.н., доцент У.Худайбердиев, 2,3 мавзулар кафедра тадқиқотчиси У.Н. Машарипов, 9,10 мавзулар доц. У.Худайбердиев ва У.Н. Машарипов билан ҳамкорликда, 7,8 мавзулар доц. У.Х.Худайбердиев ва Самарканд иктисодиёт коллежи ўқитувчиси М.Худайбердиева билан ҳамкорликда ёзилган.

Ушбу маъруза матнлари биринчи бор ўзбек тилида ёзилганлиги сабабли, камчиликлари бўлса, муаллифлар холисано тақлифларни миннатдорчилик билан қабул қилади. Маъруза матнлари магистрларга, талабаларга банк фаолияти билан қизиқувчиларга фойдали бўлади.

Мавзу I. «БАНК ФАОЛИЯТЛАРИ ТАҲЛИЛИ» ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДАГИ ВАЗИФАЛАРИ.

Режа:

1. Ўзбекистонда банклар тизими ва тижорат банклари аҳамияти.
2. «Банк фаолиятлари таҳлили» фанининг предмети ва объектлари.
3. Таҳлилнинг турлари, усуллари ва бозор муносабатлари шароитидаги вазифалари.
4. Тижорат банкларида мижозларга ҳисобварақлар очиш тартиби.

1.1. Ўзбекистонда банклар тизими ва тижорат банклари аҳамияти

Банклар қадимги муассасалардан бўлиб, дастлаб пулларни (тангаларни) сақлаб берувчи хазиначи сифатида пайдо бўлган. Олтин тангаларни, пулларни Европада қадимги черков муассасалари сақлаб берган. Кейинчалик бундай сақланиб турган бўш пул маблағларини унга муҳтож бўлганларга фоиз билан (даромад олиб) қайтариб олинадиган яъни ссуда операциялари, ҳамда турли мамлакат, шаҳарлар тангаларини айрибошлаш бўйича эҳтиёж туғулгани учун, алмаштириб бериш аперациялари амалга ошира бошланган.

Шу боисдан италянча (Ваксо) «Банк» сўзидан яъни айирбошловчининг олдидаги стол маъносини англатувчи муассаса пайдо бўлган.

Аста–секинлик билан иқтисодий муносабатлар ривожланиши билан банклар кўрсатадиган хизмат турлари (пулларни сақлаш, айирбошлаш, ҳисоб –китобларни амалга ошириш, ссуда бериш ва ҳоказолар) кўпайиб, банклар, иқтисодиётнинг муҳим субъектларига айланиб қолди.

Ҳозирги пайтда барча ривожланган мамлакатларда икки поғонали банк тизими қабул қилинган. Ўзбекистонда ҳам жаҳонда қабул қилинган икки поғонали банк тизими ташкил қилинган бўлиб; биринчи поғонали банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисобланади. Иккинчи поғонали банкларга турли мулк асосида тузилган тижорат банклари киради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Давлат банки ҳисобланиб, фаолиятини 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонун асосида юритади.

Республика Марказий банки банкларнинг банки –барча тижорат банклари фаолиятлари устидан назорат олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки юридик шахс сифатида иқтисодий жиҳатдан мустақил (маблағ ва ресурслари – давлат бюджетидан ажратилиб, ташкил этилган бўлса ҳам), ўз харажатларини фаолиятидан олган даромадлари ҳисобидан қоплаб, фойда олади. Республика Марказий банки фақат Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисига ҳисобот беради. Олий мажлис Ўзбекистон Республикаси Президентининг тавсиясига биноан Марказий банк бошқаруви раисини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий вазифалари (Қонунда кўрсатилган) пул – кредит сиёсатини, эмиссия ва пул муомаласи жараёнларини олиб бориб, миллий пулнинг барқарорлигини таъминлашдир.

Тижорат банклари ўз фаолиятларини Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунга асосан юритадилар. Бу қонуннинг I – моддасида «Банк – тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган қуйидаги фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган юридик шахсдир:

- юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш;
- тўловларни амалга ошириш.

Албатта тижорат банклари фаолиятлари корхоналар фаолиятидан умуман фарқ қилади. Ишлаб чиқариш корхоналари тегишли хомашё ва материаллар харид қилиб, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариб, уларни сотиш билан шуғуллансалар. Тижорат банклари юридик ва жисмоний шахслардан омонатларни йиғиб олиб, уларни пулга муҳтожларга ссуда сифатида (қайтариб бериш шarti билан) бериш билан шуғулланади.

Ҳозирги пайтда Республикамизда 35 тадан кўпроқ тижорат банклари, жойларда уларнинг жуда кўп бошқармалари, бўлимлари,

мини–банклари бўлиб Республикабанк тизимининг иккинчи поғонасини ташкил этади.


Тижорат банклари турли мулк шаклига асосланган. Уларнинг кўплари акционерлик жамиятлари кўринишида ташкил этилган бўлиб, дастлаб таъсисчилар томонидан устав фондига қўшилган ҳиссадан ресурслари мавжуд бўлган. Бундай банкларга: Пахтабанк, Савдогарбанк, Алоқабанк, Ўзсаноатқурилишбанк, Ипак йўли банки, Тадбиркорбанк, Туронбанк каби банклар киради. Бундай банкларнинг олий органи акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳисобланади. Банкнинг бошқарувини директорлар кенгаши амалга оширади. Банк бошқаруви ва унинг раиси банк фаолиятини амалга оширади ва бевосита раҳбарлик қилади.

Устав фондининг асосий қисмини ташкил этган – давлат тижорат банклари ҳам мавжуд. Уларга ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Халқ банки мисол бўлаолади. Устав фондининг асосий қисмини хусусий шахслар маблағларидан ташкил этилган, «Алп–Жамол банк», «Олимбанк» каби акциядорлик тижорат банклари ҳам мавжуд. Шунингдек, чет эл сармояси шерикчилигида ташкил этилган Ўт- банк, Траст – банк, УзДЕОбанк каби банклар бор.

Тижорат банклари ҳозирги пайтда иқтисодиёт тармоқ корхоналари ўртасида, корхоналар ва аҳоли ўртасидаги иқтисодий муносабатларни амалда оширишда муҳим воситачи бўғин бўлиб қолди.

Республика Президенти, Ҳукуматимиз тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ривожлантириш бўйича жуда кўп меъёрий ҳужжатлар қабул қилдилар, ҳамда уларни амалга оширишни назорат қилиб бормоқдалар.

Бу борада «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида» (1995йил 21 декабрь); «Банklar ва банк фаолияти тўғрисида» (1996йил 25 апрел) Қонунлари; Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тижорат банкларини ташкил қилишни рағбатлантириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги, «Акциядорлик тижорат банклари фаолиятларини такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги (1998йил 2 октябрь) «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора – тадбирлар тўғрисида»ги (Халқ сўзи, 2000йил 21 март) фармонлари, Республика Вазирлар Маҳкамасининг бирқанча қарорлари қабул қилинди.



1.2. «Банк фаолиятлари таҳлили» фанининг предмети ва объектилари

Фаннинг предмети деганда шу фан нимани ўрганиши тушунилади (фан – ўрганади, ҳам ўргатади). Фаннинг предмети – фаннинг номида акс этиб турубди. Демак умумий қилиб айтганда «Банк фаолиятлари таҳлили» фанининг предмети бўлиб, банклари фаолиятлари натижасида содир бўлган (бўладиган) иқтисодий кўрсаткичларнинг (маълумки иқтисодий кўрсаткичлар иқтисодий воқеа – ҳодисалар натижаси ифодаси ҳисобланади) ҳолати ва ўзгаришини ўрганиш экан. Банк фаолиятлари турли – туман. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида жуда кўп фаолият турлари бўйича мижозларга хизмат кўрсатади. Бундай хизматларни амалга

ошириш учун банклар керакли моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларига эга бўлади. Моддий ресурслар деганда асосий воситалар: турли хил асбоб – ускуналар, ҳозирги замон компьютерларини тушуниш лозим. Банклар бундай асосий воситалардан қандай фойдаланаётганлиги, уларнинг ҳолати таҳлил қилиниши лозим. Банклар турли ҳисоб – китобларни амалга оширади, омонатлар қабул қилади, миждозларга кредитлар беради, шу вақтнинг ўзида кассасидан нақд пуллар, чет эл валюталари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисоб варағида пул маблағлари бўлиши мумкин. Албатта бундай маблағларнинг ҳолати, ҳаракати (ўзгариши), ҳамда қандай фойдаланилаётганлиги таҳлил қилиниши лозим. Банкларда зарур мутахассислик билимини эгаллаган ходимлар ишлайди. Лекин ходимлар сони, уларнинг ўзгариши, меҳнатнинг ташкил этилиши вақти – вақти таҳлил қилиниб турилиши лозим бўлади.

Тижорат банклари миждозларга хизмат қилиш борасида турли харажатлар қилади, миждозларга берган кредитлардан фоизлар, хизматидан бошқа даромадлар олади. Демак банкларнинг даромад ва харажатлари ҳам таҳлил қилиб турилиши керак.

Барча хўжалик юритувчи субъектлар каби, бозор муносабатлари шароитида тижорат банклари ҳам эркин рақобатда фаолият юритади. Рақобатда синмаслик учун фаолият натижаларини (фойдами ёки зарар), ҳамда ликвидлигини таҳлил қилиб бориш лозим бўлади.

Таҳлил сўзи грекча бўлиб, бўлакларга бўлиш, қисмларга ажратиш маносини англатар экан. Иқтисодий таҳлилда ҳам кўрсаткичларда ифодаланган воқеа – ҳодисалар ҳолати, ўзгариши бўлакларга бўлиниб, таркибий ҳамда қандай омиллар таъсир қилганлиги ўрганилади.

Тижорат банкларида бўлаётган барча операциялар тегишли хужжатлар билан расмийлаштирилади, улар кейинчалик бухгалтерия счетларида акс этирилади ва баланс, ҳамда ҳисоботларда кўрсатилади. Албатта булар бухгалтерия ҳисоби фанининг объекти ҳисобланади. Лекин таҳлилда бухгалтерия хужжатлари, баланс ва ҳисоботларда кўрсатилган маълумотлардан фойдаланилади. Тижорат банклари фаолиятларининг асосий кўрсаткичларини режалаштирадilar. Таҳлилда бу кўрсаткичларнинг ҳақиқий миқдори режа ёки белгиланган

нормативлар билан таққосланиб ўрганилади, ўзгаришлари аниқланади.

Албатта таҳлил қилинган ҳар бир кўрсаткич, объектлар тўғрисида хулосалар чиқарилади. Бу кўрсаткич ҳақиқий бажарилиши нима сабабдан режадан кўп ёки кам, қандай омиллар таъсир қилган, бу кўрсаткичларни яхшилаш имкониятлари нималардан иборат ва ҳоказо. Демак, таҳлил маълумотлари тижорат банк барча бўлим ходимларига айниқса раҳбарларга жуда зарур ҳисобланади.

Таҳлил макон ва замонда мунтазам олиб борилиши лозим. Таҳлил вақт (замон) нуқтаи назаридан оператив, жорий ва истиқболли (келажакли) бўлади. Оператив таҳлилда маълумотлар воқеа, ходисалар содир бўлаётган вақтда (замонда) олинади. Тижорат банки мутахассислари операцияларни амалга ошириш пайтида дарҳол таҳлил қилиб кўриши лозим. Айниқса оператив таҳлил пул маблағлари ҳаракатида, ҳисоб – китобларни амалга оширишда, қимматли қоғозлар бозори операцияларида жуда ҳам керак. Жорий таҳлил маълум муддатдан кейин (ҳафта, ўн кун, бир ой ва шу кабилар) ўтказилади. Тижорат банклари берилган кредитларнинг қайтарилишини, банк ликвидлигини, фаолият натижаларини ва шу каби кўрсаткичларни жорий таҳлил қилиб борадилар. Ҳар бир банк келаси йилга режалар тузади. Бу режа кўрсаткичларни тузиш учун кўрсаткичларнинг жорий ҳолатини таҳлил қилиб, уларни келаси йилда қанчалик ўстириш (кўпайтириш) имкониятлари борлигини аниқлашлари лозим.

Таҳлил макон нуқтаи назаридан банкнинг ҳамма бўлимларида олиб борилиши лозим. Банк раҳбарияти ходимларнинг, бўлим ходимларининг функционал вазифаларини белгилаб, кимлар қачон, қандай кўрсаткичларни таҳлил қилишлари ва раҳбариятга нималарни тақдим қилишларини кўрсатишлари лозим.

Банк фаолиятлари таҳлилида уларнинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, жуда кўп тижорат банкларининг жойларда бошқармалари, филиаллари, бўлимлари ва мини–банклари мавжуд. Мисол учун, Республика акциядорлик – тижорат банки «Пахтабанк»нинг 2003 йилда 13та вилоят бошқармаси, 183 – та филиал ва 229та банк шахобчалари бўлган. Шунинг учун ҳам таҳлил пастдан (банк шахобчаларидан бошлаб) юқори ташкилотгача бўлиши лозим. Айниқса банк вилоят бошқармалари, Республика банк ташкилотларида солиштирма (айрим адабиётларда

таққослама) таҳлилга катта имконият бор. Вилоят бошқармалари туман филиаллари кўрсаткичларини таққослаб, қайси филиал кўрсаткичлари жуда юқори, қайси филиал кўрсаткичлари жуда паст эканлигини аниқлаб, уларнинг сабабларини, омиллар тасирини ўрганиб, кўрсаткичларни янада яхшилаш бўйича чора – тадбирлар белгилаши мумкин.

Умуман таҳлилни ўз вақтида ўтказиб, тўғри хулосалар асосида банк фаолияти бошқарилса, бундай банклар яхши натижаларга, юқори кўрсаткичларга эришиши аниқ.

Банк фаолиятлари кўрсаткичларини таҳлил қилиш учун керакли маълумотлар бўлиши лозим. Бу маълумотлар турли ахборот манбаларидан олинади. Қаердан, қандай маълумотлар кераклиги таҳлилнинг мавзуси, мақсади ва вазифасига боғлиқ. Умуман банклар фаолиятини таҳлил қилиш учун режа, норматив (белгиланган), стратегик маълумотлардан ташқари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, статистик ҳисобот, аудиторлик текшируви, акциядорлар йиғилиши баёнлари ва шу кабилар зарур бўлади.

Бухгалтерия ҳисоботларидан:

- Баланс ҳисоботи;
- фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот;
- пул маблағларининг ҳаракати баланс ҳисоботи;
- акциядорлик сармоясидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботлардан жуда кўп маълумотлар олиш мумкин.


Таҳлил қилинаётган маълумотларнинг таққосланувчанлик, ишончилилик ва тезда олинишга катта аҳамият бериш зарур.

1.3. Таҳлилнинг турлари, усуллари ва бозор муносабатлари шароитидаги вазифалари


Иқтисодий адабиётларда таҳлилнинг турларини турли белгилари бўйича гуруҳлаб берадилар. Албатта таҳлилни турларга ажратганда унинг мазмунига аҳамият бериш зарур. Таҳлилни шундай белги бўйича турларга ажратганда бирор мазмун ифода этадими йўқми.

Лекин кўпгина, адабиётларда таҳлилни мазмуни бўйича, таҳлил қилинаётган даври бўйича, қаерда ўтказилиши (макон) бўйича, тармоқлар бўйича, ҳисоб тизими ва бошқарув объектига қараб турларга бўлишади.

Таҳлил мазмуни бўйича: глобал, локал ва тематик турларга бўлинади.




Таҳлил қилинаётган даври бўйича оператив (тезкор), жорий ва истиқболли таҳлил турларига бўлинади.




Иқтисодий таҳлил қаерда ўтказилиши (макон) нуқтаи назаридан ички ва ташқи таҳлилга бўлинади.

Таҳлил қаерда ўтказилишига қараб



Таҳлил ҳисоб тизими ва бошқарув объектига қараб бошқарув ва молиявий таҳлилларга бўлинади



Иқтисодий таҳлил турларидан ташқари, шакллари ҳам мавжудлигини и.ф.д., профессор М.Қ. Пардаев «Иқтисодий таҳлил назарияси» (Самарқанд, «Зарафшон», 2001) дарслигида ёритган. Унда иқтисодий таҳлилнинг комплекс, омилли ва функционал – қиймат таҳлили (**фқт**) шакллариининг мазмунини тушинтирган (ўша дарслик – 181бет). Комплекс таҳлилда хўжалик фаолияти барча

соҳалари (масалан, банкнинг кредит бериш фаолияти, қимматбаҳо қоғозлар бозоридаги фаолияти ва шу кабилар) фаолият кўрсаткичлари таҳлил қилиниб, фаолиятга умумий баҳо бериш учун комплекс кўрсаткич аниқланади ва умумий баҳо берилади.

Омилли таҳлил кўрсаткичга таъсир қилувчи омиллар чуқур ўрганилади ва уларнинг таъсир натижалари аниқланади. Кўрсаткичга салбий таъсир қилган омиллар таъсирини камайтириш чоралари кўрилиб, кўрсаткични яхшилаш чоралари белгиланади. Адабиётларда таҳлилнинг шакллари сифатида солиштирма (қиёсий) таҳлил ҳам кўрсатиб ўтилган. Бундай таҳлилда ўхшаш хўжалик фаолиятлари кўрсаткичлари солиштирилиб (қиёсланиб) кўрилса (масалан, бир вилоятнинг икки бир хил туманида жойлашган «Пахтабанк» филиалларида фойданинг шаклланишини солиштириш) натижада қайсида кўрсаткич яхши эканлиги ва унинг сабаблари аниқланиши мумкин.

Ф.Қ.Т. асосан фаолият бошланмасдан, ҳали асосан бўлажак режани тузиш учун қўлланади. Бу таҳлилда воқеа – ходисаларнинг аниқ ракамларда ифодаланган миқдорлари эмас, балки мантиқий эвристик усулларданм фойдаланади.

Таҳлилда ўрганилаётган кўрсаткичнинг мазмун – моҳиятига қараб турли усулларни қўллаб, таққосланаётган кўрсаткичлар ўртасидаги фарқлар ва бу фарқларни келтириб чиқарган омиллар аниқланади. Статистикада қўлланадиган гуруҳлаш, иқтисодий индекслар усуллари, қайта ҳисоблаш, занжирли алмаштириш усуллари, баланс (мувозанат) усуллари шулар жумласига киради. Бу усуллар моҳияти махсус иқтисодий таҳлилга бағишланган адабиётларда тўлиқ баён қилинган. Хусусан, профессор М.Қ. Пардаевнинг «Иқтисодий таҳлил назарияси» дарслигида жуда кенг мисоллар билан баён қилинган.

Ҳозирги замон компьютерларидан фойдаланган ҳолда математик дастур тузиб, корреляция, регрессия, матрицалар усулларида жуда тез муддатда кўп омилли кўрсаткичларни таҳлил қилиш имконияти мавжуд. Бундай имкониятдан фойдаланиб, кўрсаткичнинг бўлғуси миқдорини (омиллар- параметларини белгилаб) аниқлаш мумкин. Бу математик моделларни кўрсаткичлар бўйича бизнес – режа тузишда фойдаланса бўлади.

Бозор муносабатлари фаолият кўрсаткичларини мунтазам таҳлил қилишни тақоза этади. Шунинг учун ҳам таҳлилнинг

аҳамияти ортиб бормоқда. Тижорат банклари фаолияти таҳлилининг асосий вазифалари қуйидагилар:

- мижозларга кредит бериш ва қайтарилишини мунтазам ўрганиш;
- банк активларининг жойланиши ва самарадорлигини таҳлил қилиш;
- мавжуд молиявий ресурслардан самарали фойдаланишни ўрганиш;
- банк бизнес – режа ва келгуси стратегиясини ишлаб чиқиш учун тегишли таҳлил ахборотлари билан таъминлаш;
- банк ликвидлиги, тўловга қобилиятлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш учун, уларни таҳлил қилиб бориш;
- банк даромадларини кўпайтириш, рентабеллигини кўтариш чора тадбирларини ишлаб чиқариш ва шу кабилар.

1.4. Тижорат банкларида мижозларга ҳисобварақлар очиш тартиби

Корхоналар ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун оқлаган тижорат банкларида ҳисобварақлар (ҳисоб-китоб счетлари) очиши лозим. Корхоналарнинг банкларда ҳисобварақлар очиш ва уни юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 22 август тасдиқлаган “Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида йўриқнома”да белгиланган. Ушбу йўриқномада ҳисобварақ-мижоз ҳисобварақига хизмат кўрсатиш шартномаси тузиш орқали тижорат банки мижоз (ҳисобварақ эгаси) ҳисобварақига келиб тушган маблағларини қабул қилиш ва шу ҳисобвараққа киритиш, мижознинг ҳисобварақигаги маблағларни тегишли жойларга ўтказиш (бериш) ҳамда ҳисобварақ юзасидан бошқа операциялар бажариш тўғрисидаги фармойишларини амалга ошириш вазифасини Ўз зиммасига олиш натижасида тижорат банки ва мижоз ўртасида вужудга келадиган ўзуқий муносабатларни белгилайди.

Мижозларга банкда ҳисобварақларнинг қўйидаги турлари очиши мумкин:

- талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварақлари;
- жамғарма депозит ҳисобварақлари;
- муддатли депозит ҳисобварақлари;

- депозит □исобваракларининг бошка турлари;
- карз □исобвараклари.

Талаб килиб олунгунча сакланадиган депозит □исобвараклари мулкчилик шаклидан катъий назар жисмоний ва юридик шахсларга очилади. Шу жумладан, бюджет муассасаларига ҳам Республика еки маҳаллий бюджет □исобидан ажратиладиган мабла□ларнинг □исобини юритиш учун шундай □исобвараклар очилади.

Жам□арма ва муддатли депозит □исобвараклари ҳам юридик ва жисмоний шахсларга очилади.

Карз □исобвараклари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида □иъжалик юрутувчи субъектлар ва жисмоний шахсларга банкдан қиска, ырта ва узок муддатга кредит олганда очилади.

Қорхоналар банкда □исобварак очиш учун қиъидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- □исобварак очиш тъ□рисида ариза (05411010-шакли);
- таъсис ҳужжатларининг нотариус тасдиқлаган нусхалари;
- давлат руйхатидан ытказилгани тъ□рисидаги ҳужжат,

бу ҳужжат факат қонунда қиъзда тутилган □олларда тақдим этилади;

- имзолар ва му□р изи намуналари туширилган варакча (карточка - 0505411011 - шакли);

- агар □исобварак эгаси солиққа тортиш субъекти бълса, солиқ тълловчи ръ□ат номери берилганлиги тъ□рисидаги билдиришнома;

- агар □исобварак чет эл валютасида очилаётган бълса, Ўзбекистон Республикаси ташки иқтисодий алоқалар вазирлигида руйхатдан ытказилгани тъ□рисидаги гуво□номанинг нотариус тасдиқлаган нусхаси;

- агар мазкур фаолият тури билан лицензия асосида шу□улланадиган бълса, лицензиянинг нотариус тасдиқлаган нусхаси.

Бюджет муассасалари талаб килиб олингунча сакланадиган депозит □исобвараклар очиш учун банкга ариза (0505411010 - шакли) билан, солиқ тълловчига руйхат номери берилгани тъ□рисидаги билдиришнома □амда имзолар ва му□р изи намуналари туширилган карточка топширадилар.

Имзолар ва му□р изи намуналари туширилган карточка 2-нусада тузилиб, нотариус еки юқори ташкилот томонидан

тасдиқланган бўлиши лозим. Бунда биринчи имзо □укуки □исобварақ очтираётган ташкилот ра□барига еки ваколат берилган мансабдор шахсларга берилади. Иккинчи имзо □укуки бош бухгалтерга ва тегишли ваколат олган шахсларга берилади. Штатида иккинчи имзо □укуки берилиши мумкин бўлган шахслар бўлмаган юридик шахсларнинг □исобварақлари бўйича банкка факат □исобварақ эгасининг имзоси намунаси кўйилган карточка топширилади.

□исобварақдаги битта бўлсада имзо ўзгарган еки кўшилган □олларда янги карточка тўл□азилади ва банкка топширилади. Жисмоний шахслар □исобварақ очиш учун шахсини тасдиқловчи хужжат (паспорт, ту□илганлик тў□рисида гувоҳнома ва шу кабилар) ва имзо намунаси кўйилган карточка топширади. Жисмоний шахсларга жам□арма еки муддатли депозит □исобвара□лар очилаётганда, депозит шартлари билан таништирилади ва бу тў□рида ўз кўли билан езиб, имзо чектирилади.

Мижозларнинг □исобварақлари Ўзбекистон Республикаси банк депозиторлари миллий ахборот базаси (БДМАБ) электрон рўй□атга олиш дафтарида қайд этилиши шарт. Бунда мижозга идентификатор бериш □амда БДМАБдаги бирламчи □исобварақни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1996 йил 3 октябрда тасдиқлаган ва Давлат солиқ кўмитаси билан келишилган № 263 “Ўзбекистон Республикаси банк депозитлари миллий ахборот базаси тў□рисидаги Низом” га мувофиқ БДМАБ га мижоз тў□рисидаги маълумотлар такдим этилади.

Мижоз - юридик шахс рўй□атга олинган □амда имзолар намуналари карточкасида кўрсатилган жой шу юридик шахснинг манзили □исобланади. Юридик шахс макомини олмаган мижозлар паспорт пропискасига мувофиқ яшайдиган жой ёки фаолият олиб бориладиган жойда бино ажратган мулкдор манзили □исобланади.

Юридик шахснинг у рўйхатга олинган жойда биринчи маротаба очилган талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит □исобвара□и унинг асосий □исобвара□и □исобланади.

Юридик шахслар банк хизматлари кўрсатиш тў□рисида банк билан шартнома тузади. Шартномада банк ва мижоз мажбуриятлари ва жавобгарликлари, банк хизмати учун □ақ тўлаш тартиби ва миқдори кўрсатилади (иловага қаранг).

Мижозларнинг банклардаги депозит ☐исобварақларида сақланаётган маблақлари банкларнинг миждозлардан карздорлигини билдиради ва банклар бухгалтерия ☐исоби четлар режасида II “Пассивлар” бўлимидаги кўйидаги четларда ☐исобга олиб борилади :

20202 - Хукумат ва мақаллий хокимиятларнинг талаб килиб олингунча депозитлари;

20206 - Хусусий шахслар талаб килиб олингунча депозитлари;

20208 - Хусусий корхоналарининг (фирмаларнинг) талаб килиб олингунча депозитлари ;

20210 - Давлат корхоналарининг талаб килиб олингунча депозитлари;

20212 - Жамоа институтларининг талаб килиб олингунча депозитлари;

20214-Кўшма корхоналарнинг талаб килиб олингунча депозитлари;

20216 - Банкдан ташкари молиявий институтлар ва бошқа муассасаларнинг талаб килиб олингунча депозитлари ;

20296 - Бошқа талаб килиб олингунча депозитлари ;

Худди шу тарздаги биринчи тартибли:

20400 - Жамқарма депозитлари;

20600 - Муддатли депозитлар каби четлар бор.

Банкларда миждоз хисоб варақларини юритиш тартиби. Банкларда миждозларга очилган ☐ар бир депозит ☐исоб варақлар 20 хонали сондан иборат хос рақамлар (кодлар) билан белгиланади. Бунда ☐исоб варақларининг хос рақамлари кўйидагиларни билдиради :

1-5 Хонадаги сонлар - банклар четлар режаси бўйича баланс ☐исобварақ рақами.

6-8 - “ - валюта ☐исобварақи рақами (V)

9 - - “ - назорат калити (K)

10-17 - “ - миждознинг БДМАБ да рўйхатдан ўтказиш номери (S)18-20 - миждоз депозит ☐исобварақининг номери (N).

МИСОЛЛАР: Саноат қурилиш банки Самарканд бўлимида миждозларга очилган ☐исобварақлар коди (шифри) кўйидагича :

№ 20202000100308754001 № 17 автокорхона

№ 20208000400463510001 “Хаит” хусусий фирмаси

№ 20208000500463441002 “Блок” кооперативи

№ 20210000200308506001 Зармитон олтин казиб олиш давлат
корхонаси

№ 20210000200308576001 № 2509 автокалоннаси

№ 20208000100308683001 “Рустам - Д” Хусусий фирмаси
(Зарафшон № 82 1998 йил 18 июль газетасидан олинди.)

Юкоридаги белгиларни тушинтиришлар бъйича, “Хаит”
хусусий фирмаси □исобварақ номерига (кодида) кълланадиган
бълсак, кълйидаги кълринишда бъллади:

G G G G G	V V V	K	S S S S S S S S	N N N
2 0 2 0 8	0 0 0	1	0 0 1 6 3 5 1 0	0 0 1

Демак, бу номер (код) мазмунидан тушиниш мумкинки: бу
□исобварақ

20208 (1-5 хонали сон)- хусусий фирма талаб килиб олингунча
депозит □исобвара□и;

000 (6-8 хонали сонлар) - бу фирманинг валюта □исобвара□и
(счета) йълклигини билдиради;

1 (9 - хонадаги сон) - назорат калити;

00163510 (10-17 хонадаги сонлар) - бу фирма БДМАБ да шу
номерда кайд килинган (рълйхатга олинган) лигини билдиради;

001 (18-20 хонадаги сонлар) - фирманинг депозит
□исобвара□ининг номери.

Барча операциялар тегишли хужжатларбилан
расмийлаштирилади ва улар мижозларнинг депозит
□исобваоакларига езиб борилади. Банкларга хужжатларнинг кабул
килиниши ва уларнинг расмийлаштирилиши кунига - операцион
кун дейилади. Операцион кун даврида кабул килинган хужжатлар
ълша кун , бу даврдан кейин (кечрок) кабул килинган хужжатлар
келаси иш кунида расмийлаштирилади ва мижозларнинг тегишли
□исобварақларига езилади.

Банк операциялари белгиланган шаклдаги хужжатлар билан
расмийлаштирилади. Депозит □исобварақдаги мабла□лар
□исобварақ эгасининг фармойишига асосан бошкаларга
ълтказилади. Фармойишлар тъллов топширикномаси, тъллов
талабномаси, инкасса топширикномаси , □исоб чеклари ва шу каби
хужжатлар асосида амалга оширилади. Банклар мижозларнинг
□исобварақларидан факат мажбурий кучга эга бълган
операцияларнинг хужжатларини □исобварақ энгасининг

фармойишисиз бажаради. Бундай хужжатларга суднинг ижро варакалари , натариуснинг ижро езувлари , бюджетга тъланиши лозим бўлган солик ва бошка тълонлар хужжатлари киради.

Банклар қар куни еки мижоз билан келишилган муддатларда уларнинг депозит қисобваракларидан кнчирмалар бериб туради. Бунда қисобваракнинг хос раками, сана, бошланқич колдик суммаси, давр мобайнида кирим килинган ва тъланган (чиким) маблақлар суммалари қамда давр охиридаги колдик езилган бўлади.

Мижозга қисобварак кнчирмаси билан биргаликда операцияларни тасдиқловчи хужжатлар қам кншиб берилади.

Банкларда бухгалтерия қисоби компьютерларда автоматлаштирилган тарзда юритилганлиги сабабли мижозларнинг қисобваракларидан кнчирмалар компьютерларда тузилади. Шунинг учун қам кнчирмаларда матн езувлари бўлмасдан , операциялар кодлари берилган.

Банкларнинг мижозлар қисобваракларида бўлган операцияларидан кнчирма кнйидаги кнринишда бўлади.

(00279) Самарканд “Пахтабанк” бўлими

“Умид” хусусий фирмаси 20208000100205040001

Дата 05.03.980

ост. на нач. дня. пассив. 120000,00

ост. на конец дня. пассив

№	Номер счета	документ	ВО МФО	оборот Дебет	оборот Кредит
1.	20210000700342037001				160000,00
2.	23402000900100001253	29	00279	12000,00	
3.	23402000600100001188	30	00279	9600,00	
4.	20296000000100013002	31	00279	24000,00	
5.	200003000421035001	32	00279	132000,00	

Бу ерда, мижозларнинг банкдаги депозит қисобвараклари пассив счет бўлганлиги сабабли (чунки мижознинг қисобварақида сакланаётган маблақга банк мижоздан қарздор) , дебет операциялар мижознинг қисобварақидан турли корхоналарга кнчирилган (камайган) , кредит оборот эса мижознинг қисобварақига келиб тушган (кабул килинган) маблақлар суммасини билдиради.

Мижознинг банкдаги □исобвара□ига кайси корхоналардан мабла□лар келиб тушганлиги , □амда □исобварадан кимларга , каерларга мабла□ књчирилганлигини , књчирмага илова килиб бериладиган хужжатлардан (тњлов топширикномаси, пул топшириш ордери ва шу кабилан) аникланади.

«Банк фаолиятлари таҳлили фанининг предмети ва иқтисодиётни эркинлаштириш шароитидаги вазифалари» мавзуси бўйича таянч иборалар

Банк тизими, икки поғонали, Республика Марказий банки, тижорат банклари, акционер тижорат банклари, хусусий тижорат банклари, предмет ва объектлар, таҳлил турлари, тезкор, жорий ва истиқболли таҳлил, глобал, локал ва тематик таҳлил; бошқарув ва молиявий таҳлил; комплекс, қиёсий (солиштирма) ва функционал – қиймат таҳлили; таҳлил вазифалари.

«Банк фаолиятлари таҳлили фанининг предмети ва иқтисодиётни эркинлаштириш шароитидаги вазифалари» мавзуси бўйича ўз – ўзини назорат қилиш ва муҳокама саволлари

1. Ўзбекистонда банк тизимининг шаклланиши.
2. Икки поғонали банк тизими ва унинг моҳияти
3. «Банк фаолиятлари таҳлили» фанининг предмет ва объектлари.
4. Банклар фаолияти таҳлилининг ўзига хос хусусиятлари.
5. Таҳлилнинг турлари ва усуллари
6. Таҳлилнинг ахборот манбалари.
7. Комплекс таҳлил моҳияти.
8. Функционал – қиймат таҳлили моҳияти.
9. Бозор муносабатлари шароитида таҳлилнинг асосий вазифалари.

Фойдланиш учун тавсия этилган адабиётлар

1. “Ўзбекистон Республикаси” “Марказий банки тўғрисида”ги қонун.-Т., Ўзбекистон, 1996.
2. “Ўзбекистон Республикаси банклар фаолияти тўғрисида”ги қонун.- Т., Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоқатларни чуқурлаштириш йўлида.- Т., Ўзбекистон, 1995.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий қўўжатлар тўплами. 2002.2003
5. Ўзбекистон банк тизимини ислоқ қилиш ва эркинлаштириш бўйича конунчилик қўўжатлари. 2002. 2003
6. Абдуллаева Ш. Банк иши. Њкув қўўланма. -Т., Молия, 2003.
7. Абдуллаева Ш. Банк рисклари ва кредитлаш. -Т., Молия, 2002.
8. Банковское дело: Управление и технология: Учеб. Пос. Для ВУЗов. Под ред. проф. А.Н. ТОВАЩЕВА. - М., Юнити-Дана, 2001.
9. Маслеченков Ю.С. Финансовый менеджмент в коммерческом банке. -М., ЮНИТИ, 1996.
10. Тавасиев А.М. Банковское дело: управление и технология. Учеб. Пос. - М., Дело, 2001.
11. Худайбердиев У. Тижорат банкларида миожларга депозит қисоб варақлар очиш ва уларни юритиш тартиби. Самарканд, СамКИ, 1999.

II-мавзу. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРИ ҲОЛАТИ ВА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Режа:

1. Банк активларининг моҳияти ва таҳлил вазифалари.
2. Банк активлари ҳолати кўрсатқачларининг таҳлили.
3. Банк активлари таркибининг таҳлили
4. Банк активлари самарали фойдаланишининг таҳлили
5. Банк активларининг самарали фойдаланиш кўрсаткичларига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг таҳлили.

2.1. Банк активларининг моҳияти ва таҳлил вазифалари

Банклар ўз фаолиятларини амалга оширишлари учун керакли кимматликлар: бинолар, асбоб – ускуналар, ҳозирги замонда тезкор ҳисоб – китобни амалга ошириш учун зарур бўлган компьютерлар, нақд пул маблағлари ва кредитга берилган маблағлари бўлади. Банкларнинг мавжуд бундай маблағлари банклар бухгалтерия балансида иқтисодий мазмунига кўра (мисол: асосий воситалар, номоддий активлар, нақд пуллар ва ҳоказолар) қийматлари гуруҳлаштирилиб банк балансининг актив томонида кўрсатилади. Шунинг учун ҳам ҳалқаро миқёсда банк маблағларини активлари деб айтишади. Банк маблағларини бизда ҳам активлар дейилмоқда. Банк активлари жуда турли – туман бўлиши мумкин. лекин ҳамма тижорат банклари ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб бир хил турдаги активларига эга. Уларнинг бир қисмини махсус жиҳозланган банклар нақд пулларни сақлаш учун сейфлар ёки темир шкафлар, компьютерлар, автомашиналар ташкил этади. Бундай активлар банкларда кўп йил ишлатилади ва асосий воситалар деб юритилади.

Тижорат банкларининг асосий фаолияти миқозларга ссудалар беришдир. Ссудалар миқозлар яхши ўрганилгандан кейин, маълум мақсадга, муддати кўрсатилиб, муддати тугагандан кейин фоизли даромад қўшиб қайтариш шарти билан берилади. Тижорат банкларининг бўлимлари, филиаллари кўп бўлиб, маблағларнинг катта қисми миқозларга ссуда сифатида берилган бўлади. Бундай активлар миқозларга берилган кредит (қисқа ва узок муддатларга) қўйилмалари дейилади. Улар тижорат банклари активларининг катта қисмини ташкил этади.

Тижорат банкларида нақд пуллар ҳам бўлади. Бундай нақд пуллар миқозларнинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларидан бериладиган нақд пуллар, нақд пул шаклида кредит беришга, ходимларга иш ҳақи, хизмат сафари учун ва бошқа ишларни таъминлаш учун сақланади.

Тижорат банклари қимматбаҳо қоғозлар бозорида ҳам фаол иштирок этмоқда. Тижорат банклари қимматли қрғозлар бозорида энг салмоқли инвесторлар ва энг ишончли эмитентлар сифатида қатнашади. Кўпгина тижорат банклари ўзлари қимматбаҳо қоғозлар

чиқаради (акция, банк сертификати ва бошқалар) ҳамда уларни бозорда сотади. Тижорат банклари турли қимматли қоғозларни сотиб олади ва банкнинг қимматли қоғозлар портфелини ташкил қилади. Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозларни сотиб олишдан мақсад – бу қимматли қоғозларни кейинчалик сотиш ёки капитални узоқ муддатга қўйиш йўли билан фойда олишдан иборат. Тижорат банкларининг қимматли қоғозларга сарфланган активлари 3,0 – 4,0%ни ташкил этади. Лекин бу ҳисса йилдан – йилга кўтарилиб бормоқда. Айниқса Давлат Қисқа муддатли облигацияларга (ДҚМО) сарфланган маблағлари – йилдан – йилга кўпайиб бормоқда.

Тижорат банклари активларини таҳлил қилганда қуйидагиларни аниқлаш лозим:

- тижорат банки активларининг умумий қолдиғи ҳисобот даврида қанча ўзгарганлигини;
- активларнинг таркибини – маблағлари асосан қайси активларга сарфланганини;
- Банк активлари таркибининг ҳисобот даврида (таҳлил қилинаётган даврда) қанчалик ўзгарганлигини ва уларнинг ўзгариш сабабларини;
- тижорат банклари активларининг ликвидлигини;
- тижорат банклари активларининг самарали фойдаланиш кўрсаткичларини ҳамда уларнинг ҳисобот ва ўтган даврдаги тафовутларини;
- тижорат банклари активларидан самарали фойдаланишга таъсир этувчи омилларни (ижобий ва салбий) ҳамда фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари

Бу кўрсаткичларни аниқлаб таҳлил қилиб, банк активларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари белгилаш лозим бўлади.

2.2. Банк активлари ҳолати кўрсаткичларининг таҳлили

Тижорат банклари фаолиятлари турлича бўлиб, активларини турлича ишлатадилар. Тижорат банклари асосий фаолиятларидан бири – мижозларга турли муддатларга кредитлар беришдир. Демак, тижорат банклари маблағларининг катта қисми мижозларга турли муддатларга берилган кредитларга сарфланган бўлади. Юқорида айтилганидек ҳозорги вақтда тижорат банклари фонд бозорида фаол иштирок этиб, маблағларини қимматли қоғозларга

жойлаштирмоқда. Бундан ташқари тижорат банкларининг асосий воситалари, номоддий активлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги (Уз.Р.МБ.) ҳисоб варағида ва кассасидаги нақд пул маблағлари бўлади. Тижорат банклари активларининг бундай жойланиши фаолият давомида ўзгариб туради. Банк активларининг жойланиши ижобий ёки салбий тамонга ўзгариши мумкин. Банк активларининг қандай ўзгариши активларни бошқаришга ва тўғри йўналтиришга боғлиқ. Шнинг учун ҳам банк активларининг ҳолатини мунтазам равишда ўрганиб, уларнинг ўзгаришини таҳлил қилиб бориш лозим.

Таҳлилда биринчи навбатда банк активларининг умумий суммаси ҳисобот даврида қанчалик ўзгарганлигини (кўпайган ёки камайганлигини) аниқлаш, ундан кейин эса ўзгариш сабабларини аниқлаш лозим.

Тижорат банклари активлари ҳолати таҳлил қилинганда, баринчи навбатда уларнинг ликвидлик даражаси ва рисклик даражаси бўйича ўзгариши ўрганилади.

Демак тижорат банклари активлари таркибига

- нақд пуллар ва марказий банкдаги вакиллик ҳисоб варағидаги маблағлар;
- ДҚМО ва бошқа қимматли қрғозларга қўйилмалар;
- мижозларга берилган кредит қўйилмалари;
- банкнинг асосий воситалари ва номоддий активлари;
- банкнинг бошқа активлари киради.

Тижорат банк активлари йилдан – йилга мутлоқ миқдорларда кўпайиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Матбуот хизмати маълумотларига (Б.П.К. журнали, №2,2004;) қараганда тижорат банклари жами активларининг суммаси 2002 йил 1 январга 3198,0 млрд. сум бўлган бўлса, 2003йил 1 январга 3918,2 млрд сўм, 2004йил 1 январга эса 4419,0 млрд. сумга яъни 138 % кўпайган. Тижорат банк активлари ўз маблағлари манбаи ҳисобидан ҳам, жалб қилинган қарз мажбуриятлари ҳисобига ҳам кўпайиши мумкин.

Тижорат банк активлари фаолият натижасида даромад келтиришга қараб: даромад келтирадиган активлар ва даромад келтирмайдиган активларга бўлинади.

Даромад келтирадиган активларга:

- барча турдаги турли хил кредитлар беришга сарфланган маблағлар;

- ДҚМО ва бошқа қимматли қўғозларга сарфланган маблағлар;
- турли инвестициялар ва бошқалар киради.

**Тижорат банклари даромад келтирмайдиган
активларига;**

- кассадаги нақд пуллар ва бошқа пулмаблағлари;
- асосий воситалар ва номоддий активлар;
- капитал ва бошқа жорий харажатлар киради.



Тижорат банклари активлари рисклик даражасига қараб ҳам гуруҳларга бўлинади. Риск бу келажақда бўлиши мумкин бўладиган воқеа–ҳодисалар натижасидаги банкларнинг қийматликларининг маълум қисмини йўқотишдир. Банк рискларини турли белгиларига қараб гуруҳлаш мумкин. Махсус адабиётларда рискларнинг ташқи ва ички омиллар таъсирида бўлиши, банкларнинг операция турлари бўйича рискларни гуруҳлаш, алоҳида ва комплекс рисклар кўрсатилган.

Тижорат банкларининг активлари ҳам рисклик даражасига қараб – 4 гуруҳга бўлинган:

I–гуруҳ – риск даражаси 0%тенг яъни рискдан ҳоли бўлган активлар. Буларга банк кассаларидаги нақд пуллар, банкнинг Марказий банкдаги «Ностро» вакиллик ҳисоб рақамидаги дебетли қолдиғи, мажбурий резерв счётидаги маблағлар, давлат облигациялари, Марказий банк қимматли қўғозларига сарфланган маблағлар киради.

II-гурух риск даражаси 20% тенг яъни минимал рискли активлар киради. Бундай активларга банкнинг бошқа банклардаги «Ностро» вакиллик ҳисоб варағидаги маблағлари, ҳукуматнинг узоқ муддатли қимматли қоғозлари, корхоналарнинг ҳукумат томонидан кафолатланган қимматли қоғозлари ва «яхши» деб таснифланган кредитлар киритилади.

III - гуруҳ – риск даражаси 50% тенг яъни юқори рискли активлар. Бугуруҳга бошқа банкларга берилган кредитлар, бошқа банкларнинг қимматли қоғозларига сарфланган маблағлар ва шу кабилар киради.

IV - гуруҳ – риск даражаси 100% тенг яъни энг юқори даражали рискли активлар. Буларга тижорат қимматли қоғозлар, таснифланиши паст бўлган (шубҳали ва умудсиз) кредитлар, асосий воситалар киритилган.

Тижорат банклари активларининг рисклик даражаси бўйича бундай гуруҳларга бўлиш, албатта мунозарали. Банк активларини таҳлил қилганда конкрет аҳволдан келиб чиқиб, активни у ёки бу рисклик гуруҳга қўшиш мумкин.

2.3 Банк активлари таркибининг таҳлили

Тижорат банклари активлари нималардан иборат эканлигини билиб олдик. Лекин бу активларнинг турлари тижорат банклари фаолияти хусусиятларидан вабошқа омиллар таъсирида турличадир. Барча тижорат банклари учун умумий бўлган хусусият шуки, уларнинг деярли барчасида миқозларга (шу жумладан бошқа банкларга) берилган кредитлар активларининг асосий қисмини ташкил этади.

Жуда кўп тижорат банклари йилдан –йилга кўпайиб бормоқда. Бу тўғрида олдинги § ларда айтилди. Тасдиқ учун яна Республика акциядор тижорат «Ипак йўли» банки активларининг кўпайишини мисол келтирамиз.

«Ипак йўли» банк активлари 2000 – 2004 йилларда

йиллар активлар				
	2000	2001	2002	2004
Активлар умумий суммаси минг. сум	3569266	7444897	13257789	24446143

Лекин, Республика акциядор – тижорат банки «Савдогарбанк»нинг активлари 2003йил 31 декабрга 40021498,0 минг сўм бўлса, 2004йил 31 декабр ҳолатига 37349977,0 минг сўм бўлган, яъни 2671521,0 минг сўмга камайган. Бунинг сабабини, активларнинг қайси турлари (моддалари) таъсири туфайли камайганлигини билиш учун, активлар таркибий ўзгаришини таҳлил қиламиз.

«Савдогарбанк» активининг 2003 – 2004 йиллардаги ўзгаришлари
(млн. сўм)

№	Активнинг тури	2004й ил		2003 йил		сумма дан фарқ	2004 йил -2003 йил %
		сумма	ҳис саси	сумма	ҳис саси		
1	Нақд пуллар	904,6	2,4	587,0	1,5	+317,6	154,1
2	Ўз.Р.М. банкдан олиними лозим бўлган маблағлар	2105,0	5,6	4515,5	11,3	-2410,4	46,6
3	Бошқа банклардан олиними лозим бўлган маблағлар	1075,9	2,9	318,8	0,8	+757,1	337,5
4	Олди–сотди қимматли қоғозлар	58,1	0,2	60,3	0,2	-2,2	96,4
5	Мижозларга берилган кредитлар (соф) ва аванслар	28108,0	75,3	30872,2	77,1	-2764,2	91,0
6	Молиявий ижара – соф ҳолда	88,0	0,2	-	-	-	-
7	Қарам жамиятларига инвестициялар	51,8	0,1	109,6	0,3	-57,8	47,2
8	Асосий воситалар (соф. қиймати)	2490,7	6,7	2588,0	6,6	-97,3	96,2
9	номоддий активлар (соф қиймат)	50,1	0,1	49,5	0,1	+0,5	101,1
10	Бошқа хусусий мулклар	55,2	0,1	22,7	-	+32,4	242,6
11	Солиқ талаблари	99,5	0,2	133,1	0,3	-33,1	74,7
12	Бошқа активлар	2263,1	6,1	764,7	0,2	+1498,4	295,9
	ЖАМИ	37350,0	100,0	40021,5	100,0	-2671,5	93,3

	АКТИВЛАР					
--	----------	--	--	--	--	--

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, «Савдогарбанк» активининг энг катта қисми (75% дан кўпроғи) миждозларга кредит, тарзида берилган маблағлардан иборат. Бу тижорат банки асосий фаолияти нимадан иборат эканлигидан далолат. Лекин бу сумманинг 2004йилда 2003 йилга нисбатан 2764194,0 минг сўмга камайиб кетиши салбий ҳолат. «Савдогарбанк»нинг энг ликвид маблағларидан Уз.Р.М. банкдан олиниши лозим бўлган маблағлар 2 баравардан кўпроқ камайган, шу билан бирга бошқа банклардан олинadиган маблағлари 3 баравардан кўпроқ ва кассадаги нақд пуллар кўпайган. Шунинг учун ҳам «Савдогарбанк» ликвидлиги сакланган. Банкнинг қимматли қоғозларга ва инвестицияларга сарфланадиган маблағларининг 2004 йилда 2003 йилга нисбатан камайиб кетиши ҳам салбий ҳолат ҳисобланади. Шу билан биргаликда бошқа активлар деб номланган модданинг қарийиб 3 баравар кўпайиб, 1498359,0 минг сўм кўп маблағ сарфланиши бу активлар нималардан иборат эканлигини, кўпайтириш ва шунча қўшимча маблағ сарфлаш зарурият эканлигини ёки зарурият бўлмасдан активларни нотўғри жойлаштирилганлигини жойларда аниқ таҳлил қилиш лозим.

Умуман олганда 2-та модда. Уз.Р.М. банкдан олинadиган маблағлар (2410427,0) ва миждозларга берилган кредитлар (2764194,0) камаймаганда эди, «Савдогарбанк» активлари 5млрд. сум кўпайган бўлар эди.

2.4. Банк активлари самарали фойдаланишининг таҳлили

Тижорат банклари мавжуд активларидан самарали фойдаланишлари лозим. Тижорат банклари активлари турли туман бўлиб, улар ҳар хил фаолиятда иштирок этадилар. Лекин барча активларнинг фойдаланишини умумий кўрсаткичлар билан ифодалаш мумкин. Таҳлилдан барча активларнинг фойдаланишидан ташқари, банклар фаолиятида бир хил фойдаланишда бўлган активлар гуруҳини алоҳида ўрганиш лозим. Масалан, асосий воситалардан, кредитга берилган маблағлардан, қимматбаҳо қоғозларга кўйилган маблағлардан қандай фойдаланилмоқда.

Тижорат банклари барча активларининг самарали фойдаланишини ифодаловчи умумий кўрсаткичларга: активларнинг натижавийлиги (A_n), активларнинг даромадлилиги (A_d), активларнинг тежамкорлиги (A_t) ва активларнинг фойдалилиги (A_f) кўрсаткичларини киритиш мумкин.

Тижорат банклари активларининг натижавийлиги (A_n) деганда, банк фаолиятининг асосийси бўлган кредит айланмасини активларининг ўртача суммасига нисбати тушунилади. Бу кўрсаткич тижорат банки мавжуд активларидан фойдаланиб, ҳисобот даврида (ой, квартал, йил) уларнинг ҳар бир сўмига неча сўмлик кредит айланмасига эришди деган саволга жавоб беради.

$$A_n = \frac{\text{Кредит.айланмаси}}{\text{активлар.уртача.суммаси}};$$

Тижорат банки кредит айланмаси деганда таҳлил қилинаётган даврда (чорак, 6 ой, 9 ой, бир йил ва ҳакоза) миқдорларга кредит бериб, қайтариб олинган сумма тушунилади.

Масалан, тижорат банки ҳисобот йилида 126,0 млрд сўм кредит бериб, қайтариб олган, активларининг ўртача суммаси эса 41,0 млрд сўм. Тижорат банки барча активларининг натижавийлиги

$$A_n = \frac{126.0}{41.0} = 3,07 \text{ бўлган.}$$

Тижорат банклари активларининг даромадлилиги банк кредит ва бошқа операцияларидан олинган барча даромад суммаларини яъни ҳисобот даврида олинган барча даромад суммаларини активларининг ўртача суммасига бўлиб топилади.

$$A_d = \frac{\text{барча.даромадлар.суммаси}}{\text{активлар.уртача.суммаси}};$$

Тижорат банклари активлари тежамкорлиги (A_t) деганда, банклар мавжуд активлардан фойдаланиш учун, уларнинг ҳар бир сўмига қанча харажат қилаётган деган саволга жавоб беради. Бу кўрсаткич A_t банкнинг таҳлил қилинаётган давридаги харажатлар суммасини активлар ўртача суммасига бўлиб топилади.

$$A_t = \frac{\text{харажатлар.суммаси}}{\text{активлар.уртача.суммаси}};$$

Активларнинг фойдалилиги (A_f) кўрсаткичи тижорат банки фойдасини активларнинг ўртача суммасига бўлиб топилади ва банк активларидан фойдаланиб уларнинг ҳар бир сўмига, қанча фойда олаётгани деган саволга жавоб беради.

$$A_f = \frac{\text{соо.фойда.суммаси}}{\text{активлар.уртача.суммаси}}$$

«Тижорат банклари активлари ҳолати ва самарали фойдаланишнинг таҳлили» мавзуси бўйича таянч иборалар

Банк активлари, асосий воситалар, кредит қўйилмалари, молиявий активлар, банк активлари ҳолати, даромад келтирадиган активлар, даромад келтирмайдиган активлар, активларнинг рисклик даражаси, банк активлари ҳолати ва таркиби, банк активларидан самарали фойдаланиш.

« Тижорат банклари активлари ҳолати ва самарали фойдаланишнинг таҳлили» мавзуси бўйича ўз-ўзини назорат қилиш ва муҳокама саволлари

1. Тижорат банклар активларининг иқтисодий моҳияти.
2. Тижорат банклари активларини таҳлил қилиш вазифалари.
3. Тижорат банк активларининг гуруҳланиши.
4. Банк активларининг ҳолатини таҳлил қилиш.
5. Банк активларининг рисклик даражаси бўйича гуруҳланиши.
6. Тижорат банклари активларининг таркибий таҳлили.
7. Тижорат банк активларидан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари ва уларнинг таҳлили.
8. Тижорат банклари активларининг асосий гуруҳлари бўйича фойдаланиш кўрсаткичлари ва уларнинг таҳлили.
9. Банк активларининг самарали фойдаланишга таъсир этувчи омиллар.

Фойдланиш учун тавсия этилган адабиётлар

1. “Ўзбекистон Республикаси” “Марказий банки тўғрисида”ги қонун.-Т., Ўзбекистон, 1996.
2. “Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» иги қонуни.- Т., Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида.- Т., Ўзбекистон, 1995.
4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатлар тўплами. 2002.2003
5. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари. 2002. 2003
6. Абдуллаева Ш. Банк иши. Њқув қўлланма. -Т., Молия, 2003.

7. Абдуллаева Ш. Банк рисклари ва кредитлаш. -Т., Молия, 2002.
8. Банковское дело: Управление и технология: Учеб. Пос. Для ВУЗов. Под ред. проф. А.Н. Тобацева. - М., Юнити-Дана, 2001.
9. Маслеченков Ю.С. Финансовый менеджмент в коммерческом банке. -М., ЮНИТИ, 1996.
10. Тавасиев А.М. Банковское дело: управление и технология. Учеб. пос. - М., Дело, 2001.
11. Худайбердиев У. Тижорат банкларида мижозларга депозит қисоб варақлар очиш ва уларни юритиш тартиби. Самарканд, СамКИ, 1999.

III–мавзу. БАНК КАПИТАЛИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Режа:

1. Банк капиталининг шаклланиши ва таҳлил вазифалари.
2. Банк капиталининг ҳолати, таркиби ва ҳаракатининг таҳлили.
3. Банк капиталидан самарали фойдаланишнинг таҳлили.

3.1. Банк капиталининг шаклланиши ва таҳлил вазифалари

Мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланган сари турли мулк шаклига асосланган тижорат банклари шаклланди ва кўпайди.

Тижорат банкларининг аксарияти акционер банклардир. Уларнинг устав сармояси таъсисчилар қўшган маблағлардан

ташкил топган. Бундай тижорат банклари акция чиқарган бўлиб, таъсисчилар акциядорларнинг катта қисмини ташкил этади. Давлат-тижорат банклари устав фондининг асосий қисми давлат бюджетидан ажратилган бўлади. Хусусий банклар устав фондининг асосий қисмини бу банкни ташкил этган хусусий шахс маблағи ташкил этади.

Тижорат банкларининг устав капитали банк уставида кўрсатилади ва банк фаолиятини бошлашнинг дастлабки маблағ ҳисобланади. Тижорат банклари устав капитали суммаси қонун йўли билан чегараланмаган, лекин банклар фаолиятини барқарор таъминлаш мақсадида унинг минимал миқдори белгилаб қўйилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги “Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан тижорат банклари устав капиталининг минимал миқдори 2007 йил 1 январига қадар:

- тижорат банклари учун 5 млн. АҚШ доллариға (сўм ҳисобига);
- хусусий банклар учун 2,5 млн. АҚШ доллариға (сўм ҳисобида) белгиланган.

Тижорат банкларининг резерв капитали фойдадан ажратмалар ҳисобига ташкил этилиб кўзда тутилмаган зарарлар ҳамда қимматбаҳо қағозлар курсининг пасайиши натижасида вужудга келадиган йўқотишларни қоплаш учун мўлжалланади.

Тижорат банклари ўз маблағлари манбаига устав капитали ва резерв капиталидан ташқари турли мақсадлар учун тузилган жамғармалар (фондлар) ва тақсимланмаган фойда киради.

Тижорат банклари миждозларга кредит бериб, фоизи билан қайтариб олади, қимматли қағозлар бозорида қатнашиб даромад олади. Барча фаолиятдан олган даромадларидан фаолият харажатларини, тузилган резервга ажратмаларни чегириб ташласа, банк фойдаси қолади. Бу суммадан даромад солиғи тўлайди, дивидендлар ажратилади. Банкнинг қолган фойдаси тақсимланмаган фойда сифатида йиллик балансда кўрсатилади.

Тижорат банклари устав капитали банк ўз маблағларининг асосий қисмини ташкил этади ва устав фонди суммаси банк акционерлари умумий йиғилишида оширилиши мумкин.

Умуман олганда тижорат банклари устав капиталининг ҳажмига қараб-учта: йирик, ўрта ва кичик банкларга гуруҳланади.

Ўзбекистон тижорат банклари устав капитали ҳажмига қараб гуруҳланиши.

Тижорат банклари



Манба: Б.П.К. журнали 2004 йил № 5, 4 бет

Тижорат банклари ўз маблағлари манбани таҳлил қилишда, унинг шаклланиши ва етарлилигига эътибор бериш лозим. Банк капитали таркиби ҳисобот даврида ва динамикада қандай ўзгарганлигини ўрганиш муҳим.

3.2. Банк капиталининг ҳолати, таркиби ва ҳаракатининг таҳлили

Тижорат банкларининг ўз капиталига устав, резерв капитали, ташкил этилган жамғармаларга ажратмалар ҳамда тақсимланган фойда киради.

Таҳлил учун асосий манба бўлиб, тижорат банклари бухгалтерия баланси ҳисобланади. Бахгалтерия балансида алоҳида “Хусусий капитал” бўлими бўлиб, бу бўлимда алоҳида сатрларда хусусий капитални ташкил этувчи моддаларнинг суммалари баланс тузилган санага берилади. Бу суммалар баланс тузилган санага банкнинг оддий акциялар, имтиёзли акциялар бўйича акциядорлардан олинган маблағлар манбаи, ташкил этилган резервдаги маблағлар манбаи ва тақсимланмаган фойда қанча эканлигини кўрсатади.

Таҳлилда биринчи навбатда “Хусусий капитал” бўлимининг умумий суммаси ҳисобот даври охири ва бошидаги суммалари таққосланиб, қанчалик ўзгаргани аниқланади. Кейинчалик уларнинг таркиби ўрганилиб, ўзгариш қайси моддалар бўйича содир бўлганлиги ва унинг сабаблари ўрганилади. Мамлакатимиз тижорат банколари Хукуматимиз макроиқтисодиётини барқарорлаштириш бўйича амалга оширган чора-тадбирлар туфайли, фаолиятини ривожлантириб, даромадли ишламоқда. Натижада уларнинг хусусий капитали йилдан-йилга кўпайиб, молиявий барқарорлиги мустақкамланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Матбуот хизмати маълумотларига қараганда, банкларнинг ялпи капитали 2002 йил 1 январиди 502,0 млрд. сўм бўлган бўлса, 2004 йил 1 январ ҳолатига 791,0 млрд. сўмни ташкил этган яъни ушбу даврда 289,0 млрд. сўмга кўпайган. Бу 57,6 % ташкил этади.

Тижорат банклари капитали таркибини Республика акциядорлик тижорат банки “Савдогарбанк” маълумотлари асосида ўрганиб, таҳлил қилиб чиқсак, улар қуйидагича.

**Республика акциядорлик-тижорат банки
“Савдогарбанк”нинг хусусий капиталининг 2003-2004 йиллар
31 декабрга ҳолати**

(млн. сўм)

№		2004 йил		2003 йил		Фарқ и +/-	2004 йил 2003 йил %
		Сум маси	ҳис саси	Сум маси	ҳис саси		
1	Оддий акциялар	2860,3	66,8	2855,8	68,1	+4,4	100,2
2	Имтиёзли акциялар	5,0	0,2	34,3	0,8	-29,2	14,5%
3	Жами: акциядорлик капитали	2865,3	6,70	2890,1	68,9	-24,8	-99,1
4	қайта баҳолашга оид	158,4	3,7	227,7	5,4	-69,3	69,6

	заҳиралар						
5	Тақсимланмаган фойда	1253,1	29,3	1076,9	25,7	+176,3	116,4
	Жами: Хусусий капитал	4276,8	100,0	4194,7	100,0	+82,2	102,0

Манба: Банк ахборотномаси. 2005 йил 27 апрел. №18-19, 85 бет.

Маълумотлардан кўришиб турибдики, “Савдогарбанк”нинг хусусий капитал таркибий ўзгаришни кўриб чиқсак, ушбу йилда яъни 2003 йил 31 декабридан 2004 йил 31 декабригача хусусий капитални ташкил этувчи баланс моддаларида турлича ўзгариш бўлган. Ушбу йилда акциядорлик капитали сумаси 29230,0 минг сўмга, асосан имтиёзли ўз акцияларни қайтариб сотиб олиши натижасида камайган. Албатта бунинг сабабини жойларда чуқур ўрганиш мумкин.

Банкнинг қайта баҳолашга оид заҳиралари ҳам ушбу даврда 69393,0 минг сўмга камайган. Банк фақат тақсимланмаган фойда суммасининг 2004 йилда 2003 йилга нисбатан 176257,0 минг сумга кўпайганлиги сабаблигина, умумий хусусий капитал суммасини кўпайтирган. Бир йилда банкнинг тақсимланмаган фойдаси 16,4 % кўпайган. Бундай ўзгаришни ижобий баҳоласа бўлади. Агарда ушбу йилда банкнинг имтиёзли акциялардаги (29230,0 минг сўм) ва заҳиралардаги суммалари (69293,0 минг сўм) камаймаганда, “Савдогарбанк”нинг хусусий капитали жами 4375361,0 минг сўм (29230,0) бўлиб, молиявий барқарорлиги янада мустаҳкамланар эди. Эътибор берган бўлсангиз ўз маблағлари манбаида энг катта улушини (ҳиссанинг -70% яқинини) устав капитали ташкил этаяпти. Барча тижорат банкларида ҳам шундай.

Таҳлилни давом эттириб, таҳлил қилинаётган объект хусусий капиталининг бир неча йиллар давомида динамик ўзгариши қандай бўлаётганлигини, ўзгариш тенденцияларини аниқлаш лозим.

3.3. Банк капиталидан самарали фойдаланишнинг таҳлили

Тижорат багклари капитали ҳажми йилдан-йилга кўпайиб бормокда. Тижорат банкларининг капитали қанчалик кўп бўлса, бу банк шунчалик ишончлироқ бўлади. Мижозлар ва бошқа инвесторлар капитали етарли, ишончли банklar билан ҳамкорлик

қилишга интилади. Бу борада Республика Призидентининг 2005 йил 15 апрелдаги “Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида уларнинг устав жамғармалари ва айланма маблағларини кўпайтириш лозимлиги таъкидланган. Банклар устав капиталининг минимал миқдорини босқичма-босқич ошириб бориш, уни 2007 йилнинг 1 январига қадар

- тижорат банклари учун-сумга айлантириб ҳисобланганда 5 млн. АҚШ долларигача;

- Хусусий банклар учун –сумга айлантириб ҳисобланганда 2,5 млн. АҚШ долларигача етказиш кўзда тутилган.

Барча тижорат банклари мавжуд капиталларини тўғри жойлаштириб, самарали фойдаланишлари лозим.

Тижорат банклари капиталларининг самарали фойдаланишини умумий кўрсаткичлар билан ифодалаш мумкин.

1. Банк капиталининг натижавийлиги (БКН);

2. Банк капиталининг даромадлилиги (БКД);

3. Банк капиталининг фойдалилиги (рентабиллиги) (БКР).

Банк капитали натижавийлиги деганда тижорат банкларининг ўз капиталининг ҳар бир сўмига неча сўмлик кредит муомаласини бажаради деган саволга жавоб берилади. Демак тижорат банкининг маълум давридаги (кўпинча бир йил) кредит айланмаси суммасини банк капитали ўртача суммасига бўлиб топилади.

$$БКН = \frac{\text{кредит.айланмаси.суммаси}}{\text{банк.капитали.уртача.суммаси}};$$

Мисол. Тижорат банки жорий йилда кредитнинг барча турлари бўйича 18480,0 млн. сўмга айланмага эришди. Банк капиталининг ўртача миқдори 1540,0 млн. сўм бўлган. Демак ушбу банк капиталининг натижавийлиги (БКН) = 12 сўм бўлган.

$БКН = 18480,0 : 1540,0 = 12$ сўм. Ушбу тижорат банк жорий йилда капиталининг ҳар бир сўмига 12 сўмлик кредит айланмасига эришган. Бу натижага баҳо бериш учун ўтган йилги БКН кўрсаткичларини ҳисоблаш ва улар билан жорий кўрсаткични таққослаш лозим.

Банк капиталининг даромадлилиги (БКД) кўрсаткичи банк капиталдан фойдаланиб, унинг ҳар бир сўмига қанчалик даромад олди деган саволга жавоб беради ва банк фаолиятидан олган даромад суммасини капиталнинг ўртача суммасига бўлиб топилади.

$$\text{БКД} = \frac{\text{банк.фаолиятидан.олинг ан.даромадлар}}{\text{банк.капитали.уртача.суммаси}} ;$$

Мисол: Тижорат багки жорий йилда 5544,0 млн. сўм даромад қилган, капиталининг ўртача суммаси эса 1540,0 млн. сўм.

$$\text{БКД} = \frac{\text{банк.соф.foyдаси}}{\text{банк.капитали.уртачаси}} ;$$

Мисол: Тижорат банки жорий йилда 693,0 млн. сўм фойда олган, капиталининг ўртача қиймати 1540,0 млн.сўм.

Демак БКР = 693,0:1540,0=0,45 сўм.

Юқоридаги умумий кўрсаткичлар ҳисобланиб, ўтган даврдаги бундай кўрсаткичлар миқдорлари билан таққосланиб, тегишли хулосалар чиқарилади. Таҳлил давомида умумий кўрсаткичлардан ташқари, устав капитали, фойда ва шу каби ўз маблағлари манбаи (капитал) кўпайиш ва самарали фойдаланишга таъсир этувчи омилларни ўрганиб, уларнинг фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятларини белгилаш лозим.

“Банк капиталининг таҳлили” мавзуси бўйича таянч иборалар

Устав капитал, минимал миқдор, резерв капитал, тақсимланмаган фойда, банк капитали таркиби, банк капитали ҳолати, банк капиталидан самарали фойдаланиш, капиталнинг натижавийлиги, капиталнинг даромадлиги, капиталининг рентабиллиги,

“Банк капиталининг таҳлили” мавзуси бўйича ўз-ўзини назорат қилиш ва муҳокама учун саволлар

1. Тижорат банклари капиталлари моҳияти.
2. Тижорат банклари капиталининг бошқа турларининг шаклланиши.
3. Тижорат банклари капиталининг бошқа турларининг шаклланиши.

4. Банк капитали таҳлилининг вазифалари ва маълумотлар манбалари.
5. Банк капитали ҳолатини ифдаловчи кўрсаткичлар таҳлили.
6. Банк капиталининг ҳаракатини ифдаловчи кўрсаткичлар таҳлили.
7. Банк капиталидан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари таҳлили.
8. Банк капиталидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари.

Фойдланиш учун тавсия этилган адабиётлар

1. “Ўзбекистон Республикаси” “Марказий банки тўғрисида”ги қонун.-Т., Ўзбекистон, 1996.
2. “Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» иги қонуни.- Т., Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида.- Т., Ўзбекистон, 1995.
4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлар тўплами. 2002.2003
5. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари. 2002. 2003
6. Абдуллаева Ш. Банк иши. Ўқув қўлланма. -Т., Молия, 2003.
7. Абдуллаева Ш. Банк рисклари ва кредитлаш. -Т., Молия, 2002.
8. Банковское дело: Управление и технология: Учеб. Пос. Для ВУЗов. Под ред. проф. А.Н. Тобацева. - М., Юнити-Дана, 2001.

9. Маслеченков Ю.С. Финансовый менеджмент в коммерческом банке. -М., ЮНИТИ, 1996.
10. Тавасиев А.М. Банковское дело: управление и технология. Учеб. пос. - М., Дело, 2001.
11. Худайбердиев У. Тижорат банкларида мижозларга депозит қисоб варақлар очиш ва уларни юритиш тартиби. Самарканд, СамКИ, 1999.

IV–мавзу. БАНК МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Режа:

1. Тижорат банклари мажбуриятларининг шаклланиши.
2. Тижорат банклари мажбуриятлари ҳолатининг таҳлили.
3. Тижорат банклари мажбуриятларининг самарали фойдаланишнинг таҳлили.

4. 1. Тижорат банклари мажбуриятларининг шаклланиши

Тижорат банклари ресурслари ўз маблағлари ва четдан жалб қилинган маблағлар манбаидан ташкил этади. Тижорат банклари корхоналар ташкилотлар, муассасалар, ҳамда аҳоли маблағларини омонатларда сақлаш учун жалб қиладилар. Тижорат банкларнинг омонатчиларнинг маблағини сақлашга қабул қилишга оид операциялари – пассив операциялари ҳисобланиб, кредит ресурсларини шакллантириш (яъни актив операцияларни амалга ошириш) учун муҳумдир.

Жалб қилинган маблағлар депозитлар, шунингдек конта – коррент ва корреспондент (мухбирлик) ҳисоб варақларидаги маблағлардир. Корхона, ташкилот ва бошқа юридик шахслар хоҳлаган тижорат банкида талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб варақлар очадилар. Бу ҳисоб варақларидан хом – ашё, материалларни сотиб олиш учун таъминотчиларга, давлат бюджетига солиқларни тўлаш учун пул ўтказадилар. Корхоналарнинг бу ҳисоб варағига харидорлардан сотилган тайёр маҳсулотларнинг ҳақи келиб тушадилар. Бу ҳисобварақдан корхона (ҳисобварақ эгаси) ходимларга меҳнат ҳақи тўлаш, хизмат сафари харажатларини тўлаш учун чек билан корхона кассасига нақд пул олади.

Шундай қилиб, талаб қилиб олингунча (айрим адабиётларда йўқлаб олинадиган) депозит ҳисоб варақларида банк мижозлари вақтинчалик бўш пул маблағларини сақлайдилар ва барча фаолият операцияларини тегишли хужжатларга асосан (тўлов топшириқномаси кўп қўлланади) амалга оширадилар.

Корхона, ташкилот ва бошқа юридик шахсларда банкдаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб варағини банкдаги ҳисоб – китоб счёти деб юритадилар. Бундай омонатлардаги ҳисоб варақларда маълум даражада пул маблағлари қолдиғи бўлади. Тижорат банклари бу пул маблағларидан кредит ресурсларини тўлдиришга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам маблағи катта бўлган (фаолияти бўйича катта пул айланадиган) мижозларга тижорат банклари яхши хизмат кўрсатиб, ўзларидан қочирмасликга ҳаракат қилади. Муддатли омонатлар (депозитлар) – мижоз банкга маълум муддатга қўйиладиган омонатлардир (қўйилмадир). Тижорат банклари бундай омонатларга фойизлар тўлайди. Фойизлар ставкаси омонатнинг миқдори (суммаси), муддати ва банкнинг молиявий аҳволига боғлиқ ҳисобланади. Тижорат банклари учун муддатли депозитлар қулай, чунки то муддати келиб, мижоз олгунча, бу маблағлардан банк кредит бериш учун фойдаланиши мумкин.

Муддатли омонатларнинг турларидан бири, депозит сертификатларидир. Депозит сертификати – банк томонидан пул қўйилганлигини тасдиқловчи ёзма шаҳодатнома бўлиб, белгиланган муддат ўтгандан кейин эгасига қўйилма суммаси ва келишилган фойизни олиш ҳуқуқини беради. Бундан ташқари тижорат банклари жамғармали депозитлар ҳам қабул қилади.

Тижорат банклари аҳолидан бўш пул маблағларини жалб қилиш учун (чунки имконият катта) турли хил муддатли ва жамғармали омонатлар очади.

Талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб варақларини очиш ва юритиш тартиби олдинги §ларда тушунтирилган. Демак омонатларни қўйиш шаклига кўра депозитлар:

- талаб қилиб олингунча депозитлар;

- муддатли депозит маблағлар (1 ой, 3-6ой, 6-9 ойгача, 9 -12 ойгача ва хоказо) Хозирги вақтларда молиявий аҳволи яхши миждозларга контокоррент ҳисоб варағи очилиб, барча ҳисоб – китоблар шу счётадан амалга оширилиши мумкин. Бу счётада миждознинг ўз маблағлари ҳам ҳамда бошқалардан олган – яъни счётадан жалб қилган қарз мажбуриятлари ҳам ҳисобга олиб борилади. Шунинг учун ҳам бу ҳисоб варақни қолдиғи дебетда ҳам, айрим даврларда кредитда ҳам бўлиши мумкин.

Солдик дебетда бўлса миждоз бу сумага банкдан қарз ва бу сумага белгиланган ставкада банкга фоиз тўлайди. Тескари, қолдик кредитда бўлса миждознинг бу ҳисобварағида маблағи борлигини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Матбуот хизмати маълумотларига қараганда аҳолидан қабул қилинган омонат суммалари йилдан – йилга кўпайиб бормокда. Аҳоли омонатларининг қолдиғи 2002 йил 1 январ қолатига 91,5 млрд сум, бўлган бўлса, 2003 йил 1 январига – 170,1 млрд сум, 2004 йил 1 январга эса 245,0 млрд сум бўлган яъни 2002 йилга нисбатан 2,7 марта кўпайган.

Тижорат банкларининг кредит ресурсларини кўпайтириш манбаларидан яна бири – банклараро кредитлардир. Бунда тижорат банклари ўзаро қилишган қолда мухбирлик (корреспондент) ҳисоб варағи очади. Бу ҳисоб варақдан кредит берувчи банк кредит олувчи банк топшириғига асосан ҳисоб – китоблар олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларининг кредит ресурсларининг жорий қолатини доимий равишда қузатиб боради. Пул – кредит сиёсатидан қелиб чиқиб, тижорат банкларининг ликвид қолатини саклаш мақсадида Республикаси Марказий банки қайта молиялаш тариқасида кредитлар ажратади. Республикаси Марказий банки « Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг 30 –

моддасига биноан куйидаги активлар гаравга кўйилганда банкларга кредит беришга қўллик.

Марказий банк ўзи белгилаган шартларда банкларга уч ойгача бўлган муддатга кредит беришга ҳақди, бунда куйидаги активлар гаравга қўйилиши мумкин:


- олтин, чет эл валютаси, халқаро резервлар тоифасига кирувчи валюта бойликлари ва бошқа бойликлар;
- давлат қарз мажбуриятлари ва ҳукумат қаролатлаган бошқа қарз воситалари.


Марказий банк ўзи белгилаган шартларда банкларга уч ойгача бўлган муддатга кредит беришга ҳақди, бунда куйидаги активлар гаравга қўйилиши мумкин:

- олтин, чет эл валютаси, халқаро резервлар тоифасига кирувчи валюта бойликлари ва бошқа бойликлар;
- давлат қарз мажбуриятлари ва ҳукумат қаролатлаган бошқа қарз воситалари;

Республикаси Марказий банки тижорат банкларига ломбард кредити бериши мумкин. Ломбард кредити Марказий банкнинг 1998 йил 22 август № 416 сонли «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банкларга ломбард кредити бериш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан берилади. Ломбард кредити банкларни қайта молиялаш шаклларида бири бўлиб, ДҚМО – ларини гаравга қўйиш йўли билан берилади. Кредитлар Ўз.Р.М.Б. Бошқаруви томонидан тасдиқланган 1996 йил 20 апрелдаги № 41 сонли «Ўзбекистон Республикасида кредит ресурслари қиммати савдоларини ўтказиш тартиби»га мувофиқ жойлаштирилиб, Марказий банк қудудий Бош бошқармалари ва тижорат банклари ўртасида тузиладиган кредит шартномаси билан расмийлаштирилади. Унда томонлар номи, ўзаро мажбуриятлари ва иқтисодий маъсулиятлари, кредит бериш ва қайтариш тартиби, фоиз ставкаси ва уни ўзгартириш шартлари ва бошқа жиҳатлар ўзилган бўлади. Кредитни олган тижорат банклари кредитдан фойдаланиш ва унинг қолати бўйича Ўз.Р. М. Банкнинг «Пул – кредит сиёсати» департаментига маълумотнома тақдим этиб туради.

Тижорат банклари жалб қиладиган маблағлар тартиби





4.2. Тижорат банклари мажбуриятлари қолатининг тақлили

Тижорат банклари активларининг катта қисмини манбаи бўлиб банк мажбуриятлари қисобланар экан. Тижорат банклари мажбуриятлари юридик шахсларнинг қисоб варақларидаги депозит маблағлари, ақолидан қабул килинган омонатлар, бошқа тижорат банкларидан олинган кредитлар, қамда Республика Марказий банкдан олинган ссудалардан ташкил топиши мумкин экан.

Тижорат банклари мажбуриятлари қолатини тақлил килганда банк мажбуриятларининг умумий суммаси қисобот даврда канча ва кандай ўзгарганлигини аниклаш лозим. Биз мисол килиб олган «Савдогарбанк»да 2003йил 31 декабрга жами мажбуриятлар колдиђи 35826.814,0 минг сўм бўлган бўлса, 2004 йил 31 декабр қолатига 33073139,0 минг сўм бўлиб, йил давомида – 2753.675,0 минг сўмга (36826814,0 – 33073139,0) камайган. Албатта бирор бир хулоса чикаришдан олдин бунинг сабабини, кайси муддадан камайганлигини, қачон содир бўлганлигини ва бу ўзгариш Корпоратив банк бошқаруви фаолиятига кандай таъсир килганлигини аниклаш лозим. «Банк ахборотномаси» 2005 йил 27 апрелдаги сонида эълон килинган бошқа тижорат банклари мажбуриятлари кўпайган. Масалан, Республика акциядорлик тижорат саноат курилиш банк «Ўзсаноаткурилишбанк» 2003йил 31 декабр қолатига 281670176,0 минг сўм бўлиб, 2004 йил 31 декабрга 365958573,0 минг сўмга етган яъни йил давомида

84288397,0 минг сўмга кўпайган. Худди шундай Республика акциядорлик – тижорат банки «Алокабанк» мажбуриятларининг умумий суммаси кам 2003 йил 31 декабрдаги – 15806071,0 минг сўмдан, 2004 йил 31 декабрда – 21648430,0 минг сўмга етган, яъни 137,0% гача кўпайган.

Республика акциядорлик - тижорат банки «Савдогарбанк» мажбуриятларининг умумий суммаси нисбатан камроқ қисмига камайганлигини билиш учун, мажбуриятлар таркибини тақлил қиламиз.

**«Савдогарбанк» мажбуриятларининг 2003 – 2004 йиллар
31 декабрга нисбатан**

№	Мажбуриятлар турлари	2004 йил		2003 йил		Фарқи +-	2004 йил 2003 йилга нисб. %
		млн. сўм	қис са	млн. сўм	қис са		
1	талаб қилиб олинганча депозит	11804,9	35,7	20778,3	58,0	-8973,5	56,8
2	жамғарма депозитлар	293,1	0,9	276,1	0,8	+17,0	106,2
3	муддатли депозитлар	8206,1	24,9	5198,4	14,5	+3007,7	157,8
4	қукумат қисоб вараклари	1527,2	4,5	934,0	2,6	+593,2	163,5
	Жами депозитлар	21831,3	66,0	27186,8	75,9	-5355,5	80,3
5	Уз.Р.М.Б. тўланадиган маблағлар	0	-	90,7	0,2	-90,7	-
6	бошқа банкларга тўланадиган маблағлар	1590,0	4,8	0	-	+1590,0	-
7	РЕПО ва бошқа қарз маблағлари	9116,1	27,6	8372,9	23,4	+743,1	108,8
8	Солик мажбурият лари	138,8	0,4	105,0	0,3	+33,8	132,2
9	бошқа мажбуриятлар	396,9	1,2	71,4	0,2	+325,5	5,6 марта
	мажбуриятлар жами	33073,1	100,0	35826,8	100,0	-2753,7	-

Жадвал маълумотлари «Савдогарбанк» мажбуриятлари таркибида бир йил давомида қандай ўзгариш бўлганлигини кўрсатиб турибди. Юқорида ёзилганидек тақлил қилинаётган даврдаги мажбуриятларнинг 2723675,0 минг сўмга камайиши, умуман депозит суммаларининг камайишдан (5355476,0

минг сум) бўлган. Лекин депозитлар таркибини ўрганиб чиққанимизда талаб килиб олингунча депозит суммаси 2004 йилда 2003 йилга нисбатан 8973468,0 минг сумга камайиб кетганлигини кўрсатмоқда. Албатта бунинг сабаблари жуда кўп ва турлича бўлиши мумкин. Чунки биз Республика микёсидаги уюшма «Савдогарбанк» маълумотлари асосида тақлил қилаёпмиз. Бунда «Савдогарбанк» миждозлари қисоб варақларида шу вақтга (31 декабр) маблағ кам бўлганлиги (йил охирига хом – ашё, материаллар зақира килиб, сотиб олган) ёки уларнинг маблағлари камайиб, молиявий ақволлари ёмонлашган ёки айрим миждозлар «Савдогарбанк»нинг ўша бўлими хизматидан коникмай, бошка банкга ўтиб кетган бўлиши кам мумкин (юридик ва жисмоний шахслар учун банк танлаш ихтиёрий). Лекин шуни кам таъкидлаш керакки жамғармали ва муддатли депозитдаги суммалар (маждуриятлар) қисоб даврида кўпайган. Айниқса муддатли депозит суммаларининг 157,8 % га бир йилда кўпайиши тақсинга сазовордир. Агарда талаб килиб олингунча депозит суммаси 2004 йилда 2003 йилга нисбатан камаймаганда «Савдогарбанк» маждуриятларининг умумий суммаси қарийиб 9,0 млрд. сўмга кўп бўлган бўлар ва 33,0 млрд. сўм эмас, 42,0 млрд. сўмни ташкил этар эди.

«Банк маждуриятлари таҳлили» мавзуси бўйича таянч иборалар

Талаб килиб олингунча депозитлар, жамгарма депозитлар мудатли депозитлар, четдан жалб килинган маблағлар, кредит ресурслари, банк маждуриятлари, банк банк маждуриятлари ҳолати ва ҳаракати.

«Банк маждуриятлари таҳлили» мавзуси бўйича ўз- ўзини назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Банк маждуриятлари мохияти ва шаклланиши.
2. Талаб килиб олингунча депозитларнинг шаклланиши.
3. Муддатли депозитлар мохияти ва турлари.
4. Жамгарма депозитлар мохияти.
5. Тижорат банклари четдан жалб килинган маблағларнинг бошка турлари
6. Банк маждуриятларининг ҳолати ва ҳаракати таҳлили.
7. Банк маждуриятлари (четдан жалб килинган маблағлар)дан самарали фойдаланишнинг таҳлили.

Фойдланиш учун тавсия этилган адабиётлар

1. “Ўзбекистон Республикаси” “Марказий банки тўғрисида”ги қонун.-Т., Ўзбекистон, 1996.
2. “Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» иги қонуни.- Т., Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида.- Т., Ўзбекистон, 1995.
4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлар тўплами. 2002.2003
5. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари. 2002. 2003
6. Абдуллаева Ш. Банк иши. Ўқув қўлланма. -Т., Молия, 2003.
7. Абдуллаева Ш. Банк рисклари ва кредитлаш. -Т., Молия, 2002.
8. Банковское дело: Управление и технология: Учеб. Пос. Для ВУЗов. Под ред. проф. А.Н. ТОВАЩЕВА. - М., Юнити-Дана, 2001.
9. Маслеченков Ю.С. Финансовый менеджмент в коммерческом банке. -М., ЮНИТИ, 1996.

V-мавзу. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Режа:

1. Кредит моҳияти, аҳамияти ва турлари
2. Мижозларнинг кредитни тўлаш қобилиятини ҳисоблаш усуллари.
3. Тижорат банклари кредитларнинг умумий таҳлили.
4. Банк кредитларининг таъминланганлиги таҳлили.
5. Кредит ҳажми ва унинг айланишининг таҳлили

5.1. Кредит моҳияти, аҳамияти ва турлари

Кредит сўзи латинча бўлиб, қарз маъносини англатади. Кредит жуда қадим замонда пайдо бўлган. Унинг пайдо бўлишига асосий сабаб, жамиятда товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва пулга бўлган талабнинг ортишидир. Кредит-бу вақтинча бўш турган пул маблағларини бошқаларга қайтариш ва ҳақ тўлаш шарти билан (фоизи билан) маълум муддатга қарз қилиб бериш бўйича бўладиган иқтисодий муносабатлардир.

Кредит бўш турган пул маблағларини ссуда фонди шаклида тўплаш ва уларни маълум мақсад учун пулга мухтожларга маълум муддатга фоизи билан қайтариш шarti билан қарзга беришдир. Кредитнинг мавжудлиги такрор ишлаб чиқариш жарёнида пул маблағларининг (капиталнинг) айланиши билан боғлиқ. Такрор ишлаб чиқариш жарёнининг бирор жойида вақтинча бўшаб қолган маблағлар, такрор ишлаб чиқаришнинг бошқа бирор жойида керак бўлиб, турганда, бўш маблағлар кредит манбаи сифатида пайдо бўлади. Бозор муносабатларининг бошланғич даврларида маблағларга талаб кўпаяди. Шунинг учун ҳам ҳозир кредит халқ хўжалиги тармоқ корхоналарини ривожлантиришда, умуман пул айланмасини ташкил этишда аҳамияти катта.

Кредит ресурсларининг асосий манбалари:
корхона, ташкилотларнинг банкдаги амортизация ажратмалари;
такрор айланиш жараёнида корхоналарнинг бўш турган пул маблағлари;
корхоналарнинг фан ва техникани ривожлантириш фондлари,
моддий рағбатлантириш ва бошқа фондлар маблағлари;
аҳолининг банкдаги омонатда сақаланаётган маблағлари;
Бюджет муассасалари, касаба уюшмалари ва бошқа нодавлат ташкилотларининг банклардаги пул маблағлари.

Кредитни тижорат банклари, корхона ва ташкилотлар, кредит уюшмалари, инвестиция жамғармалари, давлат, фирмалар, суғурта компаниялари бериши мумкин.

Статистикада кредитлар бир неча белгилари бўйича гуруҳланиши мумкин: Кредитнинг мақсади бўйича: истеъмол кредити, саноат, савдо, қишлоқ хўжалиги, коммунал кредит ва бошқалар.

Кредит миқдори бўйича кредитлар: майда, ўрта ва йирик (катта) ҳажмдаги кредитлар бўлинади. Катта ҳажмдаги кредитлар кўпинча асосий воситаларни модернизация қилишга, капитал қўйилмаларга берилади. Таъминот даражаси бўйича кредитлар: таъминланган ва таъминланмаган кредитларга бўлинади. Таъминланган кредитлар аниқ бир моддий ёки номоддий бойликлар билан гаровга қўйилиб ёки суғурта қилиниб қайтарилиши гарантияланган бўлади.

Бозор муносабатлари шароитида фаолият юритувчи субъектлар ракобатда енгилмаслик учун, ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлашлари лозим. Бунинг учун

замонавий асбоб-ускуналар, тахникага, етарли даражада хомашё, материаллар билан таъминланган бўлишлари керак бўлади.

Шунинг учун ҳам хўжалик юритувчи субъектлар асосий воситаларини янгилашга айланма маблағларини тўлдиришга, ҳамда турли тўлов суммаларини (солик тўловлари, олинган хомашё, кўрсатилган хизматлар учун) амалга ошириш учун кредит олишга мажбур бўладилар.

Кредитнинг ахамияти куйидагилардан келиб чиқади:

- кредит ёрдамида бўш турган пул маблағлари жамғарилади ва ҳаракатдаги пулга (капитал) айлантирилади. Натижада пул муомаласининг баракарорлашувига олиб келади;

- кредит воситасида пул маблағлари тармоқлар (саноат, кишлок хўжалиги, транспорт, маориф, соғликни-саклаш ва бошқалар), корхоналар ва аҳоли ўртасида қайта такомилланади. Натижада пул маблағлари улар ўртасида эркин кўчиб юради;

- кредит ёрдамида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнининг доиравий айланиши ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларнинг узлуксизлиги таъминланади;

- кредит воситасида ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, ҳамда мамлакат микёсида иктисодий ўсиш имконияти яратилади.

Банк кредитлари маълум муддатга, фоизи билан қайтариб бериш ва кредитнинг таъминланганлик таъмойиллари асосида берилади.

Кредитнинг қайтариб беришлиги, уни молиядан фарклайди. кредит маълум муддатга берилиб, муддат ўтгандан сўнг тўлиқ қайтариб берилиши лозим.

Кредит маълум муддатга (бир ойга, уч ой, олти ой, бир йил ва ундан узок муддатларга) берилади. кредит муддати банк ва мижоз томонидан келишиб, кредит шартномасида қайд қилинади.

Мижоз кредитдан фойдаланганлик учун банкга ҳақ тулайди. Бу сумма кредит фоизи (ссуда фоизи) сифатида ҳисоблаб чиқилади. Банк берган кредит суммаси таъминланган бўлиши лозим. Демак мижоз олаётган банк кредитининг қайтарилиши кафолатланган бўлиши лозим. Банк кредитининг таъминланиши: кредит олган мижознинг мол-мулкини гаровга қуйиш йўли билан ёки сугурта компаниялари кредитни сугурталаш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Кредит маълум мақсад учун берилади. кредитнинг нима учун берилганлиги кредит шартномасида кўрсатилади. Берилган

кредитни мижоз ана шу мақсад учун ишлатиши лозим. Кредитнинг мақсад бўйича ишлатишини банк назорат қилиб боради. Агарда мижознинг берилган кредитни бошқа мақсадлар учун ишлатилганлиги аниқланса, кредит бериш тўхтатилади ва берилган кредитни муддатидан олдин қайтариб олиш чоралари қўрилади.

Мижоз олинган кредитдан самарали фойдаланиши лозим. Кредитдан самарали фойдаланиб, мижоз нафакат олган кредитини фоизи билан (маълум ҳақ билан) қайтариши, балки мижознинг ўзи ҳам фаолиятини ривожлантириши натижасида даромад (фойда) олиши керак бўлади. Шунинг учун ҳам кредит беришдан олдин, банкнинг кредит бўлими мутахассислари, мижоз такдим қилган маълумотлар асосида, мижознинг кредитни қайтариш (тўлов) қобилиятини ҳисоблайди ҳамда бизнес-режасини ўрганади.

Тижорат банк кредитларини турли белгилари бўйича таснифлаш (гуруҳларга ажратиш) мумкин.

Кредит нима мақсадда берилганига қараб:

- капитал қўйилмаларга: биноларни ва бошқа объектларни қуриш, асбоб-ускуналарни сотиб олиш, асосий воситаларни қайта қуриш ёки қайта жихозлаш, капитал таъмирлашга сарфлаш учун;

- айланма маблағларни тўлдириш учун. Бунда хомашё, материаллар, ёкилги ва бошқа жорий активлар сотиб олиш учун сарфланади;

- муомала фондларини тўлдириш учун. Бундай кредитлар товарларни сотиб олиш, сақлаш ва сотиш жараёнларини амалга ошириш учун сарфланади.

Кредитнинг берилиши ва қайтарилиш муддатларига қараб:

Ўска, ўрта ўзок муддатли кредитларга бўлинади. Ўска муддатли кредитлар бир йил муддатгача берилади. Ўска муддатли кредитлар товар-моддий бойликларни сотиб олиш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун берилади. Бундай кредитларни айланма маблағлари етишмаётган субъектлар олади.

Ўрта муддатли кредитларга бир йилдан-уч йилгача берилган кредитлар киритилади. Бундай кредитлар турли мақсадлар учун берилиши мумкин. Айрим адабиётларда ўрта муддатли кредитларни бир йилдан беш йилгача муддатга берилган кредитлар деб ёзади. Кейинги адабиётларда ўрта муддатли кредитларни алоҳида гуруҳга ажратмасдан, фақат қиска ва узок муддатли кредитларга бўлишмоқда.

Узок муддатли кредитлар асосан капитал кўйилмалар учун олиниб, асосий воситаларни куриш, сотиб олиш, модернизациялаш учун сарфланади. Бундай кредитлар уч йилдан кўпроқ муддатга берилади.

5.2. Мижозларнинг кредитни тўлаш қобилиятини ҳисоблаш усуллари

Тижорат банклари мијозларга (корхона, ташкилот, фирма, АЖ-ларга) кредит беришга қарор қилишдан олдин, мијозларнинг молиявий ҳолатини ўрганиб чиқади. Бунинг учун мијоз банкнинг кредит бўлимига охириги «Бухгалтерия баланси» (шакл № 1); «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (шакл № 2) ва бошқа керакли бухгалтерии ҳисоботларини ва маълумотларини олиб келиб беради. Тижорат банк кредит бўлим ходимлари. ушбу маълумотлар асосида мијознинг молиявий ҳолатини ва кредитни қайтариш имқониятини ўрганиб, кредит бериш ёки бермаслик тўғрисида ҳулоса чиқаради.

Қорхона, ташкилот, фирмаларнинг молиявий ҳолати (ахволи) мураккаб кўрсаткич бўлиб, у қорхонанинг (ҳаммасини тушуниш лозим) ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни сотиш фаолияти кўрсаткичлари, бошқа фаолият (мисол, қимматли қозғалар операциялари) натижалари, ҳамда барча фаолият молиявий натижаларига боғлиқ.

Ҳўжалиқ юритувчи субъектнинг банк кредитини тўлов қобилиятини бирнеча иқтисодий кўрсаткичлар белгилайди. Бу кўрсаткичларнинг асосийларига қуйидагилар қиради:

Қорхона балансининг қопланиш ва ликвидлик қоэффицентлари, қамда нўз маблақи билан таъминланганлиги (автоном) қоэффицентлари).

Балансининг қопланиш қоэффиценти - субъектнинг тез сотувчи маблақларини қиска муддатли мажбуриятларини қоплашидир ва у тез ликвидли маблақларнинг (ЛМ) қиска муддатли мажбуриятларига (КҚМ) нисбати билан аниқланади.

Тез ликвидли маблақларга пул маблақлари (5000-5200, 5500-5710 қетлар, баланснинг – 330,340,350,360 қаторлари), Таъминотчиларга бунақ (аванс) тўловлари (№ 4300-қет, баланснинг - 260 қатори), 3 ой муддат ичида қайтариладиган қиска муддатли қўйилмалар № 5810-қет, баланснинг - 3700 қатори); Товарлар, ишлар хизматлар бўйича дебитор қарзлар (№ 4000,4100,

76 счетлар, балансинг - 220 катори); Шуъба корхоналари билан □исоблашишдаги 3-ой муддатдаги тъловлар (№ 4120-счет, балансинг - 240 катори); Бюджет билан □исоб-китоблар (№ 68-счет, балансинг 270-катори); Ходимлар билан бошка операциялар бъйича □исоблашишлар. Демак, умуман олганда актив кисмининг II бълим “Жорий активлар” умумий суммасини, бироз коррективровка билан кабул килинса бълади.

Киска муддатли мажбуриятларга баланс пассивининг II “Мажбуриятлар” бълими суммаси, ьзок муддатли кредитлар ва карзларнинг факат 3-ой муддат ичида тъланадиган кисмини олиб □исобланиш билан топилади.

Бунда балансинг копланиш коэффицентининг минимуми 1 га тенг бълиши, корхонанинг молиявий а□воли яхши бълса, 1 дан юкори бълиши керак. Лекин бу кърсаткичга ишлаб чикариш технологияси (хом-ашё захиралари, тайёр ма□сулот), активларнинг таркиби катта таъсир кърсатиши мумкин. Шунинг учун □ам ликвидлик коэффиценти топилади.

Ликвидлик коэффиценти (ЛК) пул мабла□лари товар-моддий бойликлар □исоб-китоблари бъйича дебиторларда бълган карз мабла□ларининг (3-ой муддатда ундириладиган кисми кушилади) йи□индиси киска муддатли мажбуриятларга бълиб топилади.

Бунда ликвидлик коэффиценти 1 дан юкори бълса, корхонанинг тъллов кобилияти юкори □исобланади.

Хъжалик юритувчи субъектнинг ьз мабла□лари билан таъминланганлик кърсаткичи, ьз мабла□лари манбаи суммаларини балансинг умумий суммасига бълиб топилади. ьз мабла□лар манбаига ьстав капитали, резерв ва махсус фондлар, максадли тушумлар ва фойда киради ва баланс пассивининг I - бълими “ьз мабла□лари манбалари»да кърсатилади. ьз мабла□лари билан таъминланганлик кърсаткичи коэффицентиди > 1 ёки 1 га тенг, фоизларда эса 100 гача боради. Кредит беришда ьз мабла□лари билан таъминланганлик 30 % кам бълмаслигизарур. Бу кърсаткичлардан ташкари ьз айланма мабла□ларининг мавжудлиги ва оборот мабла□лари айланиши каби кърсаткичлар □ам аникланади. Бу кърсаткичлар асосида банк кредит бълими ходими субъектга кредит бериш ёки кредит бериш мумкин эмаслиги тълърисида таклифлар киради. Таклифлар

асосида банк хулосаси ёзилиб, уни банк бошқарувчиси (шундай □уқук берилган шахс) ва кредит кумита раиси тасдиқлайди.

АЎШда миждознинг кредитга лаёкатлилигини бахолаш ва кредитни кайтариш кобилиятини аниқлашда миннимал 5 «С» номини олган усулдан фойдаланилади. Бу усул асосида миждоз фаолиятини бахолашнинг куйидаги мезонлари ётади.

customer character –миждознинг обрусн;

capacity to pay – тўловга лаёкатлилиги;

capital – капитал;

collateral – ссуданинг таъминланиши;

current business conditions and goodwill – иктисодий холати ва унинг келажаги.

Бу усул бўйича миждознинг карзни тўлашга бўлган маъсулияти ва тайёргарлиги текширилади. Даставвал банк миждознинг: ўтмишда ўз маждбуриятларига кандай муносабатда бўлганлиги; карзларни тўлашда камчиликлар бўлганлиги; кредитланувчи субъектнинг иктисодда, бозорда кандай мавкега ва обруга эга эканлигини текширади. Бунда банк карздор билан сухбат олиб боради, архивдан миждоз тўгريسнда материалларни олиб, бошка фирма ва банклар билан маслахатлашади.

Банк асосий эътиборини бошка омилларга хам, жумладан, фирмаларнинг акциядор капиталига, унинг тузилишига, актив ва пассивларнинг бошка моддаларига бўлган нисбатига хамда карзнинг таъминланишига, унинг етарлик даражасига, сифатига ва карзни тўламаслик холида, гаровни сотиш даражасига каратади.

Англия банкларида миждознинг кредитга лаёкатлилигини аниқлашда саволлар вараги мавжуд. Саволларга жавоблар банкка кредит бериш карорини кабул килишга имкон беради. Ёуйида шундай савол-варакнинг намунасини келтирамиз.

Авваломбор карз олувчи (borrower) га таъриф берилади.

Унинг оиласи, обру-эътибори, софдиллиги, банкка танишлиги, банк билан муносабатлари.

Бошқарув таркиби малакаси – маълумоти, мутахассислик бўйича стажи, бошқара олиш кобилияти;

Тўловга кобиллик – тўлов интизомига риоя килиш, бизнес талабларига ресурсларнинг мослигига эътибор берилади. Кейин эса куйидаги асосий кўрсаткичлар текширилади:

1. Purpose (кредит максади). Ёонунийлиги, банк кредит сиёсатига тўгри келадими? ва бошкалар;

2. Amount (кредит суммаси) кредит суммасини ҳисоблашда аниқлик, тасдиқловчи ҳужжатлар мавжудми? Сўралган сумма етарли, кам ёки кўплиги.

3. Repayment (кайтариш) кредит қачон кайтарилади? Сайтарилиш графиги мавжудлиги? Сайтарилиш манбаси – келажак даромадлари, қисқа муддатли кредитлар, активларни сотиш? Ёрз олувчи пул оқимларини башорат қилиш;

4. Viability (кредитланаётган лойиҳанинг реаллиги). Мазкур кредит қанчалик зарур? Техник –иқтисодий асослар бажарилганми? Мазкур компания ҳисобварақлари таҳлил қилинганми? Ёрз олувчи баланси баҳоланганми?

5. Risks (рисклар). Банк ва компания учун рисклар қанбаларини муҳассамланганлиги рискнинг олдини олиш чора – тадбирларини амалга ошириш мумкинми?

6. Security (таъминланганлик). Таъминот тақдим этилмоқда. У мавжудми? Гаровларни сугурта полисларини текшириш. Гаров қиймати қандай? Гаровни қайта баҳолаш бўлиб ўтадим, қачон?

7. Profitability (фойдалилик) кредит шартномасида даромад ва харажатлар аниқ таърифланиши лозим. Фойз даржаси банк тортилган рискка мос қелади? Фойз даражаси, харажатларни қоплайди?

Юқоридагиларни ўзида ифода қилувчи «Parts» номли қарз олувчи қобилиятини таҳлил қилиш усули қенг тарқалган бўлиб, унда:

Purpose- кредитнинг мақсади;

Amount – қсуданинг ҳажми;

Repayment – қарзни тўлаш;

Mort – муддати;

Security – қсуданинг таъминланганлиги қабилар таҳлил қилинади.

Мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини текширишнинг бошқа усуллари ҳам мавжуд. Мижознинг кредитга лаёқатлилиги асосида миқознинг фаолиятини характерлайдиган зарур ахборотларни йиғиш ётади. АҚШ ва бошқа Гарб мамлакатларида миқознинг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилишда банқлар учун махсус ҳуқуқий норма ва қонунлар мавжуд.

Хорижий давлатлар амалиётида миқознинг пул оқими чуқур таҳлил қилинади.

Пул окими мижознинг ўз харажатларини коплаш ва карзларни ўз ресурслари хисобидан тўлаш қобилиятининг ўлчамидир.

Бундай таҳлил турлича олиб борилади, жумладан, бу мақсадда карз олувчининг пул маблағларининг ҳаракат ҳисоботидан фойдаланиши мумкин.

Бунинг учун мижоз пул маблағларининг ҳаракати ҳақидаги ҳисоботи тузилади ва у қуйидаги саволларга жавоб беришга имконият беради.

1. мижоз келажакда молиявий активларнинг ўсиши учун ўзини пул маблағлари билан таъминлай оладими?

2. Ёрз олувчи фаолиятининг ўсиш суръати ташки манбалардан молиялаштириш зарур бўлган даражада тезлиги.

3. Ёрз олувчи кейинги инвестициялашдан пайдо бўлган карзни коплаш учун ортикча пул маблағларига эгами?

5.3. Тижорат банклари кредитларининг умумий таҳлили

Тижорат банклари кредит операцияларини таҳлил қилганда кредит ресурсларининг манбалари, кредитларнинг (умумий кредит портфелининг) тармоқлар, ҳудудлар бўйича йўналтирилганини, ҳамда мижозларнинг мулк шакллари бўйича таҳлил қилиш мумкин. Тижорат банклари кредит портфели манбаи бўлиб, ўз маблағлари (хусусий капитали) ва четдан жалб қилинган маблағлар бўлиши мумкин. Банкларнинг ўз маблағлари манбаи барча маблағларидаги ҳиссаси қанчалик катта бўлса, банк шунчалик молиявий мустаҳкам бўлади. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, Республика Марказий банк томонидан қўрилган чора-тадбирлар тижорат банклари ўз маблағларининг мутлоқ суммаларининг мутназам равишда қўпайиши ва уларнинг барча маблағлардаги ҳиссасининг ошишига олиб келмоқда. Тадқиқотларга қараганда барча тижорат банклари акциядорлик капитали ҳиссаси 2002 йилдаги 16,9 % дан 2004 йилда 18,9 % гача қўтарилган, тегишли равишда ушбу даврда четдан жалб қилинган маблағлар ҳиссаси 83,1 % дан 81,0 фоизгача тушган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2005 йил 15 апрелдаги «Банк тизимини янада ислох қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам тижорат банклари хусусий капитали миқдорини ошириб, уларнинг молиявий мустаҳкамлигини яхшилашга қаратилган.

Тижорат банклари барча тармоқ қорхоналарига кредитлар беради. Лекин кредитларнинг тармоқлар бўйича берилишини

тахлил килганда, Республикадаги акциядор тижорат банкларининг кўпи тармок хусусиятлари бўйича ташкил этилганлигини ва ўша тармок (Галла банк учун галла етиштирадиган хўжаликлар, Савдогарбанк учун асосан савдо ташкилотлари ва хаказо) устувор эканлигини хисобга олиш зарур бўлади. Масалан, Пахтабанк 2003 йилда барча кредитларнинг 35,0 % ни саноат тармок корхоналарга, 41,0 % ни кишлок хўжалиги субъектларига, 22,0 % ини савдо ва умумий овкатланиш соҳасига, 2,0 % и эса хизмат кўрсатиш соҳасига берилган Республика акциядорлик «Ипак йўли» тижорат банкида эса 2002 йилда кредит портфелининг 49,1 % и саноат корхоналарига, 30,9 % и савдо ва умумий овкатланиш соҳасига, 3,6 % игина кишлок хўжалигига 2,6 % курилиш соҳасига, 3,3 % и уй-жой ва коммунал хизматлари соҳасига тегишли бўлган. Кўриб турганимиздек, кредитларнинг катта қисми халқ хўжалигининг асосий тармоги-саноат корхоналарига тўғри келаяпти. (Маълумотлар, тегишли банклар йиллик ҳисоботларидан олинган).

Тижорат банк кредитларини қарздорлар (мижозлар) бўйича ҳам гуруҳлаш мумкин. Бунда давлат корхоналари, кўшма корхоналар, хусусий корхоналар ва жисмоний шахслар (фуқаролар)га берилган кредит маблағлари бўйича таҳлил қилиш мумкин. Тадқиқотчилар маълумотларига қараганда тижорат банклари умумий кредит портфелининг катта қисми -27,3 % давлат корхоналарига (2005 йил бошига) тўғри келади. Лекин хусусийлаштириш ва корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш сиёсатининг амалга оширилаётганлиги туфайли бу корхоналарга берилган кредитлар миқдори йилдан-йилга камайиб бормокда. Натижада давлат корхоналарига берилган кредитлар умумий кредитлар ҳиссасига 2002 йил 31 декабрдаги 60,7 % дан 27,3 % гача (2004 йил 31 декабр ҳолатига) тушиб қолган. Ёшма корхоналарга берилган кредитлар 15,2 фоизни ташкил этади ва ушбу йилларда сезиларли ўзгариш бўлмаган. Тижорат банклари кредит портфелида хусусий корхоналар ва жисмоний шахсларга берилган кредитлар ҳиссаси ортиб бормокда. 2002 йил 31 декабр ҳолати хусусий корхоналарга берилган кредитлар банклар кредитлар портфелининг 14,2 % ини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2004 йил 31 декабр ҳолатига (2005 йил бошига) 37,6 фоизгача яъни 2,6 баравар ошган. («БПК» журнали, 2005 йил, № 3, 16 бет). Бу Ҳукуматнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича олиб бораётган иқтисодий тадбирлари натижасида бу соҳанинг тез

суратлар билан ривожланиб бораётганлигининг натижасидир. Жисмоний шахсларга берилган кредитлар ҳам 2002 йил 31 декабр ҳолатидаги 2,4 фоиздан 2004 йил 31 декабрга 10,6 % гача ошган.

Тижорат банкларининг умумий кредит портфели таҳлили

№		Кредит миқдори, фоизларда		
		31.02.02.	31.12.03.	31.12.04
1	Тижорат банклари	0,48	0,27	1,30
2	Жисмоний шахслар	2,37	3,00	10,60
3	Давлат корхоналари	60,73	53,60	27,30
4	Ўшма корхоналар	22,24	23,57	23,15
5	Хусусий корхоналар	14,18	19,56	37,65
	Жами	100,0	100,0	100,0

5.4. Банк кредитларининг таъминланганлиги таҳлили

Тижорат банклари миқдорларга кредит таъминланган бўлса, кредит беради. Банк кредитининг таъминланганлиги кредит бериш тамойилларидан биридир. Миқдорлар кредитларнинг таъминланганлигини мол-мулкни гаровга қўйиш, бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг кафолати ҳамда сугурта компанияларининг кредитни сугурталаш йўли билан амалга оширадилар. Кредитни таъминланганликда миқдорларнинг мол-мулкни гаровга қўйиш жуда кўп ишлатилади. Миқдорнинг бинолари, иншоотлари, асбоб-ускуналари (турли хил кўчмас мулклар), транспорт воситалари, товар-моддий бойликлари гаров бўлиши мумкин. Мулкни гаровга қўйишда, ўзгариб турувчи бозор нархи шароитида, мулкни тўғри баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Республика акционер-тижорат «Ипак йўли» банки ҳисоботида кўра 2002 йилда кредитларининг таъминланганлиги 68,3 фоизи мулкни гаровга қўйиш билан, 21,0 % бошқа субъектларнинг кафолатлари билан ва 10,7 % эса таъминланганликнинг бошқа турлари билан амалга оширилган.

Банк кредитларини мулкни гаровга қўйишда, бу мулкларни турларини, уларнинг сифат ҳолатларини яхши ўрганиш лозим. Миқдорнинг гаровга қўйилаётган мулкни махсус тайёргарликка эга бўлган мустақил баҳоловчи мутахассислар баҳолаб, уларнинг қийматини аниқлаганликлари маъқул. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2000 йил 22 февралда тасдиқланган «Тижорат банклари кредит сиёсатида қўйиладиган талаблар

тўғрисидаги Низом» да..... гаров мавзуи синчиклаб баҳоланиши ва унинг бозор киймати уни сотиш лозим бўлган пайтда юзага келиши мумкин бўлган зарар ўрнини коплаши лозимлиги аниқ ёритилиши зарурлиги кўрсатилган.

Тижорат банклари кредитларининг таъминланганлигини таҳлил қилганда, гаровга қуйилган мулкнинг турлари бўйича, уларнинг ўзгариши бўйича, ҳамда таъминланганлик турлари бўйича ўзгаришни ўрганиш лозим. Хозирги пайтда сугурта тизимининг ривожланганлигини эътиборга олиб, кредиторларнинг сугурта компаниялари томонидан сугурталаш йўли билан таъминланганликни амалда қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

5.5. Кредит хажми ва унинг айланишининг таҳлили

Тижорат банклари мижозларга жуда кўп турли муддатларга кредитлар беради. Хар бир мижозларга берилган кредитларнинг хажми (хоҳ у миллий сумда ёки чет эл валютасида бўлсин) аниқ ва унинг қайтарилиши назорат қилиб борилади. Тижорат банклари бўлимлари бўйича кредит хажмлари ва уларнинг маълум даврларда (ой, чорак, йил) ўзгариш ҳаракатларни ўрганиш лозим. Бунинг учун ҳисобот даври бошидаги кредит қолдиқлари (бошлангич қолдиқ суммаси) (БКС) ҳисобот даврида янгидан берилган кредит суммалари (ЯКС) хажми, ҳисобот даврида қайтарилган кредит суммалари (ЁКС) ва ҳисобот даври охирида қолган кредит суммалари (ОКС) хажми кўрсатилган жадвал тузиш керак бўлади. Бу жадвалда кредитнинг қайси манабалардан берилганлиги алоҳида кўрсатилиши мумкин. Демак бунда баланс усулини қўллаб, кредитнинг хажмига ва унинг қайтарилишига умумий омиллар таъсирини аниқлаш мумкин бўлади.

$$\text{БКС} + \text{ЯКС} = \text{ЁКС} + \text{ОКС};$$

Бу маълумотлар асосида, янгидан берилган кредитлар суммаси кредит қолдигининг неча фоизини ташкил этилишини, шунингдек қайтарилган кредитлар суммаси кредит қолдиқларининг қанча фоизини ташкил қилишни ҳисоблаш мумкин. Албатта бу кўрсаткичлар банкларда турлича бўлиши, у асосан кредит муддатига боғлиқ бўлиши мумкин. Лекин бу кўрсаткичларни бир банк бўлимида бир неча даврини динамикада ўрганиш кредит хажми ва унинг қайтарилиши бўйича муҳим маълумотларни беради.

Бу борада банк бўйича кредитнинг ўртача хажмини ва унинг айланувчанлигини ўрганиш ҳам кизикдир. Кредит статистикасида кредит хажми асосий кўрсаткичлардан биридир. Кредит хажми маълум даврга берилган кредит суммаларидан (барча миждозларга берилган) кайтирилган кредит суммаларини айириб ташланганлигига тенг. Кредит кўйилмалари хажми банклар миждозлар бўйича киска ва узок муддатга берилган кредит хажми ва хиссалари аникланиб ўрганилади. Кредитнинг ўртача хажми вазнли арифметик ўртача билан аникланиши мумкин. Бунда кредит суммалари (P_i) кредит муддатларига (t_i) кўпайтирилиб кредит муддатлари йигиндисига бўлинади.

$$\bar{P} = \frac{\sum P_i t_i}{\sum t_i}; \text{ бу ерда } \bar{P} = \text{кредитнинг ўртача хажми}$$

Кредитнинг айланувчанлиги хисобот давридаги кредит айланмаси (кредит айланма суммасини миждозлардан кайтариб олинган кредитлар суммасининг йигиндиси тушинилади) суммасини кредит ресурсларининг ўртача суммасига бўлиб топилади.

$$\text{Кайм} = \frac{КАЙ}{КР};$$

Бу ерда: Кайм – кредит айланувчанлиги марталар:

Кай – кредит айланмаси суммаси;

КР – кредит ресурси ўртача суммасига.

Мисол. Тижорат банки 40,0 млн. сўмлик ўртача кредит ресурсига эга. Тахлил килинаётган даврда турли миждозларга 160,0 млн. сўмлик кредит берилган. Шундан 152,0 млн. сўм миждозлардан муддати тугаганлиги сабабли кайтариб олинган. Тахлил килинаётган давр охирига муддати тугамаганлиги сабабли 8,0 млн. сўмлик кредит кайтарилмаган. Демак кредит айланувчанлиги (Кайм) куйидагича топилади:

$$\text{Кайм} = \frac{Кай}{Кр} = \frac{152,0}{40,0} = 3,8 \text{ марта}$$

Демак, банкнинг мавжуд 40,0 млн. сўмлик кредит ресурси, ушбу даврда 3,8 марта айланган. Бошкacha килиб айтганда 1 сўм кредит ресурси 3,8 сўм бўлиб кредит беришда ишлатилган. Кредит айланувчанлик марталарда аник бўлганда, кредитнинг ўртача неча кунда айланганлигини (Кайк) топиш мумкин. Бунинг учун даврдаги календар кунлар сонини (Д) кредит айланувчанлиги марталарига бўламиз.

$$\text{Кайк} = \frac{Д}{\text{Кайм}};$$

Агарда юкоридаги мисолда, тахлил килинаётган давр бир йил бўлса, календар кунлар сони – 365 кун бўлиб, кредитнинг ўртача айланиш кунлари:

$$\text{Кайк} = \frac{365}{3,8} = 96 \text{ кун бўлади.}$$

Тижорат банклари кредит ресурсларининг фойдаланиш самарадорлигини уларнинг даромадлилик ва рентабиллик (фойдалилик) даражалари кўрсаткичлари ҳам ифодалайди. Кредит ресурсларининг даромадлилик даражаси (Крд) кредит беришдан олинган фоиз даромадлари (ФД) суммасини кредит ресурсларининг (КР) ўртача колдигига бўлиб топилади.

$$\text{Крд} = \frac{\text{ФД} \times 100}{\text{КР}};$$

Кредит ресурсларининг рентабеллик даражаси (Крр) тижорат банки соф фойдасини (СФ) кредит реурслари ўртача колдигига бўлиб топилади.

$$\text{Крр} = \frac{\text{СФ}}{\text{КР}};$$

Тахлилда бу кўрсаткичларнинг динамик микдорлари таккосланиб уларнинг ижобий ёки салбий ўзгаришлари аникланади. Омиллар таъсири ўрганилиб, кредит ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари белгиланади.

«Тижорат банклари кредит операцияларининг таҳлили» мавзуси бўйича таянч иборалар

Кредит ресурси, кредит портфели, кредитнинг таъминланганлиги, кредит фоизи, киска муддатли кредит, узок муддатли кредит, миждознинг кредитни кайтаришга лаёкатлиги, кредит ресурслари манбалари, кредит хажми, кредитнинг айланувчанлиги, кредитнинг даромадлиги, кредитнинг рентабеллиги.

«Тижорат банклари кредит операцияларининг тахлили» мавзуси бўйича ўз-ўзини назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Кредитнинг мохияти ва турлари
2. Бозор муносабатлари шароитида кредитнинг ахамияти.
3. Миждозларнинг кредитни тўлаш қобилиятини ҳисоблаш методикаси.
4. Тижорат банкларидан кредит беришда миждозлар такдим қиладиган маълумотлар.
5. Тижорат банклари кредитларининг тахлили.
6. Банк кредитларининг таъминланганлигининг тахлили.
7. Банк кредитлари умумий хажми ва айланувчанлиги тахлили.
8. Тижорат банкларининг кредит ресурсларидан самарали фойдаланишнинг тахлили.

Фойдланиш учун тавсия этилган адабиётлар

1. “Ўзбекистон Республикаси” “Марказий банки тўғрисида”ги қонун.-Т., Ўзбекистон, 1996.
2. “Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» иги қонуни.- Т., Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида.- Т., Ўзбекистон, 1995.
4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлар тўплами. 2002.2003
5. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари. 2002. 2003
6. Абдуллаева Ш. Банк иши. Ўқув қўлланма. -Т., Молия, 2003.
7. Абдуллаева Ш. Банк рисклари ва кредитлаш. -Т., Молия, 2002.
8. Банковское дело: Управление и технология: Учеб. Пос. Для ВУЗов. Под ред. проф. А.Н. Тобаева. - М., Юнити-Дана, 2001.
9. Маслеченков Ю.С. Финансовый менеджмент в коммерческом банке. -М., ЮНИТИ, 1996.
10. Тавасиев А.М. Банковское дело: управление и технология. Учеб. пос. - М., Дело, 2001.
11. Худайбердиев У. Тижорат банкларида миқдорларга депозит ҳисоб варақлар очиш ва уларни юритиш тартиби. Самарканд, СамКИ, 1999.

VI-мавзу. БАНКЛАРНИНГ ҚИММАТЛИ ҚОҲОЗЛАР ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Режа:

1. Тижорат банкларининг кимматли кағозлар билан операцияларининг турлари.
2. Тижорат банки кимматли кағозлар операцияларининг ҳолати ва таркибининг таҳлили.

6.1. Тижорат банкларининг кимматли кағозлар билан операцияларининг турлари

Макроиктисодий ривожланишга эришишда кимматли кағозлар бозорининг аҳамияти катта. Ҳукуматнинг кўллаб-қувватлаши ва ўз вақтида қонуний базанинг яратилиши фонд бозорининг Ўзбекистон иктисодиётида муносиб ўрин эгаллашига имкон берди. Ҳозирги кунда кимматли кағозлар бозори инфратузилмаси барқарор фаолият юритмокда. Республикада юқори технологик жихозлар билан таъминланган Фонд биржаси ва унинг вилоятлардаги филиаллари мавжуд. Кимматли кағозлар бозорининг шаклланиши ва ривожланишида 1995 йил Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида кимматли кағозлар ва фонд биржаси бўйича комиссиянинг тузилиши, 1996 йил «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида» ҳамда «Кимматли кағозлар бозори фаолияти механизми тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ҳозирги вақтда кимматли кағозлар бозорида турли кимматли кағозлар билан савдо муомаласи амалга оширилмокда. Бозорда энг кўп муомалада бўладиган кимматли кағозлардан: акциялар, давлат қисқа муддатли облигациялари, тижорат банкларининг депозит сертификатлари ва депозит облигацияларидир. Тижорат банклари Ўзбекистонда 1994 йилда пайчилик жамиятларидан акциядорлик жамиятларига айлантирилди. Тижорат банклари акциядорлари бўлиб, турли ташкилотлар, корхоналар бўлишди. Ҳозиргача тижорат банклари бошланғич эмиссия акцияларини жойлаштириб, иккинчи марта, айримлари эса бир неча марта акцияларини чиқармокда. Ўзбекистондаги тижорат банкларининг асосан кўпчилиги тармок хусусиятига эга бўлганлиги сабабли, акцияларининг назорат пакети у ёки бу тармок юқори ташкилоти қўлидадир. Масалан, «Туронбанк» тижорат банки акцияларининг катта қисми - Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида,

Пахтабанкники-эса «Пахтасаноат сотиш» компаниясида. Тижорат банклари акцияларини жисмоний шахслар ҳам сотиб олишган.

Умуман акциялар оддий ва имтиёзли бўлиб, Ўзбекистонда акцияларнинг кўпчилик қисмини оддий акциялар ташкил этади. Республика акциядорлик тижорат банки «Пахтабанк» 2003 йилда ўзининг 8-инчи эмиссия акцияларини 1,5 млрд. сўмга чиқарган ва шу йил давомида уларни тўлиқ жойлаштирган. Акциялар Фонд биржасининг «А», «В», «С», «Д» тоифадаги листинг майдончаларига жойлаштирилади. «А» тоифадаги листинг майдончасида республикамизнинг кўзга кўринган компаниялари, тижорат банклари акциялари сотувга қўйилади. «В» листинг майдончасига ишончли банклар ва йирик корхоналар акциялари сотилади. «С» тоифадаги листинг майдончасида хусусийлаштирилган корхоналар ва «Д» тоифадаги листинг майдончасида корхоналарнинг корпаратив облагациялари сотувга қўйилади.

Облигация-облигация чиқарган эмитантнинг қарздорлигини тасдиқловчи қимматбаҳо қағоздир. Тижорат банклари қарз маблағларни жалб этиш учун облигациялар ва депозит сертификатларини чиқаради.

Демак тижорат банклари қимматбаҳо қағозлар бўйича қўйидаги операцияларни амалга ошириши мумкин:

- қимматбаҳо қағозларни (акция, облигация, банк сертификатлари) муомалага чиқариш;
 - қимматбаҳо қағозларни сотиб олиш, саклаш каби операциялар;
 - миқдорлар топширигига асосан қимматбаҳо қағозларни бошқариш;
 - фонд бозори, қатнашчиларига қимматли қағозлар операциялари бўйича маслаҳатлар бериш;
- қимматли қағозларни баҳолаш ва қимматли қағозлар бозорини тадқиқ қилиш;
- қимматли қағозлар бозори тўғрисида ахборот ва бошқа хизматлар кўрсатиш.

6.2. Тижорат банклари қимматбаҳо қағозлар операциялар ҳолати ва таркибининг таҳлили

Тижорат банклари қимматбаҳо қағозлар ҳолатини таҳлил қилганда, уларни таҳлил қилинаётган давр бошига ва охирига

канчалик ўзгарганлигини аниклаш лозим. Тахлилда уларнинг мутлок ва нисбий ўзгаришларини аниклаб, канчалик ва нима сабабдан ўзгариш бўлганлигини билиш лозим бўлади. Тижорат банклари хисоботларини кўриб чикканда, кўпгина тижорат банкларининг кимматбахо кағозларга сарфлаган маблағлари йилдан-йилга кўпайиб, бораётганлиги аникланди.

Тижорат банкларининг кимматбахо кағозларга сарфлаган маблағлари

(млн. сўм)

№	Ўсимматбахо кағоз операция турлари	2004 йил	2003 йил	Фарқи	%
«Алокабанк»					
1	Ўсимматли кағозлар – савдо - носавдо	339,6	36,7	+3,2,9	9,2 марта
2	Хосилга молиявий инструментлар	108,2	-	+108,2	-
«Савдогарбанк»					
1	Ўсимматли кағозлар – савдо -носавдо	0 58,1	0 60,3	- -2,2	- 96,4
2	Хосила молиявий инстру- ментлар	0	0	-	-
«Алп-Жамол Банк»					
1	Ўсимматли кағозлар – савдо -носавдо	99,2 0	206,4 0	-107,1 0	48,1 0
2	Хосила молиявий инстру- ментлар	-	-	-	-

Маълумотлардан кўриниб турибдики, тижорат банклари кимматбахо кағозлар операциялари бўйича турлича фаолият юритган. «Алокабанк» кимматбахо кағозлар олди-сотди операцияларида (савдода) 2003 йилда 36,7 млн. сўмлик савдо қилган бўлса, 2004 йилда кимматбахо кағозлар операциялари савдосини 9,2 баравар кўпайтириб, 339,6 млн. сўмга етказган. «Савдогарбанк» кимматбахо кағозлар носавдо операциялар бўйича 2004 йил ҳолатига 2003 йилга нисбатан 3,6 % камайтирган. Айниқса «Али Жамол банк» банкининг кимматбахо кағозларга сарфланган маблағлари 2004 йилда 2003 йилга нисбатан 107,1 млн. сўмга камайган. (Банк ахборотномаси, 2005 йил 27 апрел)

Тижорат банклари кимматбахо кағозлар портфели олди-сотди операцияларда катнашиш учун олинган кимматбахо кағозлар, қайта сотиш учун олинган кимматбахо кағозлар ва инвестицияланган кимматбахо кағозлар бўлиши мумкин.

Масалан «Ипак йўли» банкининг 2002 йилга кимматбахо кағозлар портфели таркиби қуйидагича бўлган:

№	Симматбахо кағозлар турлари	Хиссаси, % да
1	Олди-сотди кимматли кағозлари	57,0
2	Сайта сотиш учун кимматли кағозлар	24,0
3	Инвестицияланган кимматли кағозлар	19,0
	Жами:	100,0

«Банкларнинг кимматли кағозлар операцияларининг таҳлили» мавзуси бўйича таянч иборалар

Симматбахо кағозлар, фонд биржаси, листинг майдончаси, кимматли кағозлар операциялари, кимматли кағозлар портфели, кимматли кағозлар даромадлари.

«Банкларнинг кимматли кағозлар операцияларининг таҳлили» мавзуси бўйича ўз-ўзини назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Тижорат банкларининг кимматбахо кағозлар операциялари моҳияти.
2. Тижорат банклари кимматбахо кағозлар операцияларининг турлари.
3. Тижорат банклари кимматбахо кағозлар операциялари таркиби таҳлили.
4. Тижорат банклари кимматбахо кағозлар операциясидан даромадлари.

Фойдланиш учун тавсия этилган адабиётлар

1. “Ўзбекистон Республикаси” “Марказий банки тўғрисида”ги қонун.-Т., Ўзбекистон, 1996.

2. “Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» иги қонуни.- Т., Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида.- Т., Ўзбекистон, 1995.
4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий қўжатлар тўплами. 2002.2003
5. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик қўжатлари. 2002. 2003
6. Абдуллаева Ш. Банк иши. Ўқув қўлланма. -Т., Молия, 2003.
7. Абдуллаева Ш. Банк рисклари ва кредитлаш. -Т., Молия, 2002.
8. Банковское дело: Управление и технология: Учеб. Пос. Для ВУЗов. Под ред. проф. А.Н. Тобацева. - М., Юнити-Дана, 2001.
9. Маслеченков Ю.С. Финансовый менеджмент в коммерческом банке. -М., ЮНИТИ, 1996.
10. Тавасиев А.М. Банковское дело: управление и технология. Учеб. пос. - М., Дело, 2001.
11. Худайбердиев У. Тижорат банкларида миқдорларга депозит қисм варақлар очиш ва уларни юритиш тартиби. Самарканд, СамКИ, 1999.

VII-мавзу. «БАНК ФАОЛИЯТЛАРИ ДАРОМАДЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ»

Режа:

1. Тижорат банклари даромадларининг турлари.
2. Тижорат банклари фоиз даромадлари таҳлили.
3. Тижорат банклари фоизсиз даромадлари таҳлили.

7.1. Тижорат банклари даромадларининг турлари

Бозор муносабатлари шароитида тижорат банклари ҳам бошқа хўжалик юритувчи субъектлар каби фаолиятдан даромад оладилар. Тижорат банкларининг даромадлари мижозларга қисқа, ўрта ва узоқ муддатларга берилган ссудалар бўйича олинадиган фоизлар, ссудаларнинг ўз муддатида қайтарилмагани учун мижозлардан шартномада кўрсатилгани бўйича олинадиган юқори ставкадаги фоизлардир. Банкларнинг бу даромадлари ссуда тадбиркорлиги даромадлари деб юритилади, ҳамда даромадларнинг асосий қисмини ташкил этади.


Тижорат банклари ўз мижозларига ҳисоб-китоб, жорий, валюта ва бошқа ҳисобварақлар очади ва юритадилар. Бу ҳисобварақларда операцияларни амалга оширишда хизмат кўрсатиб тегишли равишда ҳақ оладилар. Бу хизматлари учун оладиган даромадлари кўпинча тижорат банки ва мижоз ўртасида ҳисоб-китоб ёки бошқа ҳисобварақларга хизмат кўрсатиш тўғрисидаги ўзаро тузилган шартномада белгиланади.

Тижорат банклари даромадлари турлари кўп бўлиб, уларни кўпинча:

- операцияларга оид даромадлар;
- ноасосий фаолиятдан олинадиган даромадлар;
- кутилмаган даромадларга гуруҳланади.

Операцияларга оид даромадларига юқоридаги даромад турларидан ташқари аккредитив, факторинг (қарзларни ўндириш, товар ва хизматларни қайта сотиб, кейин улар учун тўловларни ўндиришга доир ҳуқуқларни қабул қилиш), траст (ишончга асосланган) опреацияларни амалга оширганлиги учун оладиган даромадлар; аҳолига кўрсатиладиган турли хил хизматлар учун оладиган хизмат ҳақи; давлат қимматли қоғозларини жойлаштириш ишларини бажарганлиги учун оладиган даромадлари; фонд бозорида қимматли қоғозлар олди-сотди операцияларидан оладиган даромадлари; банкга тегишли қимматли қоғозлар бўйича оладиган дивидендлар; чет эл вамотасидаги банк опреациялари бўйича мусбат курс тафовутлари ва шу кабилар киради.





Тижорат банклари ноасосий фаолиятдан олинадиган даромадларга: мулкларни ижарага беришдан, лизинг операцияларини амалга оширишдан, пул маблағлари ва бошқа бойликларни инкассация қилинган учун олинадиган даромадлар кирази.

Тижорат банклари кутилмаган даромадларига банк кассаларидаги пул маблағларни ва бошқа бойликларининг қолдиғини аниқлаш учун ўтказилган рўйхатдан ўтказишда (инвентаризацияда) ҳисобдагидан ортиқча чиққан қисми;

қарздорлардан ўндирилган турли жарима ва пенялар; мижозларнинг аввалги йиллардаги банк кечиб юборган қарзларнинг қайтарилиши, банкларнинг асосий воситаларни тугатиш ёки сотишдан олган даромадлари ва шу кабилар киради.

Тижорат банклари даромадларини таҳлил қилишда уларнинг даромадлари икки гуруҳга: фоиз даромадлари ва фоизсиз даромадлар яъни турли хил хизматлар ва тижорат фаолиятидан олинган даромадларга бўлинади.

7.2. Тижорат банклари фоиз даромадлари таҳлили

Юқорида ёзилганидек тижорат банклари даромадларининг асосий қисмини фоиз даромадлари ташкил этади. Тижорат банклари фаолиятларининг асосий мақсади мижозларга кредит беришдир. Тижорат банклари мижозларга маълум муддатга қатъий белгиланган фоизлар билан қайтариб бериш шарти билан кредитлар беради. Тижорат банкларининг кўплари тармоқлар бўйича ихтисослашган бўлишига қарамасдан, асосан қисқа муддатли кредитлар беришга ҳаракат қилади. Қисқа муддатли кредитлар шартномага асосан жуда тез фурсатда банкга қайтиб, қўшимча шартномада келишган фоизлардаги даромад қўшилиб келади. Демак банк капитали (маблағи) қисқа муддатларда кўпаяверади. Бу тижорат банклари бошқаруви учун ижобийдир.

Тижорат банклари қимматли қоғозларни чиқариш, жойлаштириш ва олди-сотди операцияларида фаол қатнашади. Бу операциялардан даромад олади.

Тижорат банклари комисион операциялар, банк мижозлари ҳисоб варақлари бўйича ҳисоб-китобларни юритиш, пул ўтказиш операциялари бўйича ҳам даромад олдилар. Республика акциядорлик-тижорат банки «Савдогарбанк»нинг 2003-2004 йиллардаги фоиз даромадлари қуйидагича бўлган.

(млн. сўм)

№	Кўрсаткичлар	2003 йил		2004 йил		фарқ + -	2004 2003 нисб %
		сўмда	ҳисса да %	сўмда	ҳисс да %		
1	Кредитлар бўйича фоиз даромадлар	5536,7	99,9	5190,8	73,7	-346,0	93,7

2	Ўз. Р.М.Б. ва бошқа банклардаги ҳисоб варақлар бўйича фоиз даромадлар	1,9	-	1825,5	25,9	+1823,6	9531 баравар
3	Олди-сотдига мўлжалланган қимматли қоғозлар бўйича даромадлар	3,0	0,1	5,7	0,1	+2,7	-
4	Молиявий ижарага оид даромадли	-	-	14,8	0,3	+14,8	-
5	Бошқа фоиз даромадлари	0,3	-	0,9	-	+0,6	-
	ЖАМИ:	5541,9	100,0	7037,8	100,0	+1496,0	127%

Маълумотлардан кўриниб турибдики, фоизли даромадларнинг энг катта қисмини берилган кредитлардан олинган фоиз даромадлар ташкил этади. «Савдогарбанк» даромади 2004 йилда 2003 йилга нисбатан умуман 1495954 минг сўмга кўпайган. Фоизли даромадларнинг йиллик ўсиши 127 % ташкил этади. Бу яхши натижа. Айниқса 2004 йилда фоизли даромадларнинг таркиби (даромад олиш манбаи) кўпайган. Савдогарбанк Республика Марказий банкига ва бошқа банклардаги маблағларига фоиз даромадлар олган. Айниқса молиявий ижарага оид даромадлар ҳам 14827,0 минг сўмни ташкил этган.

Тижорат банклари берган кредитларидан оладиган фоиз даромадлари кредитнинг турлари (қиска ёки узок муддатга берилган), мижозлар қайси тармоқ соҳаларига (саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, коммунал хизматлар ва шу кабилар) тегишли эканлигига ҳамда мижознинг молиявий ҳолатига, кредит (ссуда) суммаси ҳажмига, ва бошқа белгиларига боғлиқ.

Мижозларнинг молиявий ҳолати муҳим аҳамиятга эга. Кредит беришда банк мутахассислари мижознинг кредитни қайтариш қобилиятини ўрганиб, унинг молиявий ҳолати билан танишиб, бизнес-режасини қабул қилган бўлсалар ҳам, мижоз олган кредитини мақсадли ишлатиб режа кўрсаткичларини нечоғлик бажараётганликларини назорат қилиб боришади. Лекин айрим мижозлар борки, жуда катта миқдорда кредит олиб, уларни тўғри-мақсадли ишлатолмай, бизнес-режада кўрсатилган ишни тўлиқ бажара олмасдан қолади. Натижада даромад ололмайди. Шунинг учун нафақат кредит фоиз суммасини, балки олган кредитни ўз вақтида қайтарилмайди. Маълумки берилган кредитлар мижозларнинг молиявий барқарорлигини ва кредитни қайтариш

эҳтимолига қараб: яхши, стандарт, субстандарт, шубҳали ва умидсиз кредитларга таснифланади.

Шунинг учун ҳам тижорат банклари кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган эҳтимолий зарарларга қарши захира ташкил этадилар. Тижорат банклари учун бу захира харажат бўлиб қайтарилмаган (кредитни ҳисобдан чиқаргандан кейин реал-аниқ зарар ҳисобланади) фоиз даромадларидан айириб, соф фоиз даромадларини ўрганиш зарур.

«Савдогарбанк»нинг 2003-2004 йиллардаги соф фоиз даромадлари.

(млн. сўм)

№	Кўрсаткичлар	2003 йил	2004 йил	фарқи	2004 % 2003 йилги
		суммаси	суммаси		
1	Фоиз даромадлари	5541,9	7037,8	+1496,0	127 %
2	кредитлар бўйича эҳтимолий зарарларга қарши шакллантирилган захира	381,7	185,0	-196,7	48,5 %
3	Соф фоизли даромад	5160,2	6852,9	+1692,6	132,8 %

«Савдогарбанк» 2004 йилда кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган эҳтимолий зарарларга қарши шакллантирилган захирани 196675,0 минг сўм ташкил этган. Бу ўтган 2003 йилдаги захирага ажратилган сўммадан 2 барабар яъни 196675,0 минг сўм кам. Захирани шакллантириш учун ажратма фоизли даромадлар суммасини камайтирган, лекин ўтган йилга нисбатан кам захира ташкил этганлиги учун фоизли даромадлар 2004 йилда 2003 йилга нисбатан 132,8 % га кўпайган (ҳақиқий кўпайгани -127 % эди).

7.3. Тижорат банклари фоизсиз даромадлари таҳлили

Тижорат банклари миқдорларга кредит бериб, даромад олишдан ташқари уларга турли хил хизматлар кўрсатади. Уларга қимматли қўғозларни олди-сотди операциясида брокерлик вазифасини бажарганлиги учун олган даромади, лизинг операцияларидан олган даромадлари, пул маблағлари ва бошқа турдаги бойликларни ташиб, инкассация хизмати кўрсатганлиги учун, банк мулкларини ижарага беришдан ёки сотишдан олинган даромадлар, бойликларнинг (айниқса кассадаги пул

маблағларининг) ортиқча чиққан қийматлари, қарздор тан олган ва тўланган жарима, пенялар ва шу кабилар киради.

Кредит фоизи банк ва мижоз ўртасида тузилган шартномада қатъий кўрсатилса, хизматлар бўйича олинадиган ҳақларнинг кўпчилиги ҳам ўзаро келишувда белгиланади. Мулкларнинг ва бошқа қийматларнинг олди-сотди савдосидан олинадиган даромад уларнинг сотиш ва сотиб олиш нархлари ўртасидаги фарқ ҳисобланади.

Республика акциядорлик-тижорат «Савдогарбанк» нинг 2003-2004 йиллардаги фоизсиз даромадлари.

(млн. сўм)

№	Кўрсаткичлар	2003 йил		2004 йил		Фарқи + -	2004 йил 2003 йилга нисб. %
		Сумма	%	Сумма	%		
1	Воситачилик ҳақи ва хизматдан олинган даромад	2521,6	х	2522,7	х	+1,1	100,04
2	Воситачилик ва кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлаш харажатлари.	701,1	х	880,4	х	+179,3	125,6
3	Соф воситачилик ва хизматлар даромади	1820,5	91,7	1642,3	85,8	-178,2	90,2
4	Валюта операцияларидан фойда	31,0	1,6	121,7	6,4	+89,7	381,1
4	Савдо операциялари дан фойда	10,7	0,5	0,5	-	10,2	4,3
5	Дивидендлар шаклидаги даромад	3,0	0,2	11,0	0,5	+8,0	364,7
6	Инвестициялардан даромад	-	-	1,1	0,1	-	-
7	Бошқа операцион даромадлар	118,8	6,0	137,0	7,2	+18,2	115,3
	Жами:	1985,0	100,0	1913,6	100,0	-71,4	96,4

«Савдогарбанк» 2004 йилда 2003 йилга нисбатан 71382,0 минг сўм фоизсиз даромадларни кам олган. Бу ўтган йилги фоизсиз даромадга нисбатан 3,6 % кам дегани (100,0-96,4). Фоизсиз даромадларнинг таркибини кўриб чиққанимизда: воситачилик ҳақи ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар кўпайган 1101,0 минг сўмга (100,04 %)га яъни бу даромадлар суммаси 2,522719,0 минг сўм бўлиб, жами фоизсиз даромадларнинг жуда катта қисмини ташкил этади. Лекин бу воситачилик ва хизматлар

кўрсатиш даврида харажатлар бўлиб, улар 125,6 % га ошиб кетган. Демак олинган даромадга нисбатан бу даромадларни олиш учун қилинган харажатлар ўтган йилги нисбатан юқори суръатлар билан ўсган. Натижада воситачилик ҳақи ва хизматлар кўрсатишдан олинган соф даромад 2004 йил 2003 йилга нисбатан 178198,0 минг сўмга кам бўлган (90,2 %). Даромадларнинг бу моддаси асосий (катта қисмини ташкил этганлиги учун) яъни 86 % яқинини ташкил этганлиги сабабли, фоизсиз даромадлар умумий суммасига ҳам таъсир қилган. Чунки даромадлар таркибининг таҳлилини давом эттириш Савдогарбанк валюта операцияларидан, (3814) дивидендлар шаклидаги (365 %) даромадларни ва бошқа операцион даромадлари ўтган йилга нисбатан анча кўп даромад олганлигини кўрсатапти.

Шунингдек банк 2004 йилда инвестициялардан ҳам 1122,0 минг сўм даромад олган. Агарда воситачилик ва кўрсатилган хизматлар бўйича харажатлар ўтган йилги ҳажмда бўлганда яъни кўпаймаганда, банкнинг фоизсиз даромадлари 2092904,0 минг сўмни (1913605+179299) ташкил этиб, ўтган йилги нисбатан 105,4 % га кўп бўлган бўлур эди. Шунинг учун бу харажатларнинг ҳар бирини ўрганиб чиқиб, харажатларни тежаш (камайтириш) йўллари топиш керак. Умуман олганда «Савдогарбанк» 2004 йилда фоизсиз даромадларни кўпайтиришга ҳаракат қилган, уларнинг турларини (даромад олиш манбаларини) кенгайтирган. Даромадларининг ҳар бир турини таҳлил қилиб, уларни кўпайтиришнинг яна қандай имкониятлари бор эканлигини ўрганиш лозим.

«Банк фаолиятлари даромадларининг таҳлили» мавзуси бўйича таянч иборалар

Банк даромадлари, кредит фоизлари, операцияга оид даромадлар, курс тафовутлари, факторинг операциялари, траст операциялари, мулк ижараси, инкассация, лизинг операциялари, жарима ва пенялар, фоиз даромадлари, фоизсиз даромадлар.

«Банк фаолиятлари даромадларининг таҳлили» мавзуси бўйича назорат қилиш ва муҳокама саволлари

1. Тижорат банклари даромадларининг моҳияти.

2. Тижорат банклари даромадлари таснифи.
3. Тижорат банклари фоиз даромадлари турлари ва уларнинг таҳлили.
4. Тижорат банклари фоизсиз даромадлари ва уларнинг таҳлили.
5. Тижорат банклари даромадларига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг таҳлили.

Фойдланиш учун тавсия этилган адабиётлар

1. “Ўзбекистон Республикаси” “Марказий банки тўғрисида”ги қонун.-Т., Ўзбекистон, 1996.
2. “Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» иги қонуни.- Т., Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида.- Т., Ўзбекистон, 1995.
4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг меъёрий қўўжатлар тўплами. 2002.2003
5. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик қўўжатлари. 2002. 2003
6. Абдуллаева Ш. Банк иши. Ўқув қўўланма. -Т., Молия, 2003.
7. Абдуллаева Ш. Банк рисклари ва кредитлаш. -Т., Молия, 2002.
8. Банковское дело: Управление и технология: Учеб. Пос. Для ВУЗов. Под ред. проф. А.Н. ТОВАЩЕВА. - М., ЮНИТИ-Дана, 2001.
9. Маслеченков Ю.С. Финансовый менеджмент в коммерческом банке. -М., ЮНИТИ, 1996.
10. Тавасиев А.М. Банковское дело: управление и технология. Учеб. пос. - М., Дело, 2001.
11. Худайбердиев У. Тижорат банкларида миқозларга депозит қўўсоби варақлар очиш ва уларни юритиш тартиби. Самарканд, СамКИ, 1999.

VIII-мавзу. «БАНК ФАОЛИЯТЛАРИ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ»

Режа:

1. Банк фаолиятлари харажатлари моҳияти ва турлари.
2. Тижорат банклари фоиз харажатлари таҳлили.
3. Тижорат банклари фоизсиз харажатлари таҳлили.

8.1. Тижорат банклари харажатлари моҳияти ва турлари

Тижорат банклари фаолият давомида турли хил харажатлар қилади. Бу харажатларни иқтисодий мазмунига қараб қўйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:


- операцияларга оид харажатлар (фоизли харажатлар);
- фоизларга даҳли йўқ чиқимлар (фоизсиз харажатлар);
- шубҳали ва ишламаётган кредитларга қарши резервлар шакллантириш харажатлари (бошқа харажатлар).

Операцияларга оид харажатларга: тижорат банкларида очилган миқдорларнинг ҳисоб-китоб счётида сақланаётган маблағларидан фойдалангани учун банк томонидан тўланган фоизлар, банк қарз мажбуриятлари (депозит ва жамғарма сертификатлари ва бошқалар) бўйича тўланган фоизлар, тижорат банклари бошқалардан олган ўзоқ, ўрта ва қисқа муддатли кредитлар учун тўланган фоизлар, муддати ўтиб кетган банклараро кредитлар учун тўланган фоизлар; бошқа банклар томонидан кўрсатилган хизматлар ва вакиллик муносабатлари учун тўланган воситачилик йиғимлари, кредит ресурслар олди-сотдиси бўйича аукционларда қатнашганлик тўловлари, биржа йиғимлари, банкларнинг чет эл валютаси харид қилиш-сотиш учун тўланадиган воситачилик ҳақлари, банкларда валюта операцияларини ўтказиш бўйича бошқа харажатлар, банкларнинг факторинг (товарлар ва хизматларни сотишдаги тушган тўловларни қабул қилиш ҳуқуқларини олиш) ва траст операцияларини амалга ошириш харажатлари киради. Фоизларга даҳли йўқ харажатларга: тижорат банкларининг харажатларига қонунларга мувофиқ белгиланган тартибда ҳисобланадиган асосий воситалар, номоддий активлар эскириши, ижарага олинган асосий воситалар, автомобиллар учун тўланадиган ижара ҳақлари, банк ходимларига ҳисобланган асосий ва қўшимча иш ҳақлари, ходимларнинг хизмат сафари харажатлари, турли хил солиқлар (қўшилган қиймат, ер, мулк) экология, даромад ва бошқа солиқлар), ижтимоий суғурта, аҳолининг иш билан бандлик ва бошқа жамғармаларга ҳисобланадиган ажратмалар; махсус адабиётлар, меъёрий ва йўриқнома тусидаги ҳужжатларни, турли бланкаларни сотиб олиш; газета ва журналларга обуна бўлиш, почта, телефон, телеграф ва бошқа алоқа хизматлари ҳақи харажатлари; тижорат банклари чиқарадиган акциялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозларни чиқариш

ва сотиш харажатлари, уй-жой-коммунал хўжаликлари, ўқув марказлари, болаларни мактабгача тарбия муассасалари, тиббий соғломлаштириш ва бошқа шу каби муассасалар харажатлари; ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта ўқитиш харажатлари; тижорат банклари кўриқчилик-соқчилик ва ёнғиндан огоҳ этиш каби воситалар харажатлари; таништирув маросимлари, юбилей ва байрам тадбирлари сарфлари; чет эл валютасидаги банк операциялари бўйича салбий курс тафовутлари; мулкларни сотишдан ва асосий воситаларни тугатишдан кўрилган зарарлар ва бошқа харажатлар киради.

Тижорат банклари мижозларга берилган узоқ, ўрта ва қисқа муддатли кредитларининг маълум қисми қайтарилмаслик (турли сабабларга кўра) хатари бор. Шунинг учун ҳам тижорат банклари мижозларга берилган бундай кредитлари бўйича резервларга ажратмалар қилади. Шундай қилиб шубҳали ва





8.2. Тижорат банклари фоиз харажатларининг таҳлили

Тижорат банкларида хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоб-китоб счётларини (ҳисобварақларини) очадилар. Ҳисоб-китобсчётлари орқали нақд пулсиз ва нақд пул операцияларини амалга оширадилар. Корхоналар (субъектлар) бу счётларидан олган хомашё, материаллар қийматини таъминотчиларга ўтказиб беради. Турли хизмат ҳақи (транспорт, газ, электро-энергия, сув, алоқа ва бошқалар) ни тўлайди. Давлат бюджетига солиқларни тўлайди. Корхоналарнинг бу счётига сотилган тайёр маҳсулотлар пули кўрсатилган хизматлар ҳақи келиб тушади. Хуллас, хўжалик юритувчи субъектларнинг бу ҳисобварағида пул маблағлари сақланади. Бу маблағдан банк вақтинча мижозларга кредит бериб туриш учун ишлатади. Мижозларнинг ҳисоб-китобларнинг ҳисоб-

китоб счёталари банкларда талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари дейилади.

Тижорат банклари бу ҳисобварақ маблағидан фойдалангани учун хўжалик юритувчи субъектларга шартномада келишилгани бўйича фоиз тўлайди. Тижорат банки учун бу харажат ҳисобланади.

Бундан ташқари тижорат банклари муддатли ва жамғармали депозитлар ҳам очади. Муддатли депозитлар маълум муддатларга (1 ой, 3 ой, 6 ой, 1 йил, 3 йил, 5 йил ва ҳаказо) қўйилиб, сумма миқдори ҳам белгиланади. Жамғармали депозитлар ҳам муддатлари кўрсатилган бўлиб, банк фоизлари биров юқорироқ бўлади. Тижорат банклари айниқса аҳолидаги бўш пул маблағларини жалб қилиш учун муддатли ва жамғармали депозитларнинг жуда кўп турларини очади. Масалан халқ банки «Болалар» (муддатли), «Даромад», (муддатли), «Омад» (жамғарма), «Оила» (жамғарма) ва бошқа номдаги омонатларни очган. Тижорат банклари муддатли ва жамғармали депозитларда сақланаётган маблағларга ҳам белгиланган % да фоизлар тўлайди. Улар банкнинг харажатлари ҳисобланади.

Тижорат банклари миқдорларнинг кредитга бўлган талабини қондириш ва кредит портфелини тўлдириш учун бошқа банклардан кредит олиши мумкин. Бу кредитлар учун шартномада келишилгани бўйича фоиз тўлайди. Тижорат банклари шунингдек чиқарган қиммат баҳо қоғозларига (акция, банк сертификатларига) ҳам дивиденд ёки фоиз тўлаб харажат қилади. Қимматбаҳо қоғозлар бозоридан қатнашиб харажат қилади. Бу операциялар бўйича бўладиган харажатлар **операцияларга оид ёки фоизли харажатлар** дейилади.

«Савдогарбанк»нинг фоизли харажатлари таҳлилини кўрамиз
Республика акциядорлик – тижорат банки
«Савдогарбанк» нинг 2003-2004 йиллардаги фоиз харажатлари

(млн. сўм)

№	Кўрсаткичлар	2003 йил		2004 йил		Фарқи + -	2004 й 2003 й
		Сум маси	%	Сум маси	Ҳисс. %		
1	Талаб қилиб олинадиган депозит	65,4	2,6	9,6	0,3	-55,8	14,6

2	Жамғарма депозитлари	150,6	6,1	45,4	1,3	-105,1	30,1
3	Муддатли депозитлар	531,2	21,3	875,0	25,0	+34,4	164,7
4	Бошқа банкларга тўланган фоизлар	69,7	2,7	7,4	0,3	-62,30	10,6
5	Бошқа қарз маблағларга фоизлар	1671,2	67,1	2558,8	73,2	+887,6	153,1
6	Бошқа фоизли харажатлар	3,5	0,2	0,3	-	-3,2	8,8
	Жами: фоизли харажатлар	2491,5	100,0	3496,6	100,0	+1005,1	140,3

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, умуман фоизли харажатлар 2004 йилга нисбатан 1005094,0 минг сўмга ёки бўлмаса 140,3 фоизга ошган. Лекин фоизли харажатларнинг тавркибини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки харажатларнинг кўпайиши асосан «бошқа қарз маблағларга фоизлар» моддаси бўйича (+887641,0 минг сўмга) бўлган, қолган харажат турлари камайган. Бунга сабаб «Савдогарбанк»га қўйилган депозитлар 2004 йилга нисбатан камайганлигидир. Мижозлар бу банкнинг етарли даражада юқори сифатли хизмат кўрсатмаганлиги сабабли, аҳоли омонатларига фоиз бошқа банкларга нисбатан пастроқ бўлганлиги ёки вақтида пул ололмаганлиги ва бошқа сабабларга кўра, депозитларини «Савдогарбанк» дан олиб, бошқа банкга ўтказган ёки бу банкга маблағларини депозитга қўймаган. Бу банк баланс маълумотларидан ҳам кўриниб турибди. 2003 йилда талаб қилиб олингунча депозитда 20778323,0 минг сўм бўлган бўлса, 2004 йилга келиб бу депозитдаги сумма 11804855,0 минг сўмга тушиб қолган яъни 43,2 фоизгача камайган.

«Бошқа қарз маблағларига фоизлар» харажатларининг юқори суръатлар билан кўпайишига сабаб, банк кредит портфелини тўлдириш учун молиявий барқарор тижорат банкларидан 2004 йилда катта миқдорда кредит олган. Буни ҳам банк балансидан билиш мумкин, 2003 йилда «Бошқа банкларга тўланадиган маблағлар» моддасида сумма бўлмаган, лекин 2004 йилда баланснинг бу моддасида 1590010,0 минг сўм бор.

«Бошқа мажбуриятлар» моддасидаги сумма ҳам 5,6 баробар, 2003 йилдаги 71418,0 минг сўмдан, 2004 йилга 396940,0 минг сўмга кўпайган. («Банк ахборотномас» газетаси, 2005 йил 27 апрел, №18-19, 8 бет). Демак «Савдогарбанк»нинг бу мажбуриятлар бўйича тўлайдиган фоиз харажатлари ҳам 2004 йилга нисбатан жуда катта ҳажмда (153,1 %) кўпайган.

8.3. Тижорат банклари фоизсиз харажатлари

ТАҲЛИЛИ

Тижорат банклари ходимларга иш ҳақи тўлаш, ижтимоий суғурта ва бошқа жамғармаларга ажратмалар, транспорт ва хизмат сафари харажатлари каби харажатлар қилади. Бундай харажатлар фоиз тўловларига боғлиқ бўлмаганлиги сабабли фоизсиз харажатлар дейилади. Банкларда бундай харажатларни банк фаолияти операцияларига боғлиқ бўлганлиги сабабли операцион харажатлар ҳам дейилади.

Бундай харажатларни таҳлил қилганда биринчи навбатда операцион харажатларнинг мутлоқ суммаларининг ва нисбий ўзгаришларини кўриб чиқиш зарур.

Республика акциядорлик-тижорат банки «Савдогарбанк»да операцион харажатлар 2003 йилда 39305550,0 минг сўм бўлган бўлса, 2004 йил 4241319,0 минг сўмни ташкил этган яъни 2004 йилда ўтган йилга нисбатан мутлоқ сўмда 310764,0 минг сўмга кўпайган.

Таҳлилни давом эттириб операцион харажатларнинг ҳар бир турининг 2004 йилга нисбатан (жорий йилда ўтган йилга нисбатан) қандай ўзгарганлигини ва бу ўзгаришнинг операцион харажатлар таркибига қандай таъсир қилганлигини ўрганиб чиқамиз.

Бунинг учун қуйидаги жадвални тузамиз:

Республика акциядорлик-тижорат банки «Савдогарбанк»нинг 2003-2004 йиллардаги операцион харажатлари таҳлили.

(млн. сўм)

№	Кўрсаткичлар	2004 йил		2003 йил		фарқи +-	2004 й 2003 й
		Суммаси	%	Суммаси	Ҳисс.%		
1	Иш ҳақи ва ходимларга оид бошқа харажатлар	1911,8	45,1	1764,7	44,9	+147,1	108,3
2	Ижара ва таъминот харажатлар	665,1	15,7	618,7	15,7	+46,3	107,5
3	Транспорт ва хизмат сафари харажатлари	93,3	2,2	70,0	1,8	+23,3	133,3
4	Маъмурий харажатлар	457,5	10,8	422,6	10,7	+34,8	108,2
5	Асосий воситалар эскириши	399,9	9,4	348,4	8,8	+51,5	114,8
6	Номоддий активлар амортизацияси	12,9	0,2	16,0	0,4	-3,1	80,8
7	Суғурта, солиқ ва бошқа тўловлар харажатлари	444,4	10,5	394,5	10,0	+49,9	112,6
8	Эҳимолий зарарларга						

	қарши шакллантирилган заҳира	0,1	-	117,1	3,0	-116,9	1,2
9	Бошқа операцион харажатлар	256,3	6,1	178,6	4,6	+77,8	143,6
	Жами: операцион харажатлар	4241,3	100,0	3930,6	100,0	+310,8	107,9

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, бир йилда банкнинг операцион харажатлар суммаси 310764,0 минг сўмга кўпайган (4241319,0 – 3930555,0 минг сўм). Операцион харажатларининг деярли барча турлари бўйича, банкда харажатлар 2004 йилда ўтган йилга нисбатан кўпайган. Фақат 2 та тури: эҳтимолий зарарларга қарши шакллантирилган заҳира ва номоддий активлар эскириши камайган.

«Савдогарбанк» операцион харажатлари 2004 йилда 2003 йилга нисбатан 107,9 % ошган, лекин «транспорт ва хизмат сафари харажатлари», «Бошқа операцион харажатлар» суммалари ушбу даврда жуда юқори сураатлар билан кўпайиб, тегишли равишда 133,3 % ва 143,6 % ни ташкил этган. Шулар билан бир вақтда «Номоддий активлар амортизацияси» ва «Эҳтимолий зарарларга қарши шакллантирилган заҳира» харажат моддалари камайган. Айниқса «Эҳтимолий зарарларга қарши шакллантирилган заҳира» харажат моддасининг 2004 йилда 2003 йилга нисбатан бирданига катта миқдорда камайтирилишига сабаб, «Савдогарбанк» бошқаруви банк молиявий аҳволидан келиб чиқиб, 2004 йилда бундай заҳирага маблағ ажратишни камайтиришга қарор қилганидан бўлса керак.

Шунинг билан бирга жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, банкда энг катта операцион харажатлар бўлиб, «Иш ҳақи ва ходимларга оид бошқа харажатлар» (45,1%) ҳамда «Маъмурий харажатлар», моддалари ҳисобланади. Бу харажат турларини, хизмат кўрсатиш сифатига таъсир этмайдиган қилиб, камайтириш имкониятларини топиш зарур.

«Банк фаолиятлари харажатларининг таҳлили» мавзуси бўйича таянч иборалар

Фоизли харажатлар, фоизсиз (операцион) харажатлар, харажатлар таркиби, харажатларга таъсир этувчи омиллар, талаб қилиб олингунча депозит бўйича фоизлар, жамғарма депозитлар

бўйича фоизлар, муддатли депозитлар бўйича фоизлар, иш ҳақи, ижара харажатлар, хизмат сафари харажатлари, эҳтимолий зарарга қарши шакллантирилган захира.

«Банк фаолиятлари харажатларининг таҳлили» мавзуси бўйича назорат қилиш ва муҳокама саволлари

1. Тижорат банклари харажатларининг моҳияти.
2. Тижорат банклари харажатларининг турлари.
3. Тижорат банклари фоиз харажатларининг таҳлили.
4. Тижорат банклари фоизсиз харажатларининг таҳлили.
5. Тижорат банклари харажатлари суммасига таъсир этувчи омиллар таҳлили.
6. Тижорат банклари харажатларини камайитиш имкониятларини аниқлаш.

Фойдланиш учун тавсия этилган адабиётлар

1. “Ўзбекистон Республикаси” “Марказий банки тўғрисида”ги қонун.-Т., Ўзбекистон, 1996.
2. “Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» иги қонуни.- Т., Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида.- Т., Ўзбекистон, 1995.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий қўўжатлар тўплами. 2002.2003
5. Ўзбекистон банк тизимини ислоқ қилиш ва эркинлаштириш бўйича конунчилик қўўжатлари. 2002. 2003
6. Абдуллаева Ш. Банк иши. Ўқув қўўланма. -Т., Молия, 2003.
7. Абдуллаева Ш. Банк рисклари ва кредитлаш. -Т., Молия, 2002.
8. Банковское дело: Управление и технология: Учеб. Пос. Для ВУЗов. Под ред. проф. А.Н. Тобацева. - М., Юнити-Дана, 2001.
9. Маслеченков Ю.С. Финансовый менеджмент в коммерческом банке. -М., ЮНИТИ, 1996.
10. Тавасиев А.М. Банковское дело: управление и технология. Учеб. пос. - М., Дело, 2001.

IX- Мавзу: БАНК ФАОЛИЯТЛАРИ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ ТАҚЛИЛИ

Режа:

1. Банк фаолиятлари молиявий натижаларининг шаклланиши ва тахлил вазифалари.
2. Тижорат банклари фойдасининг тахлили.
3. Тижорат банклари (фойдалилик) рентабеллик кўрсаткичлари тахлили.
4. Тижорат банклари капитали ва активлари рентабеллик кўрсаткичлари тахлили.

9.1. Банк фаолиятлари молиявий натижаларининг шаклланиши ва тахлил вазифлари

Тижорат банклари бозор муносабатлари шароитида фаолият юритувчи барча субъектлар каби, фаолиятидан олган даромадларидан килган сарф-харажатларини коплаб, маълум микдорда фойда олишлари лозим. Фойда–тижорат банклари фаолиятларининг якуний натижаларини ифодаловчи асосий кўрсаткичдир. Тижорат банклари фойдаси ёки фаолиятини зарар билан якунлаган бўлса-зарари, ушбу хисобот даврида (ой, чорак, йил) барча даромадаларидан харажат ҳамда солик ва тўловларни чиқариб ташлангандан қолган сумма экан.

Тижорат банклари фаолиятлари давомида оладиган даромадлари ва бўладиган харажатлари турларини олдинги мавзуларда кенгрок ёзганмиз, қолавера «Банк иши» ва бошқа ўқитиладиган фанлардан муфассал ўрганиб олгансиз. Тижорат банклари даромадлари икки гуруҳга: фоизли ва фоизсиз даромадларга ажратилади. Банк даромадлари тижорат банклари миқдорларига берилган қисқа ва узок муддатли кредитлар учун олинган фоизлар, мобада кредитларни вақтида қайтармаган тарзда миқдорлардан юқори ставкалар бўйича олинладиган фоиз даромадлар, қимматбаҳо қағозлар операцияларидан олинган даромадлар, турли хил инвестициялар бўйича олинган даромадлар-қабилар фоизли даромадларга қиради. Банклар олган хизмат қақилар, савдо ва валюта операцияларидан олинган даромадлар – фоизсиз даромадлар бўлади. Тижорат банклари молиявий натижаларини тахлил қилганда – фойданинг асосий манбаи бўлган бу даромад турларини: тарқибини, ўзгаришини чуқур ўрганиш лозим.

Тижорат банклари харажатлари ҳам: фоизли харажатлар ва операция харажатларга гуруҳланади. Тижорат банклари депозитларига қуйилган маблағларга, олинган кредитларга тўланган фоизларга, қимматбаҳо қағозларга тўланадиган фоиз ва шу қабиларга –фоизли харажатлар дейилади. Тижорат банкларига кўрсатилган хизматларга (транспорт, сув, газ, электроэнергия ва шу қабиларга), ходимларга иш қақи, маъмурий-бошқарув харажатларга-операция харажатлар дейилади. Банклар молиявий натижалар тахлилида бу харажатларнинг зарурлиги, ўтган даврлар билан ўзгарганлиги, тежамқорликга риоя қилинганлиги

ўрганилади. Хуллас, тижорат банклари молиявий натижалари тахлили, уларнинг даромад ва харажатлари тахлили билан ўзвий богликликда ўтказилиши лозим экан.

Тижорат банклари молиявий натижаларини тахлил килиш учун маълумотларни асосан, банклар бухгалтерии баланси, «Фойда ва зарарлар тўғрисидаги хисобот»лардан, ҳамда аудит текшируви, йигилишлар баённомаларидан, зарурият тугилганда бухгалтерия хисобининг анамитик ёзувларидан олиш мумкин.

Тижорат банклари молиявий натижалари тахлили асосий вазифалари бўлиб:

- фаолият молиявий натижаларини (фойда ёки зарар) аниклаш;
- фойданинг белгиланган режа, ўтган даврлардан фарқини ўрганиш;
- фойданинг таркиби: даромадлар, харажатлар қандай ўзгарганлигини ўрганиш ҳамда бу ўзгариш сабабларини аниклаш;
- фаолият давомида тежамкорликга риоя килинганлигини ўрганиш;
- рентабеллик (фойдалилик) кўрсаткичларини аниклаш ва уларнинг қандай ўзгараётганликларини ўрганиш;
- харажатларини камайтириб, даромадларини кўпайтириб, фойдасини кўпайтириш ички имкониятларини аниклаш ва шу кабилар.

9.2. Тижорат банклари фойдасининг тахлили

Тижорат банклари фойдасини тахлил қилганда, даромадлари харажатлари турларининг таркибини тахлил қиламиз. Энг аввало хисобот давридаги олинган ҳақиқий фойда суммаси режа билан таккосланиб, ундан кўп ёки кам эканлиги аникланади ва фарқлар сабаблари ўрганилади. Банк фойдасини шакллантирувчи даромад, харажатлар таркиби ўтган йиллар билан таккосланади.

Республика акциядорлик-тижорат банки «Савдогарбанк» фаолият натижалари 2004 йилда 564037,0 минг сўм соф фойда билан яқунланган. Республика ҳудудида кўпгина бўлимлари бўлган бу банкнинг фаолиятидан олган бундай суммадаги фойдасига баҳо бериш учун (умуман олганда фойдали ишлаганлиги яхши кўрсаткич) ўтган йилги маълумотлар билан таккослаш лозим. «Савдогарбанк» хисоботида кўра ўтган - 2003 йилда -250952,0 минг сўм соф фойда олган. Демак, банк 2004 йилда 2003 йилга нисбатан

фаолиятини 2 баравардан кўпроқ фойда олиш билан якунлаган. Буларнинг сабабини чуқур ўрганиш учун, даромадлар, харажатлар таркибини ўрганиш ва тахлил қилиш зарур. Бунинг учун қуйидагича жадвал тузамиз.

Жадвал маълумотларидан, «Савдогарбанк» фойда суммасини қайси манбалардан кўпайтирилганлиги, нималардан харажатлар кўпайганлиги кўриниб турибди. Банкнинг фоизли даромадлари 2004 йилда ўтган йилга нисбатан 126,9 % кўпайган бўлса, фоизли харажатлари – ушбу даврда 140,3 % га кўпайган. Демак фоизли харажатларнинг ўсиш (кўпайиш) сурати жуда юқори, бундай йўл тутиб борилаверса бўлмайди. Натижада фоизли даромадлар бўйича кўрилган натижа 2004 йилда ўтган йилга нисбатан факат 16,1% га ўсган (даромадлар-26,9% ўсганлигига қарамадан).

Банк 2004 йилда кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган эҳтимоли зарарларга қарши шакллантирилган захираларга 2004 йилда 2003 йилга нисбатан 2 баравардан камроқ сумма (48,5%) ажратган. Шундай қилиб, фоизли даромадлар суммасини бироз оширган. Лекин банк фоизсиз даромадларини 2004 йилга нисбатан камайтириб юборган (51044,0 минг сўмга). Натижада шунгача банк фойдаси ўтган йилга нисбатан камайган. Тижорат банки операцион харажатлар суммасини кўпайтирмаслик чораларини кўрган. Натижада бу харажатлар 2004 йилда ўтган йилга нисбатан факатгина 107,9% Гагина ўсган. Тижорат банк бўлимларида фоизли ва фоизсиз даромад турларини кўпайтиришнинг ички имкониятларини топиш лозим.

**Республика акциядорлик-тижорат банки «Савдогарбанк» молиявий
натижалар тахлили**

(млн. сўм)

№	Моддалар	2003 йил	2004 йил	2004 йил 2003 йилга нисбатан ўзгариши	
20	Фоизли даромадлар - жами	5541,9	7037,8	1495,9	126,9
50	Фоизли харажатлар - жами	2491,5	3496,6	1005,0	140,3
60	Соф фоизли даромадлар	3050,3	3541,2	490,0	116,1
70	Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган эхтимолий зарарларга қарши шакллантирилган захирани баҳолаш	381,6	-185,0	-196,6	48,5
80	Захирани баҳолашни чиқариб ташлагандан сўнг қолган соф фоизли даромад	2668,7	3356,2	687,5	125,7
100	Фоизсиз даромадлар - жами	1963,2	1912,2	-51,0	97,4
120	Операция харажатлари - жами	3930,0	4241,3	-310,7	107,9
130	Даромад (фойда) солиги тўлангунгача бўлган соф фойда (зарар)	701,4	1027,1	325,7	146,4
140	Даромад (фойда) солиги	450,4	463,1	12,7	102,8
150	Соф даромад (зарар)	251,0	564,0	313,0	224,7

9.3. Тижорат банклари рентабеллик (фойдалилик) кўрсаткичлари тахлили

Тижорат банклари фойда суммалари бўйича сифатий (рейтинг) баҳо бериб бўлмайди. Чунки кичик, ўрта ва йирик банклар мавжуд. Мисол: бир йилда бир банк 640 000,0 минг сўм фойда олган бўлса, иккинчи банк эса 680 000,0 минг сўм фойда олган бўлса, иккинчи банкни фойдали ишляпти деб баҳо бериб бўлмайди. Чунки биринчи банк фаолияти жихатидан кичик, иккинчи банк эса жуда катта фаолият юритувчи банк бўлиши мумкин.

Шунинг учун ҳам банкларнинг рентабеллик кўрсаткичлари аникланади ва тахлил килинади. Рентабеллик кўрсаткичларинисбий кўрсаткич бўлиб, фойда суммасини барча активлари, ўз сармояси суммаларига бўлиш билан аникланади.

Тижорат банкларининг мавжуд барча маблағларни тўғри жойлаштириб улардан фойдаланиш даражаси активлар рентабеллиги билан ўлчанади. Банк активларининг рентабеллиги (Б.А.Р.) соф фойда суммасини (сф) барча активлар суммасига (баланс жами суммаси) бўлиб топилади.

$$БАР = \frac{сф \times 100}{БА}; \text{бу ерда БА—барча активлар.}$$

«Савдогарбанк» бўйича бу кўрсаткичлар:

2003 йилда $БАР = 250952:40021498 \times 100 = 0,62\%$

2004 йилда $БАР = 564037:37349977 \times 100 = 1,51\%$

Демак ушбу кўрсаткич бўйича банк 2004 йилда ўсишга эришган, яъни 0,62 % дан 1,51% гача кўтарилган.

Тижорат банклари активларининг самарали фойдаланишини бошқа тижорат банклари кўрсаткичлари билан киёслаб (таккослаб) тахлил килиш яхши натижаларни беради.

Суйида бир неча тижорат банк активларининг рентабеллик кўрсаткичларини 2003-2004 йиллар бўйича келтирамиз.

Тижорат банклари активларининг рентабеллиги

(млн.сум)

Тижорат банклари	Соф фойда 2004 2003	Жами активлар		СФ:жами активлар	
		2004	2003	2004	2003

Ўз саноат курилиш	2697,5	2528,1	396735,7	311953,7	0,67	0,81
Алокабанк	890,4	699,7	25908,9	19624,1	4,53	3,56
Савдогарбанк	564,0	251,0	37350,0	40021,5	1,51	0,63
Али Жамол банк	583,9	298,0	10368,0	8147,6	5,63	3,66
Уктамбанк	82,0	94,9	2745,5	2711,7	3,00	3,50

Манба: Банк ахборотномаси, 2005 йил 27 апрел. № 18-19.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, рентабеллик кўрсаткичлари тижорат банклари бўйича жуда хилма-хил. Бу кўрсаткич банкларда 2003 йилда 3,66 % дан (Алп Жамол банк) 0,63% гача (Савдогарбанк) яъни 5,8 баравар фарк килади. 2004 йилда эса Савдогарбанк рентабеллик кўрсаткичи яхшиланиб, то 1,51% гача кўтарилган. Активлар рентабеллиги бўйича 2004 йилда энг паст даража Ўзсаноаткурилиш банкида бўлиб, 0,65 % ни ташкил этган ва Алп Жамол банк кўрсаткичидан 8,4 баравар (Алп Жамол банк – 5,63 %) паст. Таҳлил қилинаётган 2003-2004 йилларда активлар рентабеллиги кўрсаткичи Ўзсаноаткурилиш (2003 йил -0,81 %, 2004 йил -0,67 %) ва Ўктамбанк (2003 йил-3,50 %, 2004 йил -3,00%) ларда пасайган, қолган банкларда эса кўтарилган бўлиб, ижобий баҳоланади.

Тижорат банкларида хусусий капитал рентабеллиги кўрсаткичи ҳам аҳамиятга эга. Бу кўрсаткич (ХКр) банкнинг соф фойда суммасини (сф) 100 га кўпайтириб (фоизда) хусусий капитал (ХК) ўртача қийматига бўлиб топилади.

$$ХКр = \frac{сф \times 100}{ХК};$$

Биз таҳлил қилаётган «Савдогарбанк»да бу кўрсаткич 2003 йилдаги 6,0 % дан, 2004 йил – 13,2 % гача кўтарилган.

Тижорат банклари хусусий капиталнинг рентабеллиги

Тижорат банклари	млн.сум)					
	Соф фойда		Хусусий капитал		сф. / хусусий капитал	
	2004	2003	2004	2003	2004	2003
Ўз саноат курилиш	2697,5	2528,1	30777,1	30283,6	9,7	8,3
Алокабанк	890,4	699,7	4260,5	3818,0	20,9	18,3

Савдогарбанк	564,0	251,0	4276,8	4194,7	13,2	6,0
Али Жамол банк	583,9	298,0	2084,5	1565,6	28,0	19,0
Уктамбанк	82,0	94,9	1545,9	1572,1	5,3	6,3

Манба: Банк ахборотномаси, 2005 йил 27 апрел

«Банклар молиявий натижалари тақлили» мавзуси бўйича таянч иборалар

Фоизли даромадлар, фоизли харажатлар, фоизсиз даромадлар, операцион харажатлар, даромадлар таркиби, молиявий натижалар, соф фойда, зарар. Рентабеллик кўрсаткичлари, капитал рентабеллиги активлар рентабеллиги.

«Банклар молиявий натижалари тахлили» мавзуси бўйича Ўз–Ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Тижорат банклари асосий фаолият даромадлари нималардан иборат.
2. Тижорат банклари фоиз харажатларининг моҳияти.
3. Тижорат банклари фоизсиз даромадлари таркиби.
4. Тижорат банклари операцион харажатлар таркиби.
5. Тижорат банклари молиявий натижалари қандай аниқланади.
6. Тижорат банклари рентабеллик кўрсаткичлари.
7. Тижорат банклари фойдаси ва рентабеллик кўрсаткичларига таъсир этувчи омиллар.
8. Банклар фойдасини кўпайтириш имкониятлари.

Фойдланиш учун тавсия этилган адабиётлар

1. “Ўзбекистон Республикаси” “Марказий банки тўғрисида”ги қонун.-Т., Ўзбекистон, 1996.
2. “Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» иги қонуни.- Т., Ўзбекистон, 1996.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида.- Т., Ўзбекистон, 1995.
4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатлар тўплами. 2002.2003
5. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари. 2002. 2003
6. Абдуллаева Ш. Банк иши. Ўқув қўлланма. -Т., Молия, 2003.
7. Абдуллаева Ш. Банк рисклари ва кредитлаш. -Т., Молия, 2002.
8. Банковское дело: Управление и технология: Учеб. Пос. Для ВУЗов. Под ред. проф. А.Н. Тобацева. - М., Юнити-Дана, 2001.
9. Маслеченков Ю.С. Финансовый менеджмент в коммерческом банке. -М., ЮНИТИ, 1996.
10. Тавасиев А.М. Банковское дело: управление и технология. Учеб. пос. - М., Дело, 2001.

Х- Мавзу: БАНКЛАР ЛИКВИДЛИГИ ВА ТЊЛОВГА ЛАЁКАТЛИЛИГИ ТАЌЛИЛИ

Режа:

1. Тижорат банклари ликвидлиги ва тњловга лаёкатлиги тақлилининг ақамияти ва вазифалари.
2. Тижорат банклари активларини ликвидлиги бњйича гуруқлаш.
3. Тижорат банклари ликвидлик књрсаткичлари ва уларни бақолаш.

10.1. Тижорат банклари ликвидлиги ва тњловга лаёкатлиги тақлилининг ақамияти ва вазифалари

Мамлакатда бозор иктисодиётининг ривожланиши банк тизимининг мустақкам фаолият юритишига боғлиқ. Тижорат банклари фаолиятлари – банк баланслари ликвидлиги билан бақоланади. «Ликвидлик» - атамаси лотинча бњлиб, оқувчан, суюқлик маъносини англатади. Тижорат банклари ликвидлиги деганда мавжуд активлар билан омонатчилар ва кредиторлар олдидаги мажбуриятларини ъз вақтида ва тњлов тњлай олиш (кайтариш) қобилиятига айтилади. Маълумки қарз мажбуриятлари шу маблағлар билан тњланади. Шунинг учун қам тижорат банклари активларининг (активлар турларини олдинга мавзуларда књриб чикканмиз) пул маблағларига айланишига қараб, банкларнинг ликвидлиги турлича бњлиши мумкин. Тижорат банклари активлари ва пасивлари (шу жумладан мажбуриятлари) баланс тузилган маълум санага аниқлангани, учун, банклар ликвидлиги, улар баланси бњйича аниқланади. Шунинг учун қам тижорат банклари ликвидлиги эмас, балки књпинча банк баланси ликвидлиги деб қам аталади.

Бозор муносабатлари шароитида барча хњжалиқ юритувчилар қаби тижорат банклари қам юқори фойда олишга қаракат қилади. Лекин қонунга зид бњлмаган бозор механизмларидан фойдаланиб, банк активларини жойлаштириб, юқори фойдали ишлаш ва бир вақтда яхши ликвидликни таъминлаб туриш мураккаб масаладир. Шунинг учун қам тижорат банкларининг ликвид бњлиб, бир маромда фаолият юритишларини нафакат банк рақбариятининг ъзлари, балки Республика Марказий банк орқали Қуқумат қам назорат ва тақлил қилиб боради. Банк мажбуриятлари мавзусида књриб чикканимиздек, банк ресурсларининг катта қисми омонатда сақланаётган маблағлардан ташқил топади. Тижорат банклари

мижозларга омонатларини муддатида (жалб килган пайтда) кайтараолмаса мижозлар ишиончини юкотади. Бу нарсa банк тизими учун хавфли бўлиб, асосий вазифаси – пул маблағларини саклашга путур этади, жамоатчилик банкларга янги депозитлар кўйишга хайри – хоқ бўлмайди. Шунинг учун қам Уз.Р.М. банкининг 1998 йил 2 ноябрдаги № 421 – сонли «Тижорат банклари ликвидлигини бошқаришга бўлган талаблар тўғрисида» ги Низомда қар бир тижорат банкида ресурсларни бошқариш кўмитаси ташкил этилиб (бу кўмитага банк бошқаруви раиси рақбарлик килади), ликвидликни самарали бошқаришни таъминлаш учун, банк баланси бўйича қар куни ликвидликни назорат килиб бориш, қафтасига Бир марта йиғилиб, ликвидликни таъминлаш бўйича тавсиялар бериш лозимлиги такидланган.

Тижорат банкларининг тўловга лаёкатлилиги асосан улар балансининг ликвидлилигига боғлиқ. Умуман олганда банкларнинг активлари қарз мажбуриятларини тўлашга қодир бўлса, банк тўловга лаёқатли, акс қолда эса лаёқатсиз қисобланади.

Шундай қилиб, тижорат банклари ликвидлиги ва тўловга лаёқатлилиги тақлилининг асосий вазифалари қуйидагилар:

- баланс асосида активларнинг ликвидлик қолатига бақо бериш;
- банк ликвидлик кўрсаткичларини аниқлаш ва уларнинг ўзгаришини ўрганиш;
- банк активларининг жойланиши ва ресурслар жалб қилишнинг ўзгариш тенденцияларини ўрганиш;
- банк ликвидлиги кўрсаткичлари асосида, ликвидлигини бақолаш ва уни яхшилаш бўйича чора – тадбирлар ишлаб чиқиш;
- банкнинг тўловга лаёқатлилиги кўрсаткичларини аниқлаш, уларнинг ўзгаришларини ўрганиш ва шу қабилар.

10. 2. Тижорат банки активларини ликвидлиги бўйича гуруқлаш

Тижорат банклари фаолият юритишлари учун керакли миқдордаги турли хил нарсаларга сарфланган қийматликларга эга бўлади. Биз уларни банк активлари таркиби мавзусида кўриб чиққанимиз. Банк активларининг асосий қисми мижозларга турли муддатга берилган кредитлар, кассадаги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги пул маблағлари, қимматбақо қўғозларга сарфланган маблағлар, асосий воситалар ва номоддий активлар қабери бўладилар, Маълумки улар ликвидлиги бўйича

турличадир. Агарда банк кассасидаги накд пуллар банкнинг карз мажбуриятларини (муддати келганда) тўлашга тайёр турган бўлсалар, асосий воситаларни бундай гуруҳга кўшиб бўлмайди. Чунки асосий воситаларни сотиб, пул маблағига айлантириб банк карз мажбуриятларини тўлагунча маълум вақт ўтиши зарур. Шунда ҳам сотувга қўйилган асосий воситалар банк балансида (қисобида) қўрсатилган қийматларда сотилади – ми? йўқми? Бу ҳали муаммо бўлиб, тақлил қилишни такоза этади. Шунинг учун ҳам тижорат банк балансида қўрсатилган активлар ликвидлиги бўйича тўртда гуруҳга бўлинади.


I – гуруҳ. Жуда тез ликвидланадиган активлар. Буларга банк кассасидаги накд пуллар, кимматбаҳо металллар, пулли чеклар ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги ва бошқа банклардаги мўқбирлик қисоб варағидаги маблағлар қиради. Бу маблағлар карз мажбуриятларини тўлашга тайёр ҳолатда ёки пул маблағларига айлантириш жуда осон бўлган маблағлардир.

II- гуруҳ: Тез ликвид бўладиган активлар. Бундай активларга банкнинг қисқа муддатга (30 кунгача) миқдорларга берилган кредитлари, кимматбаҳо қўғозларга қўйилган маблағлари ва бошқа дебитор қарзлари қиради. Бундай маблағларнинг бу гуруҳга киритилишига сабаб, муддати жуда қисқа, улар бир ой ичида банкга қайтиб келади. Лекин бунда шуни ҳам қисобга олиш зарурки, уларнинг айримлари, масалан банкнинг қисқа муддатли кредитлари муддатида қайтарилмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам бу гуруҳга активларни қўшаётганда, уларнинг ҳақиқий ҳолатига аҳамият бериш зарур бўлади.

III – гуруҳ: Секин (ўртача) ликвид бўладиган активлар. Бундай активларга бошқа гуруҳларга кирмаган кимматли қўғозларга қўйилган маблағлар, қисқа муддатли кредитлар (муддати бир йилгача) ва шу каби маблағлар қиради.

IV- гуруҳ: Қийин ликвид бўладиган активлар. –уларга асосий воситалар, номоддий активлар, узок муддатли кредитлар вабошқа узок муддатли банк инвестицияларини киритиш мумкин.

Тижорат банки активларини ликвидлиги бўйича гуруҳлаш



10.3. Тижорат банклари ликвидлиги кўрсаткичлари ва уларни бақолаш

Тижорат банклари баланслари актив томонида баланс тузилган санага мавжуд маблағлари, пассив томонида эса ўз

капитали ва мажбуриятлари (четдан жалб килган маблағлар манбаи) кўрсатилган бўлади. Шунинг ҳам такидлаш лозимки

Республика тижорат банклари баланслари (бухгалтерия счетлари ҳам биринчи навбатда) қалқаро андозаларга мослаштирилган бўлиб (1997 йил бухгалтерия счетлар режаси асосида) баланс активи – активларнинг ликвидлиги бўйича, энг аввало жуда тез ликвид маблағлардан бошлаб; пассив томони эса мажбуриятларнинг тўлов муддатларига қараб (энг аввало талаб қилиб олингунча депозитлар) жойлаштирилган. Шунинг учун тижорат банк баланслари ликвидликни ўрганишга мақбул. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган «Тижорат банклари ликвидлигини бошқаришга бўлган талаблар тўғрисидаги Низом»да (1998 йил 2 ноябр) барча тижорат банклари жорий ликвидлик меъёрларини бажариш лозим дейилган. Жорий ликвидлик жорий активларнинг (муддати 30 кунгача бўлган барча ликвидлик активлари, бир марта бўлса ҳам муддати узайтирилган ва ёки аввал берилган ссудаларни тўлаш учун, шунингдек қайтариш муддати ўтиб кетган кредитлар бундан мустасно), талаб қилиб олингунча ва ижро этиш муддати 30 кунгача бўлган мажбуриятлар суммасига нисбати билан аникланади.

$$\text{Жорий ликвидлик} = \frac{\text{Жорий ликвидлик}}{\text{Талаб қилиб олингунча+ муддати 30 кунгача мажбуриятлар;}}$$

Тижорат банкларида жорий ликвидлик 30 % дан кам бўлмаслиги керак.

Умуман олганда тижорат банклари ликвидлиги қуйидаги кўрсаткичлар билан ифодаланади:

- лахзали ликвидлик коэффиценти (ЛЛК);
- жорий ликвидлик коэффиценти (ЖЛК);
- киска муддатли ликвидлик коэффиценти (СМЛК).

Лахзали ликвидлик коэффиценти (ЛЛК) тижорат банкининг юқори ликвид маблағларининг (уларга банкнинг кассадаги нақд пул маблағлари ва муҳбирлик ҳисобварағидаги маблағлар қиради) жорий мажбуриятларга нисбати билан аникланади.

$$\text{ЛЛК} = \frac{\text{Нақд пул ва ҳисобварақдаги маблағлар}}{\text{ЛЛК=}}$$

Жорий мажбуриятлар

Банкнинг жорий мажбуриятига талаб қилиб олунгунча қуйилган депозитлар, тез орада тўланиши лозим бўлган олинган кредитлар ва шу каби мажбуриятлар киради. Бу кўрсаткич иқтисодий мазмуни бўйича банкнинг жорий мажбуриятини дарҳол (шу вақтда) бажариш имкониятини кўрсатади. Лаҳзали ликвидлик кўрсаткичини ЛЛК тижорат банклари ҳар куни ўрганиб, таҳлил қилиб беришлари ва унинг минимал миқдорини 0,25 дан кам бўлмаслигини таъминлашлари лозим.

Жорий ликвидлилик коэффиценти кўрсаткичини юқорида кўриб чиқдик, у жорий ликвид активларнинг талаб қилиб олингунча ва тўлаш муддати 30 кунгача бўлган мажбуриятлар суммаси нисбати билан ҳисобланади.

Жорий ликвидлилик коэффиценти минимал миқдори 0,3 дир. Иқтисодий мазмуни бўйича бу кўрсаткич, банклар ликвид маблағлари билан талаб қилиб олингунча ва тўланиши жорий ойда бўладиган мажбуриятларини биратўла қай даражада қоплай олади деган саволга жавоб беради.

Қисқа муддатли ликвидлилик коэффиценти (КМЛК) оlinиши бир ойдан бир йилгача бўлган банк активларининг банкнинг тўланиши 30 кундан бир йилгача бўлган мажбуриятлари ва банк капиталига нисбати билан аниқланади.

$$\text{КМЛК} = \frac{\text{Олиниши 30 кундан – бир йилгача бўлган активлар}}{\text{Мажбуриятлар (30 кундан – бир йилгача) + капитал}}$$

Тижорат банклари ликвидлигининг бошқа кўрсаткичлари ҳам маҳсус адабиётларда учрайди. Таҳлилдан асосий мақсад тижорат банкларининг ликвидлигини мунтазам равишда кузатиб бориб, унинг ликвидлигини таъминлашдир. Тижорат банклари ликвидлигини таъминлаш мураккаб бўлиб, жаҳонда бу борада бир неча усуллардан фойдланилган. Бу усулларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- активларни башқариш йўли билан банк ликвидлигига эришиш;
- жалб қилинган маблағлар асосида ликвидликни сақлаш (пассивларни бошқариш йўли);

- банк активлари ва пасивлари мувозанатини сақлаб, ликвидликни таъминлаш;

Банк активларини бошқариш йўли билан ликвидликни таъминлашда банкда энг ликвид маблағлар кўпроқ жамғарилади (ҳисобварақдаги пул маблағлари, жуда қисқа муддатли қимматли қоғозлар ва кредитлар кабилар). Албатта бу усул кичкина банклардан қўлланади, ҳамда маълум даражада активлардан самарали фойдаланишни чегаралайди.

Жалб қилинган маблағлар билан ликвидликни бошқаришда банк жуда тез сотиладиган маблағларни қарзга олиши лозим бўлади. Агарда ликвидлик бузиладиган бўлса, уларни тезда қайтариш ёки қайтадан сотиш мумкин бўлади. Лекин нархнинг ўзгариб турган даврида бу усулнинг хатарлигини эсдан чиқармаслик лозим.

Банк активлари ва пасивлари мувозанатини сақлаб, ликвидликни таъминлаш энг қулай усул бўлиб, банк раҳбариятидан активларни ва пасивларни бошқаришда доимий назоратни ва маҳоратни талаб қилади. Бунда маълум даражада жуда тез ликвид бўладиган активлар (қисқа муддатли қимматли қоғозлар) сифатида сақлаб туради. Зарурият туғилса бу маблағларни сотиш ва пул маблағларига айлантириш мумкин бўлади. Шу вақтнинг ўзида жалб қилинган маблағларни (пасивлар) назорат қилиб, уларнинг жуда тез ликвид активларга мослигини таъминлаб туради.

Тижорат банклари ликвидлигини таҳлил қилганда юқоридаги ликвидлик кўрсаткичларини белгиланган меъёрлардан паст (кам) эмаслигини ўрганади, ($МК > 0,25$; $ЖАК > 0,3$) ҳамда ўтган даврлар билан солиштириб қандай ўзгараётганлигини аниқлайди. Таҳлилдан тегишли хулосалар чиқариб, банк ликвидлигини яхшилаш чораларини кўради.

«Банклар ликвидлиги ва тўловга лаёқатлилиги таълими» мавзуси бўйича таянч иборалар

Банк ликвидлиги, тез ликвид бўладиган активлар, секин ликвид бўладиган активлар, кийин ликвид бўладиган активлар, лаъзали ликвидлик коэффиценти, жорий ликвидлик коэффиценти, қисқа муддатли ликвидлик коэффиценти, ликвидлик меъёрлар, банк активлари ва пасивлари мувозанати.

«Банклар ликвидлиги ва тўловга лаёқатлилиги тақлили мавзуси бўйича нўз–нўзини назорат қилиш учун саволлар»

1. Тижорат банклари ликвидлиги моқияти ва ақамияти нима?
2. Тижорат банки ликвидлигини тақлил қилиш вазифалари.
3. Тижорат банки активларининг ликвидлиги бўйича гуруклаш.
4. Жуда тез ва тез ликвид бўладиган банк активлари нималар?
5. Секин ликвид бўладиган активларга нималар қиради?
6. Қийин ликвид бўладиган активлар нималардан иборат?
7. Тижорат банки ликвидлик кўрсаткичлари тавсифи.
8. Лақзалик ва жорий ликвидлик коэффицентлари қандай қисобланади.
9. Қиска муддатли ликвидлик коэффиценти моқияти қандай?
10. Тижорат банклари ликвидлигини бошқариш усуллари.
11. Тижорат банклари ликвидлигини тақлил қилиш хулосалари.

Фойдланиш учун тавсия этилган адабиётлар

1. “Ўзбекистон Республикаси” “Марказий банки тўқрисиди”ги қонун.-Т., Ўзбекистон, 1996.
2. “Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўқрисиди» иги қонуни.- Т., Ўзбекистон, 1996.
3. Қаримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоқатларни қуқурлаштириш йўлиди.- Т., Ўзбекистон, 1995.
4. Ўзбекистон Республикаси Марқазий банкнинг меъёрий қўжжатлар тўплами. 2002.2003
5. Ўзбекистон банк тизимини ислоқ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилиқ қўжжатлари. 2002. 2003
6. Абдуллаева Ш. Банк иши. Њқув қўлланма. -Т., Молия, 2003.
7. Абдуллаева Ш. Банк рисклари ва қредитлаш. -Т., Молия, 2002.
8. Банковское дело: Управление и технология: Учеб. Пос. Для ВУЗов. Под ред. проф. А.Н. Товашева. - М., Юнити-Дана, 2001.
9. Маслеченков Ю.С. Финансовый менеджмент в коммерческом банке. -М., ЮНИТИ, 1996.
10. Тавасиев А.М. Банковское дело: управление и технология. Учеб. пос. - М., Дело, 2001.

XI- Мавзу: БАНКЛАР ФАОЛИЯТИНИ БОШКАРИШ ВА ТАХЛИЛ КИЛИШНИНГ ХАЛКАРО АМАЛИЁТИ

Режа:

1. Банк фаолиятини бошқариш ва таҳлил қилишнинг асосий тамойиллари.
2. Банк фаолиятини бошқаришнинг Америка тизими.
3. Банк фаолиятини бошқариш ва назорат қилишнинг Япония тизими.

11.1. Банк фаолиятини бошқариш ва таҳлил қилишнинг асосий тизими

Тижорат банклари фаолиятини бошқаришнинг асосий вазифаси банкнинг барқарорлигини таъминлаган ҳолда, унинг фойдасини кўпайтириш ва бозор қийматини оширишдир. Бу вазифаларни бажариш учун мавжуд ресурсларни тўғри жойлаштириш ва самарали фойдаланиш, бериладиган кредитларнинг хатарлилик даражасини пасайтириш, ҳамда банк фаолиятини ривожлантириш учун етарли маржани таъминлайдиган фоиз ставкаларини белгилашдир.

Банк фаолиятини бошқаришнинг энг макбул йўли марказлаштирилган тарзда бошқарув қарорлари қабул қилишдир. Лекин банк фаолиятининг кенгайиши, бўлимлар ва филиалларнинг пайдо бўлиши, қарорларни қабул қилиш ваколатини банкларнинг алоҳида тузилмовий бўлинмаларига беришга тўғри келди.

Хар қандай бошқарув модели кўйидагиларни таъминлаши лозим:

- қарор қабул қилинишини тезлаштириш;
- ўзгарувчан бозор шароитларига жавоб беришнинг тезқорлигини;
- шахобчалар (бўлимлар) фаолияти назорат қилиниши мумкинлигини;

Тижорат банклари бошқаруви самарадорлигига қуйидаги омиллар таъсир қилади:

- мамлакатдаги иктисодий вазият баркарорлиги;
- банк бошқаруви амалга оширилишининг асоси ҳисобланган: стратегик, тактик ва жорий режалаштириш мавжудлиги;
- банк раҳбарияти ва ходимлар малакавий даражалари;
- бошқарув ахборот тизимларининг ташкил этилиши;
- банк ресурс базасининг шаклланиш даражаси;
- стандарт кредитларга эҳтиёжнинг, кредитни қайтаришга кодир қарз олувчиларнинг мавжудлиги;
- пул ва пул муаммоласи бозорнинг ривожланганлиги ва баркарорлиги;
- банкнинг ва унинг бўлинмаларининг молиявий ахволини мунтазам равишда кузатиб бориш имкониятининг мавжудлиги ва шу қабилар.

Ҳозирги пайтда турли мамлакатлардаги бошқарув органларининг тижорат банклари фаолиятини баҳолаш тизимлари қўйидаги жадвалда берилган.

Мамлакат	Назорат органи	Тизимлар	Жорий этилган йил	Тизим тури
Франция	Банк компанияси	ORAP (хатарнинг олдини олиш ҳаракатларини ташкил этиш ва мустаҳкамлаш)	1997	Дистанцияли рейтинг тизими
		SAABA –статистик таҳлил усули	1997	Тезкор ҳаракат тизими
Германия	Банклар устидан назорат Федерал идораси	BAKLS (Ахборотлар тизими)	1997	Молиявий коэффицентлар ва айрим банк гуруҳлари таҳлилий тизими
АҚШ	Учала назорат органи	CAMELS	1980	Рейтинглар тизими
Италия	Италия банки	PATROL	1993	Дистанцияли рейтинг тизими
Буюк Британия	Молиявий сиёсат бўйича идора	RATE (хатарни баҳолаш ва назорат меъёри тизими)	1998	Банк хатарларини баҳолаш комплекс тизими

Манба: Тижорат банклари фаолиятини назорат килиш тизимлари. БПК. журнали № 7, 2002 й. 21 бет.

11.2. Банк фаолиятини башкаришнинг Америка тизими

Америка Сўшма Штатларида тижорат банклари фаолиятини бошқариш ва назорат килишнинг «CAMELS» тизими ривожланган «CAMEL» сўзи, бир неча сўзларнинг бош харфларидан тузилган бўлиб, банклар фаолиятини бошқариш ва назорат килиш моҳиятини ўз ичига олади. Бу тизим 1979 йил амалда қўллай бошланган бўлиб, АҚШ даги 3-та назорат органи: Федерал захира тизими, Депозитларни сугурталаш Федерал корпорация ва валюта назорат қўлланилади. Бу сўздаги бош харф «С» - капиталнинг адекватлиги маъносини англатиб, тижорат банклари капиталларининг ҳукукий ҳужжатларда кўрсатилган меъёрларга жавоб беришлигини билдиради. «А» харфи-активлар сифатини англатиб, тижорат банклари активларининг жойлаштирилганлиги ва сифатлилиги назорати белгисидир. Маълумки, Банк активлари даромад келтирувчи ва даромад келтирмайдиган активларга, ҳамда хатарли даражаси бўйича ҳам гурухланади. Шунинг учун ҳам банк активлари тўғри жойлаштирилиши ва сифати доимо назорат килиниши лозим. «М»-харфи менежмент сифатини билдиради. Тижорат банклари фаолияти кўрсаткичлари бошқарувининг (менежментнинг) сифатига боглик. Тўғри ва ўз вақтида қабул килинган бошқарув қарорлари-муваффақият гаровидир. «Е»-харфи операциялар сифати ва даромадлилик даражасини билдиради. Тижорат банклари кўпгина операцияларни амалга оширади, турли хизматлар кўрсатади, уларнинг даромадлилик даражасини ўрганиш ва назорат килиш, ҳамда операцияларни даромадлигига қараб бошқариш зарур бўлади. «L»-харфи-ликвидлик даражасини билдиради. Тижорат банклари банкрот бўлмасликлари учун, ликвидлик даражасини мунтазам равишда таҳлил қилиб турушлари лозим.

Мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар ривожланганлиги, бизнесда катта ўзгаришлар содир бўлганлиги туфайли «CAMELS» назорат тизими, 1997 йилдан бошлаб «S» харфи қўшилди ва «CAMELS» деб ёзиладиган бўлди.

«S» харфи-бозор хатарлигига сезгирлик мезонини билдириб, бозор муносабатлари шароитида айрим пайтларда учраб турадиган «бухрон»ларга банкларнинг сезгирлигини баҳолайди. Умуман

олганда бу рейтинг тизими, тижорат банклари фаолият натижаларини, мавжуд активлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашда муҳим бўлган умумий кўрсаткичларни ўз ичига олади. «CAMELS» да ҳар бир элементини ташкил этувчи компонентлар кўрсаткичлари алоҳида (масалан «C»)-капиталнинг адекватлиги) ва умумий –якуний рейтинг баҳо аниқланади. Ҳар бир элемент ва умумий-якуний рейтинг 5 баллиқ шкала асосида баҳоланади. 1-балл рейтинг энг юқори баҳоли кўрсаткич ҳисобланади ва бозорда тижорат банкининг барқарорлигидан далолат беради. 5-балл эса энг паст баҳо бўлиб, тижорат банкининг аҳволи ёмонлигидан, банк активларини нотўғри жойлаштириб, самарасиз фойдаланаётганидан, ликвидлик даражаси паст эканлигидан, демак мунтазам равишда фаолиятини таҳлил қилиб, назоратни қучайтириш лозимлигини билдиради.

Тижорат банклари назорат рейтинглари молиявий вазиятни жорий баҳолаш ва мавжуд муаммоларни аниқлаб, уларни бартараф қилишда банкларнинг бошқаришда муҳим воситасидир.

11.3. Банк фаолиятини бошқариш ва назорат қилишнинг Япония тизими

Японияда барча фаолият юритувчи субъектларида бизнес мустақиллиги, ҳамда яхши иқтисодий кўрсаткичларга-муносиб рағбатлантириш муҳим ўрин эгаллайди. Японияда корпорациялар кўп бўлиб, уларни бошқаришда, бўлинмалар (филиаллар) фойда кўриш марказлари усули қўлланади.

Фойда кўриш марказлари фаолияти самарадорлиги бошқарув ҳисоби асосий муаммоси-банкни саклаб туриш билан боғлиқ умумий харажатларнинг ушбу тузилмавий бирликларга тўғри тақсимлашдир. Японияда ҳозирги замон ЭХМ имкониятларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда, Z деб алалувчи бошқарув назарияси кўп қўлланилади.

Z – назариясининг асосий тамойиллари қуйидагилар:

- менежерлар ва ходимлар ўртасида ишончли муносабат;
- умумий ахлокий ақидаларга чуқур ишончалик;
- тўла бандлик сиёсати («умрбод ёлланиш»);
- меҳнатга шахсий манфаатдорлик;
- қарор қабул қилишда ходимнинг шахсан иштирок этиши;
- асосланган назорат;

- ходимга нисбатан холисано ёндашув: шахси бутунликнинг олий шакли сифатида: ходимларнинг барча эҳтиёжларини кондириш масаласи.

Тижорат банклари капитал сифатини кўчайтириш, банк хизмати турларини кенгайтириш, банк сармояларини кўпайтириб, уларнинг молиявий баркарорлигини мустахкамлаш, банклар фаолиятини бошқаришнинг асосий вазифаларидир.

Ўзбекистонда ҳам тижорат банклари фаолияти тахлил килинади. БУ борада Ўзбекистон Банклар ассоциацияси ҳузуридаги «Ахбор-рейтинг» банклараро рейтинг компанияси сезиларли ишларни олиб бормокда. Компания бир неча йиллардан бери мамлакатимиз тижорат банклари фаолиятига холисано рейтинг баҳоларини бериб келмокда. 2005 йил 27 декабр Токиода бўлиб ўтган Осиё кредит рейтинг агентликлари ассоциациясининг (Association of Credit Rating Agencies in Asia) йиллик мажлисида Ўзбекистон Банклар асоциацияси ҳузуридаги, «Ахбор-рейтинг» барклараро рейтинг компанияси ушбу халқаро ташкилот аъзолигига қабул килинди¹. Бу «Ахбор-рейтинг» компаниясига ишонч белгиси бўлиб, бу компаниянинг тижорат банклари фаолиятига рейтинг баҳо беришда ахборот ва тажриба алмашиш имкониятларини яратади, халқаро талабларни тадбиқ этиб, рейтинг баҳолаш тизимини тқкомиллаштиришга олиб келади.

«Банклар фаолиятини бошқариш ва тахлил килишнинг халқаро амалиёти» мавзуси бўйича таянч иборалар

Банк фаолиятини бошқариш, марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган бошқарув, бошқарув модели, бошқарув самарадорлиги, самарадорлик омиллари, рейтинг баҳолаш тизимлари: CAMELS, PATROL, Z- назарияси; бошқарув тамойиллари; «Ахбор-рейтинг» компанияси.

«Банклар фаолиятини бошқариш ва тахлил килишнинг халқаро амалиёти» мавзуси бўйича ўз-ўзини назорат килиш ва муҳокама учун саволлар

1. Банклар фаолиятини бошқариш ва тахлил килиш халқаро амалиётининг моҳияти.

¹ Халъ сўзи газетаси 2005 йил 27 декабр

2. Банк фаолиятини рейтинг баҳолашнинг халқаро усуллари.
3. «CAMELS» рейтинг баҳолаш тизимининг моҳияти.
4. Халқаро амалиётда банк фаолиятини бошқариш усуллари.

Фойдаланиш учун тавсия этилган адабиётлар

1. “Ўзбекистон Республикаси” “Марказий банки тўғрисида”ги қонун.-Т., Ўзбекистон, 1996.
2. “Ўзбекистон Республикаси банклар фаолияти тўғрисида”ги қонун.- Т., Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида.- Т., Ўзбекистон, 1995.
4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг меъёрий қўжатлар тўплами. 2002.2003
5. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик қўжатлари. 2002. 2003
6. Абдуллаева Ш. Банк иши. Ўқув қўлланма. -Т., Молия, 2003.
7. Абдуллаева Ш. Банк рисклари ва кредитлаш. -Т., Молия, 2002.
8. Банковское дело: Управление и технология: Учеб. Пос. Для ВУЗов. Под ред. проф. А.Н. Тобацева. - М., Юнити-Дана, 2001.
9. Маслеченков Ю.С. Финансовый менеджмент в коммерческом банке. -М., ЮНИТИ, 1996.
10. Тавасиев А.М. Банковское дело: управление и технология. Учеб. Пос. - М., Дело, 2001.
11. Шеремет А.Д. Финансовый анализ в коммерческом банке. - М., Финансы и статистика, 2000.
12. Худайбердиев У. Тижорат банкларида миқдорларга депозит қисм варақлар очиш ва уларни юритиш тартиби. Самарканд, СамКИ, 1999.
13. Худайбердиев У. Тижорат банклари қисқа муддатли кредитларини хужжатлаштириш ва қисмга олиш. (маъруза матни) Самарканд, СамКИ, 1999.
14. Черкасов В.Е. Финансовый анализ в коммерческом банке М.: ИНФРА-М, 1995.
15. “Бозор, пул ва кредит” журналларининг охириги йиллардаги сонлари.
16. “Банк ахборотномаси” газетасининг охириги йил сонлари.

1-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНИ

*(Ушбу қонунга 1998 йил 28 август 681-1-сонли, 1999 йил 15 апрель
772-1-сонли ЎзР Қонунининг X боби билан киритилган
ўзгартиришлар билан бирга)*

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ҳуқуқий мақом

Марказий банкнинг ҳуқуқий мақоми, вазифалари, ваколатлари, ташкил этилиши ва фаолияти принциплари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу қонун ҳамда бошқа қонунлар билан белгиланади.

Марказий банк юридик шахс ҳисобланади ва у давлатнинг мутлақ мулкидир.

Марказий банк — ўз сарф-харажатларини ўзининг даромадлари ҳисобидан амалга оширувчи, иқтисодий жиҳатдан мустақил муассасадир.

Марказий банк ва унинг муассасалари Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрига эга.

2-модда. Мол-мулк

Марказий банкнинг мол-мулки унинг пул ва бошқа моддий бойликларидан иборат бўлиб, уларнинг қиймати Марказий банк балансида акс эттирилади.

Марказий банкнинг бинолари ҳамда иншоотлари, шунингдек, улар жойлашган ер майдонлари бегоналаштирилиши мумкин эмас.

3-модда. Бош мақсади ва асосий вазифалари

Марказий банкнинг бош мақсади миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдан иборат.

Асосий вазифалари:

монетар сиёсатни ҳамда валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатни шакллантириш, қабул қилиш ва амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасида ҳисоб-китобнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминлаш;

банклар фаолиятини тартибга солиш ва банкларни назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг расмий олтин-валюта резервларини, шу жумладан, келишув бўйича ҳукумат резервларини сақлаш ва тасарруф этиш;

давлат бюджетининг касса ижросини Молия вазирлиги билан биргаликда ташкил этишдан иборатдир.

4-модда. Марказий банк учун тақиқланган фаолият турлари

Марказий банк:

молиявий ёрдам кўрсатиш билан шугулланишга;

тижорат фаолияти билан шугулланишга;

Ўзбекистон Республикаси Халқ банкининг, шунингдек, Марказий банк фаолият юритишини таъминловчи корхоналар ва ташкилотларнинг капиталларида иштирок этишини истисно этганда, банклар ва бошқа юридик шахсларнинг капиталларида қатнашишга ҳақли эмас.

5-модда. Ҳисобдорлик

Марказий банк Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисоб беради, Олий Мажлис:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига кўра Марказий банк Раисини тайинлайди ва лавозимидан озод этади;

йиллик ҳисоботаи, шунингдек, аудиторнинг хулосасини кўриб чиқади.

Марказий банк пул-кредит соҳасидаги мавжуд вазият ва монетар сиёсатнинг асосий йўналишлари тўғрисида ҳар йили матбуотда маъруза эълон қилади.

6-модда. Марказий банкнинг мустақиллиги

Марказий банк ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилиш борасида мустақилдир.

Давлат Марказий банкнинг мажбуриятлари юзасидан, Марказий банк эса давлатнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, башарти, улар ўз зиммаларига бундай мажбуриятларни олмаган бўлсалар ёки қонунларда бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса.

7-модда. Меъёрий ҳужжатлар

Марказий банк ўз ваколати доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча шахслар ижро этиши мажбурий бўлган меъёрий ҳужжатлар чиқаради.

Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари, агар ҳужжатнинг ўзида ўзга қоида назарда тутилмаган бўлса, эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

8-модда. Ташкилий тузилиш

Марказий банк ягона марказлаштирилган бошқарув тизимидир.

Марказий банк зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун тегишли хизматлар ва муассасалар ташкил этади.

Марказий банк Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти, вилоятларнинг марказлари ва Тошкент шаҳрида юридик шахс мақомига эга бўлмаган бош бошқармалар тузади.

Марказий банкка қарашли хизматлар ва муассасалар Марказий банк Бошқаруви (бундан буён матнда — Бошқарув) тасдиқлайдиган низомлар асосида фаолият кўрсатади.

9-модда. Ташқи иқтисодий фаолият

Марказий банк:

бошқа давлатларнинг марказий банклари, халқаро банклар ва ўзга молия-кредит муассасаларида Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ҳимоя қилишга;

молия операциялари бажаришга, шу жумладан, чет эл ҳукуматлари, чет эл марказий банклари ва пул-кредитни тартабга солиш органларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлган халқаро ташкилотларга банк хизмати кўрсатишга;

хорижий давлатларда ваколатхоналар очишга;

Ўзбекистон Республикасида чет эл банкларининг ваколатхоналарини аккредитация қилишга ҳақлидир.

Марказий банкнинг бошқа давлатлар банклари ва кредит муассасалари билан ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига, шунингдек, банклараро битимларга мувофиқ амалга оширилади.

II. БАНКНИНГ МОЛИЯВИЙ АХВОЛИ

10-модда. Марказий банкнинг устав капитали

Марказий банкнинг устав капитали миқдори икки миллиард сўмдан иборат. Устав капитали миқдори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорига мувофиқ оширилади.

Марказий банкнинг устав капитали бошқа шахсларга берилиши ёки ундан закат сифатида фойдаланилиши мумкин эмас.

11-модда. Фойдани аниқлаш ва таксимлаш

Марказий банкнинг фойдаси ҳар бир молия йили учун: ишончсиз, шубҳали қарзлар ва бошқа активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш резервлари шакллантирилгандан сўнг;

умумий қабул қилинган бухталтерлик амалиётига мувофиқ амалда барча даромадлар ва чиқимлар ҳисобланганидан, шунингдек, активлар ва пасивлар баҳоланганидан сўнг аниқланади.

Марказий банкнинг фойдаси Бошқарув белгилаган тартибда йиллик ҳисоботни тасдиқлаш билан бир пайтда таксимланади.

Бошқарувнинг қарорига мувофиқ аниқ мақсадли турли резервлар ва фондлар шакллантирилиши мумкин.

Фондлар ва мажбурий резервлар белгиланган тартибда тўлдирилганидан кейин фойданинг қолган қисми республика бюджети даромадига йуналтирилади.

Йиллик ҳисобот кўриб чиқилмагунча фойданинг республика бюджетига ўтказилишига йўл қўйилмайди.

12-модда. Марказий банкнинг солиқлар, йиғамлар ва божлардан озод қилиниши

Марказий банк ва унинг муассасалари солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа тўловлардан озод қилинади.

13-модда. Ҳисобот бериш.

Марказий банкнинг ҳисобот даври 1 январь — 31 декабрь қилиб белгиланади. Йиллик ҳисобот 15 майдан кечиктирилмай Олий Мажлис кўриб чиқиши учун тақдим этилади.

14-модда. Марказий банкда аудиторлик текшируви

Марказий банкка аудиторлик текшируви мустақил аудитор ташкилотлар томонидан ҳар йили ўтказилади.

III. МАРКАЗИЙ БАНКНИ БОШҚАРИШ**15-м о д д а. Марказий банк Бошқаруви**

Марказий банкнинг олий органи унинг Бошқарувидир. Бошқарув Марказий банк сиёсати ва фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб беради, банкни бошқаради.

16-модда. Бошқарув таркиби

Бошқарув ўн бир кишидан иборат бўлади. Бошқарув таркибига Марказий банк Раиси, унинг ўринбосарлари, шунингдек, банкнинг асосий бўлинмалари раҳбарлари киради.

Марказий банк Раиси Бошқарувнинг Раиси ҳисобланади. Бошқарув аъзоларини Марказий банк Раисининг тақдимномасига кўра Олий Мажлиснинг Кенгаши тасдиқлайди.

17-модда. Бошқарувнинг ваколатлари

Бошқарув қуйидаги ваколатларга эга:

монетар сиёсатнинг йўналишларини, шу жумладан, Марказий банкнинг очиқ бозордаги операциялари кўлами, Марказий банкнинг ҳисоб ва ссуда беришдаги фоиз ставкалари ҳамда банкларнинг Марказий банкдаги мажбурий резервлари нормасини белгилайди;

Марказий банкнинг халқаро ташкилотлардаги иштироки масаласини хал қилади;

банкнотлар ва тангаларнинг номинал қиймати ва намуналарини, шунингдек, пул белгиларини муомаладан чиқариш шартларини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси Хукуматига бериладиган ссудалар миқдори ва шартларини тасдиқлайди;

банклар учун иқгисодий нормативларни тасдиқлайди ва уларга риоя этишсини кузатиб боради;

банк фаолияти билан шуғулланиш учун лицензиялар бериш ва уларни қайтариб олиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

Марказий банкнинг ташкилий тузилмасини белгилайди;

Марказий банк муассасалари ҳамда корхоналарини ташкил этади, қайта тузади ва тугатади;

Марказий банк харажатлари ва даромадлари сметасини тасдиқлайди;

Марказий банкнинг йиллик ва молия ҳисоботларини кўриб чиқади;

Марказий банкнинг таркибий бўлинмалари, муассасалари ва корхоналари раҳбарларини тасдиқлайди;

Марказий банк таркибий бўлинмалари, унинг муассасалари ва ташкилотлари раҳбарларининг ҳисоботлари ҳамда маърузаларини тинглайди;

Марказий банк ходимларини ишга ёллаш, ишдан бўшатиш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини, шунингдек, уларнинг кредитлар олиши ва акциялар сотиб олиши тартибини қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилайди;

Марказий банк ваколати доирасидаги бошқа масалаларни кўриб чиқади ва хал қилади.

18-модда. Бошқарувнинг мажлислари

Бошқарувнинг мажлислари ойига камида бир марта ўтказиб туршгади.

Бошқарув мажлисларини Марказий банк Раиси чақиради, Мажлислар, шунингдек, Бошқарувнинг камида учта аъзосининг талабномаси бўйича чақирилиши мумкин.

Бошқарув мажлисларига Марказий банк Раиси, у бўлмаган пайтларда эса, ўринбосарларидан бири раислик қилади.

Бошқарув аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашган Бошқарув мажлиси ҳақикий ҳисобланади. Бошқарув қарорлари қатнашаётган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг келган тақдирда Марказий банк Раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Бошқарув мажлислари, қоида тариқасида ёпик тарзда ўтади.

19-модда. Бошқарувнинг қарори

Бошқарувнинг тўхтами қарор шаклида қабул қилинади.

20-модда. Марказий банк Раиси

Марказий банк Раиси:

Марказий банк ва унинг Бошқаруви фаолиятига раҳбарлик қилади, банкнинг фондларини тасарруф этади ва Марказий банк зиммасига юклатилган вазифалар бажа-рилиши учун жавобгар бўлади;

Марказий банк фаолияти масалаларини ҳал қилади, ушбу қонунга биноан Бошқарув ваколатига киритилган масалалар бундан мустасно;

Бошқарув қарорларини имзолайди, буйруқлар ва фармойишлар чиқаради;

Марказий банк фаолияти ва жорий операцияларини оператив тарзда бошқариш бўйича ҳаракатларни амалга оширади;

Олий Мажлисда, ҳукуматда, вазирликлар ва идораларда, судларда, банклар ва муассасаларда, халқаро ва чет эл ташкилотларида банк фаолиятига доир барча масалалар бўйича Марказий банк номидан иш кўради;

айрим масалаларни ҳал қилишни ўзининг ўринбосарларига, марказий аппарат таркибий бўлинмаларининг раҳбарларига, ҳудудий муассасаларнинг раҳбарларига топширади.

Марказий банк Раисининг ваколат муддати — беш йил.

Марказий банк Раиси бўлмаган пайтда унинг вазифаларини ўринбосарларкдан бири бажаради.

21-модда. Марказий банк Раисини эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш учун асослар

Марказий банк Раиси қуйидаги асослар бўйича:

ваколат муддати тугаганида;

истеъфога чиқишни сўраб, сабабларини кўрсатган ҳолда ёзган шахсий аризасига кўра;

жиноят содир қилишда қонунда белгиланган тартибда айбдор деб топилганда;

ўзининг хизмат вазифаларини саломатлигига кўра бажара олмаганда, давлат тиббий комиссиясининг хулосаси асосида;

эгаллаб турган лавозимига муносиб бўлмаган хатти-харакатлар қилганида, шу жумладан, ушбу қонунни қўпол равишда бузганида ва Марказий банк манфаатларига катга зарар етказганида эгаллаб турган лавозимидан озод қилиниши мумкин.

Марказий банк Раиси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларга кўра ҳам эгаллаб турган лавозимидан озод қилиниши мумкин.

22-модда. Марказий банк Раисининг ўринбосарлари

Марказий банк Раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари Марказий банк Раисининг тақдимномасига кўра Олий Мажлис Кенгаши томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

IV. МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ПУЛ-КРЕДИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ

23-модда. Монетар сиёсатнинг асосий йўналишлари

Марказий банк келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси монетар сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқади ва ҳар йили кейинги молия йили бошланишидан камида ўттиз кун олдин Олий Мажлисга бу ҳақда ахборот беради.

Монетар сиёсатнинг асосий йўналишлари:

иқтисодий конъюнктуранинг таҳлили ва истиқбол кўрсаткичларини;

муомалада бўлган пул массасининг иқтисодий жихатдан асосланган чегараларини;

пул массаси йиллик ўсиш суръатининг аниқ мақсадли кўрсаткичларини, шу жумладан, Марказий банк ички активларининг ўзгаришини;

валюта ҳамда фоиз сиёсатининг асосий йўналишларини;

пул-кредит соҳасини тартибга солишга доир ҳаракатларнинг аниқ мақсадли асосий кўрсаткичларини ўз ичига олиши лозим.

24-модда. Пул массаси ўзгаришининг аниқ мақсадли мўлжаллари

Марказий банк Ўзбекистон Республикасидаги пул-кредит, молия, валюта ва нарх муносабатларининг ахво-лига асосланиб, муомаладаги пул массасининг битта ёки бир қанча кўрсаткичлари ўзгаришининг аниқ мақсадли мўлжалларини белгилаши мумкин.

25-модда. Очик бозордаги операциялар

Марказий банк ўзи чиқарган давлатнинг қимматли қогозларини, шунингдек, қарз мажбуриятларини очик бозорда харид қилиши ва сотиши мумкин.

Марказий банк ҳар қандай даражадаги бюджетларни молиявий таъминлаш учун очик бозордаги операциялардан фойдаланиши, шунингдек, давлат қимматли қогозлари бирламчи жойлаштирилганда уларни сотиб олиши мумкин эмас.

Очик бозордаги операциялар лимитини Бошқарув тасдиқлайди.

26-модда. Марказий банкнинг ҳисоб операциялари

Марказий банк қиймати тўланишини банклар кафолатлаган қисқа муддатли хазина векселлари, шунингдек, тижорат векселлари ҳисобини юритиши мумкин.

Ҳисоб операцияларини ўтказиш шартларини, шу жумладан, ҳисоб ставкаси миқдорларини Марказий банк белгилайди.

27-модда. Ҳисоб ва кредит операцияларининг фоиз ставкалари

Марказий банк ўзининг ҳисоб ва кредит операциялари бўйича ставкаларни мустақил равишда белгилайди.

28-модда. Мажбурий резерв талаблари

Марказий банк ўзи белгилаган энг кам миқдорда резервлар сақлаш тўғрисида банкларга кўрсатма беради. Марказий банкда депозитга ўтказиладиган мажбурий ре-зервларнинг энг кам миқдори Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари билан белгиланиб, у омонатларнинг ҳажми, тури, муддатига, банкларнинг бошқа мажбуриятларига боғлиқ бўлади. Мажбурий резервларнинг

миқдорлари жалб этидган маблағлар ва омонатларнинг ҳар бир тоифаси бўйича барча банклар учун бир ҳилдир.

Мажбурий резервлар Марказий банкда нақд пул ёки омонатлар кўринишида, Марказий банк белгилайдиган тартибда депозитга ўтказилади.

Мажбурий резерв талабларининг меъёрлари ёки таркиби белгилангани ёки ўзгартирилгани тўғрисидаги кўрсатмаларда камида бир ойлик муддат кўрсатилади, резервларнинг таркиби ёки миқдorigа доир янги меъёрларни банклар ана шу муддатгача бажаришлари шарт.

Марказий банк мажбурий резервлар бўйича фоизлари тўлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

29-модда. Мажбурий резерв талаблари нормасини бажармагалик учун санкциялар

Банк мажбурий резерв талабларининг эиг кам миқдорини сақлаб туриш тўғрисидаги 28-модда қоидаларини бажармаган тақдирда Марказий банк қатъий тартибда бу банкдан етишмаётган маблағ суммасини, шунингдек, қайта молиявий таъминлашнинг икки ставкасидан ошмайдиган миқдорда жарима ўндириб олади.

30-модда. Марказий банкнинг банкларни қайта молиявий таъминлаши

Марказий банк ўзи белгилаган шартларда банкларга уч ойгача бўлган муддатга кредит беришга ҳақли, бунда қуйидаги активлар гаровга қўйилиши мумкин:

олтин, чет эл валютаси, халқаро резервлар тоифасига кирувчи валюта бойликлари ва бошқа бойликлар;

давлат қарз мажбуриятлари ва ҳукумат кафолатлаган бошқа қарз воситалари;

Марказий банкда депозитга ўтказилган ва унинг депозитарийси учун мақбул бўлган, харид қилиниши ва сотилишига рухсат берилган ёки Марказий банк улар билан ушбу қонун доирасида бошқа ҳил операциялар ўтказиши мумкин бўлган активлар;

тўланишига банклар кафолат берадиган тижорат векселларлари.

Марказий банк ўзининг қайта молиявий таъминлаш тизимида банкларнинг иштирок этиш шартларини эълон қилади.

31-модда. Марказий банкнинг миқдорларга кўрсатиши

Марказий банк қонун ҳужжаларида назарда тутилган тартибда ва шартларда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, уларнинг муассасалари ва ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий ҳавфсизлик хизмати, шунингдек, Марказий банкка қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг асосий ҳисобварақларига хизмат кўрсатиш бўйича банк операцияларини амалга ошириши мумкин.

V. ПУЛ ТИЗИМИ ҲАМДА ПУЛ МУОМАЛАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

32-м о д д а. Пул тизими

Ўзбекистон Республикасининг пул тизими расмий пул бирлигини, пул муомаласи ташкил этилишини ва уни тартибга солишни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасининг расмий пул бирлиги сўмдир. Бир сўм юз тийиндан иборат.

Сўм Ўзбекистон Республикасида ягона, чекланмаган ва қонуний тўлов воситаси ҳисобланади.

33-модда. Марказий банкнинг пул белгиларини чиқаришдаги ваколатлари

Марказий банк Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний тўлов воситаси сифатида банкнотлар ва тангалар кўринишидаги пул белгиларини муомалага чиқаришда мутлақ ҳуқуққа эга. Уларни қалбакилаштириш ва ноқонуний тарзда тайерлаш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Муомалада бўлган банкнотлар ва тангалар Марказий банкнинг қатъий мажбуриятлари ҳисобланади ва унинг жамики активлари билан таъминланади.

Марказий банк йўқ қилиб юборилган, йўқотилган, қалбаки, ясама ва қонуний кучини йўқотган банкнотлар ва тангаларнинг ўрнини қопламайди.

Марказий банк банкнотлар ва тангаларнинг намуналарини, шунингдек, уларнинг дизайнини Олий Мажлиснинг Кенгаши билан келишган ҳолда тасдиқлайди. Банкнот ва тангаларнинг дизайни Марказий банкнинг мулки ҳисобланади. Марказий банк янги намуналардаги банкнот ва тангалар муомалага чиқарилиши тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, уларнинг тавсифини оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Марказий банк ва у ваколат берган банклар талабга кўра бир номинал қийматдаги банкнот ва тангаларни бошқасига ҳеч қандай туловсиз ёки воситачилик ҳақисиз алмаштириб беради.

34-модда. Пул белгиларини тайерлаш ва сақлаш

Марказий банк банкнотлар босилиши ва тангалар зарб қилиниши, муомалага чиқарилмаган пул белгилари сақланишини, шунингдек, босма қолиплар ва бўёқлар сақланиши ҳамда йўқ қилинишини таъминлайди, нақд пулларни сақлаш, ташиш ва инкассо қилиш, шунингдек, уларни йўқ қилиб юбориш қоидаларини белгилайди.

35-модда. Муомаладаги пул белгилардан фойдаланишга қўйиладиган талаблар

Марказий банк муомалага чиқарган банкнот ва тангалар Ўзбекистон Республикаснинг бутун ҳудудида тўловларнинг барча турларида ёзилган қиймати бўйича қабул қилиниши., шунингдек, ҳисобвараққа, омонатга ўтказиш ва жўнатма сифатида ўтказиш учун қабул қилиниши мажбурийдир.

36-модда. Тўловларни амалга ошириш

Тўловлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пул билан ёки нақд пулсиз ҳисоб-китоблар кўринишида амалга оширилади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банклар орқали амалга оширилади. Марказий банк нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шакллари ва қоидаларини белгилайди. Марказий банк юридик шахсларнинг касса операцияларини амалга ошириш тартибини белгилайди.

37-модда. Шикастланган пул белгилари

Марказий банк пул белгиларининг фойдаланишга яроқлилигини аниқлаш ҳамда путур етган банкнотлар ва тангаларни алмалггириш тартибини белгилайди. Пул бериш тартиби эълон қилиниши лозим. Банклар путур етган банкнотлар ва тангаларни белгиланган қоидаларга мувофиқ чекловсиз айирбошлаб беради.

38-модда. Нақд пул маблағларини муомалага чиқариш

Нақд пул маблағларини муомалага чиқариш ва қайтариб олишни фақат Марказий банк амалга оширади.

39-модда. Пул белгаларини муомаладан қайтариб олиш

Марказий банк Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳар қандай банкнот ва тангаларни улар ўрнига албатта тенг ҳажмда банкнот ва тангалар чиқарган ҳолда муомаладан қайтариб олишга

хақли. Бунга Марказий банкнинг айирбошлаш тартиби ва муддати қўрсатилган меъёрий хужжати асос бўлиб хизмат қилиши керак.

Марказий банк айирбошлаш учун белгилаган муддат тугаганида айирбошланиши керак бўлган банкнот ва тангалар қонуний тўлов воситаси сифатадаги ўз кучини йўқотади.

VI. ВАЛЮТАНИ ТАРТИЕГА СОЛИШ ВА ХАЛҚАРО РЕЗЕРВЛАРНИ БОШҚАРИШ

40-модда. Валютани тартибга солиш

Марказий банк валютани тартибга солиш ва валютани назорат қилиш давлат органидир.

Марказий банк:

ижро этиш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча шахслар учун мажбурий бўлган валютани назорат қилишга доир меъёрий хужжатлар чиқаради;

банклар, бошқа юридик ва жисмоний шахсларга чет эл валютасида операциялар ўтказиш учун лицензиялар беради ва лицензияларни қайтариб олади, уларнинг фаолиятини назорат қилади ва тартибга солиб боради;

банклар учун очиқ валюта мавқеи лимитларини ва бошқа иқтисодий нормативларни белгилайди;

миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини аниқлаш тартибини белгилайди;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро резервларини тасарруф этади ва бошқаради.

41-м одд а. Халқаро клиринг ва тўлов битимлари

Марказий банк ўз номидан ёки ҳукумат топширигига кўра Ўзбекистон Республикаси номидан чет элда жойлашган клиринг муассасалари билан клиринг ҳамда тўлов битимлари, шунингдек, ҳар қандай шартномалар тузишга ҳақлидир.

42-модда. Халқаро резервлар

Марказий банк ўзининг баланс ҳисобварақларида Ўзбекистон Республикасининг халқаро резервларини шакллантиради. Бу резервлар қуйидагиларни:

олтин ва бошқа қимматбаҳо металлари;

нақд чет эл валютасини;

чет эл банкларида, халқаро молия ташкилотларида ҳисобварақлар ва депозитларда бўлган чет эл валютаси қолдиқларини;

чет эл ҳукуматлари, банклари ва халқаро молия ташкилотлари чиқарган ёки кафолатланган чет эл валютасидаги қимматли қогозларни ўз ичига олади.

Марказий банк Ўзбекистон Республикасининг монетар ҳамда валюта сиёсатини амалга ошириш учун, шунингдек, халқаро операциялар бўйича ҳисоб-китобларни таъминлаш учун етарли бўлган даражада халқаро резервлар сақлаб турилишига ёрдам беради.

43-модда. Чет эл валютасидаги операциялар

Марказий банк Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва унинг ташқарисида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ҳамда халқаро амалиётига мувофиқ чет эл валютасидаги операцияларни амалга оширишга ҳақлидир.

VII. МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ХУКУМАТ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ

44-м о д д а. Марказий банкнинг вазифалари

Марказий банк Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг банки, маслаҳатчиси ва фискаль агенти (ҳазина вакили) сифатида иш тутади.

Марказий банк ҳукуматга Марказий банкнинг вазифаларига ҳамда ваколатларига дахлдор барча муҳим масалалар бўйича маслаҳат беради.

Марказий банк ҳар йили ҳукуматга иқтисодий ва молиявий масалалар бўйича, давлат бюджетини тайёрлашга доир тавсияларни ўз ичига олган маърузани тақдим этади.

45-модда. Давлат секторига қарз ажратиш масалаларида маслаҳатлар бериш Ҳукумат келгуси молия йилида кредитлашнинг ички ва ташқи манбаларидан қарз ажратиш, шужумладан, ушбу қарз доирасида тўланадиган суммаларни бериш режалари, шунингдек, кредит беришнинг таклиф этилаётган муддатлари ва шартлари тўғрисида Марказий банк билан маслаҳатдашади. Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси ва унинг давлат органлари олаётган барча қарзлар тўғрисида Марказий банкка хабар беради,

46-модда. Депозитарий ва кассирнинг вазифалари

Марказий банк ҳукуматнинг, шунингдек, Молия вазирлигининг рухсатномаси бўлган тақдирда бошқа давлат органларининг пул маблағларини депозитга қабул қилиши мумкин.

Марказий банк депозитарий сифатида пул маблағларини олади ва беради, уларнинг ҳисобини юритади. Марказий банк кўрсатиб ўтилган депозитлар; юзасидан фоизлар тўлаши мумкин.

47-модда. Фискаль агентнинг вазифалари

Марказий банк Молия вазирлиги билан келишилган шартларда иш тутиб, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва давлат органларининг фискаль агенти сифатада:

Молия вазирлиги ва бошқа давлат органлари чиқарган қарз мажбуриятларини жойлаштириш, бу жойлаштиришларни рўйхатга олиш ва уларни топширишда агент ролини бажариш;

кўрсатиб ўтилган қимматли қогозларнинг қийматини, улар бўйича фоизлар ва бошқа тўловларни тўлаш;

кўрсатиб ўтилган қимматли қогозлар бўйича ҳисобварақларни юритиш ва уларга доир тўлов операцияларини бажариш;

курсатиб ўтилган қимматли қогозлар бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш борасида фаолият кўрсатиши мумкин.

Марказий банк Молия вазирлигага давлатнинг қимматли қогозларини чиқариш ва давлат қарзини қайтариш жадвали ҳамда ҳажми масалалари юзасидан уларнинг банк тизими ликвидлилигига таъсири ва монетар сиёсатининг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда маслаҳат беради.

48-модда. Ҳукуматга кредит бериш

Кредитлар ҳукуматга Олий Мажлис тасдиқлаган миқдорда, эркин муомалада бўладиган ва олти ойлик муддат ичида қиймати тўланадиган қарз мажбуриятлари кўринишида, тасдиқланган давлат қимматли қогозлари гаровга қўйиш шарти билан берилади. Бундай қимматли қогозлар Молия вазирлиги томонидан чиқарилади, бозор ставкаси бўйича тўланадиган даромад манбаига эга бўлади ва Марказий банкка топширилади. Кредит муддатлари эркин муомаладаги қарз мажбуриятларини тўлаш муддатларига мувофиқ келиши лозим.

Кредит бериш ҳукумат ва Марказий банк ўртасида алоҳида кредит шартномаси тузиш билан расмийлаштирилади, унда кредитнинг миқдори, қайтарилиш муддатлари, тўланадиган фоизлар нормаси ва ссудани узиш тартиби келишиб олинади.

Марказий банк ҳукуматга обуна бўйича бадаллар учун ёки республиканинг у ёки бу халқаро ташкилотга аъзолигидан келиб

чикувчи бошқа тўловлар учун анча узоқ муддатли кредитлар беришга ҳақли.

Марказий банк ҳукуматга ушбу моддада назарда тутилганларидан ташқари ҳолларда молиявий ёрдам беришга ҳақли эмас.

49-модда. Ҳукумат билан Марказий банк ўртасида ахборот алмашуви

Ҳукумат билан Марказий банк иқтисодиётидаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни назорат қилиш учун доимий равишда статистик ахборот алмашиб турадилар.

Ҳукумат, вазирликлар ва идоралар Марказий банкка у ўз вазифаларини бажариши учун зарур бўлган молиявий, иқтисодий ахборот ва ҳужжатларни тақдим этадилар.

**VIII. БАНКЛАРНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ, БАНКЛАР
ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ**

50-модда. Банклар фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солишга доир вазифалар

Марказий банк банк тизими барқарорлигини сақлаб туриш, омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида банклар фаолиятини назорат қилади ва тартибга солиб боради.

Марказий банк банкларни рўйхатга олади ва уларга банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар беради. Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензиялар бериш учун ҳақ олинади.

Марказий банк банкларни Давлат рўйхатига олиш дафтарини юритади. Банклар рўйхатга олингани тўғрисидаги маълумотлар эълон қилиниши лозим.

51-модда. Марказий банкнинг назорат вазифаларини бажаришга доир ваколатлари

Марказий банк банк операцияларини амалга ошириш, бухгалтерлик ҳисоби ва банк статистик ҳисоботини юритиш, йиллик ҳисоботлар тузиш юзасидан банклар учун мажбурий бўлган қоидаларни белгилайди.

Марказий банк:

банкларнинг ҳисоботи ва бошқа ҳужжатларини олиш ҳамда текшириш, уларнинг фаолияти, шу жумладан, операциялари тўғрисида ахборот сўраш ва олиш;

олинган ахборот юзасидан изох талаб қилиш;

банклар, уларнинг филиаллари ва банк билан узвий боғланган юрқдик шахсларнинг фаолиятини текшириш ҳамда тартиббузарларга нисбатан санкциялар қўллаш;

банкларнинг ички аудити бўйича қўйиладиган талабларни белгилаш;

банк активларини уларнинг сифатига қараб тасниф қилиш ва активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар ўрнини қоплаш учун шунга монанд резервлар яратишни талаб қилиш;

ишончсиз активларни ҳисобдан чиқариш шартлари ва тартибини аниқлаш;

банкларга уларнинг фаолиятида аниқланган тартиб бузилишларни бартараф қилиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар юбориш;

банк акциядорлари устав капиталининг қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан ортиқ қисмини сотиб олган тақдирда уларнинг молиявий ахволи ва мавқеи тўғрисида ахборот сўраш ва олиш;

банклар ва уларнинг филиаллари раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерларига нисбатан малака талабларини қўйиш ҳуқуқига эга.

Текширишлар Марказий банкнинг ваколатли вакиллари ва Марказий банк белгилайдиган аудиторлар томонидан амалга оширилади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда банк акцияларини сотиб олиш учун олдиндан Марказий банкнинг розилигини олиш талаб қилинади. Марказий банк акция сотиб олувчиларнинг молиявий ахволи қониқарсизлиги аниқланган тақдирда банк акциялари харид қилиниши ва сотилишига розилик бермаслик ҳуқуқига эга. Марказий банк ўз қарори тўғрисида ариза берувчига илтимоснома олинган кундан бошлаб ўтгиз кундан кечиктирмай ёзма равишда хабар беради.

Марказий банк аудиторлардан Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига, шу жумладан, тартиб ва услубиётларига риоя этишларини талаб қилшпга, шунингдек, улардан банк аудити билан боғлиқ ҳар қандай маълумотларни бевосита олишга ҳақли.

52-модда. Иқтисодий нормативлар

Марказий банк банклар учун мажбурий бўлган иқтисодий нормативларни, шу жумладан:

капиталнинг монандлик коэффициентини;

бир қарз олувчи еки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳига таваккалчиликнинг энг кўп миқдорини;

йирик кредит таваккалчилик ва инвестицияларнинг энг кўп миқдорини;

ликвидлилик коэффициентларини;

активларни таснифлаш ва баҳолашга доир талабларни, шунингдек, бундай таснифлар асосида банкнинг операция харажатлари жумласига киритиладиган чегирмалардан шубҳали ва ҳаракатсиз қарзларга қарши ташкил этиладиган захираларни шакллантиришни;

қарзларга доир фоизларни ҳисоблаб чиқариш ва уларни банк даромадлари ҳисобварагига киритишга доир талабларни;

очиқ валюта мавқеи лимитларини белгилайди.

Марказий банк иқтисодий нормативларнинг ўзгариши тўғрисида камида бир ой олдин эълон қилади.

53-модда. Марказий банк қўллайдиган чоралар ва санкциялар

Банклар ва уларнинг филиаллари банкларга оид қонун ҳужжатларини, белгилаб қўйилган иқтисодий нормативларни бузган тақдирда Марказий банк улардан устав капиталининг энг кам миқдорининг 0,1 фоизигача жарима ундириш ёхуд айрим операцияларни ўтказишни олти ойгача бўлган муддатга чеклаб қўйиш ҳуқуқига эга.

Агар йўл қўйилган тартиб бузилишлар ёки банк ўтказаётган операциялар омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатларига аниқ ҳавф тугдирган бўлса, Марказий банк:

банклардан устав капитали энг кам миқдорининг бир фоизидан ошмаган суммада жарима ундиришга;

банклар банкни молиявий соғломлаштириш, шу жумладан, активлар тузилмасини ўзгартириш, банк харажатларини камайтириш ва акциядорларга дивидендлар тўлашни тўхтатиш тадбирларини кўришни, банк ёки унинг филиали раҳбарларини алмаштиришни, банкни қайта ташкил этишни, филиални тугатишни талаб қилишга;

банк учун иқтисодий нормативларни олти ойлик муддатгача ўзгартиришга;

банкнинг айрим банк операцияларини амалга оширишини бир йилгача бўлган муддатга, шунингдек, филиаллар очишни ҳам шунча муддатга тақиқлаб қўйишга;

банкни молиявий соғломлаштириш ёки Марказий банк кўрсатмаларини бажариш учун зарур бўлган даврда мансабдор шахслар ва акциядорлар эга бўлган барча ваколатларни васийга бериб, банкка васийлик қилиш тартибини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилишга;

банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни қайтариб олишга ҳақлидир.

Банк филиаллари тўловларни ўз вақтида ўтказмаган ва уларнинг вакиллик ҳисобварақлари қониқарсиз ахволда бўлган ҳолларда Марказий банк банк филиали ушбу ҳаракат натижасида олган даромадини қатъий тартибда ундириб олади, шунингдек, шундай миқдорда жарима солади.

54-модда. Банк назоратининг хорижий органлари билан ҳамкорлик қилиш.

Марказий банк чет эл мамлакатларининг банк назорати органлари билан ҳамкорлик қилади ва ахборот айирабошлайди.

IX. БАНКЛАР БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАДЛАР

55-модда. Жавобгарликни чеклаш

Марказий банк ва банклар бир-бирларининг мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас, улар шундай жавобгарликни ўз зиммаларига ўзлари олган ҳоллар бундан мустасно.

56-модда. Банкларнинг Марказий банкдаги ҳисобварақлари

Марказий банкка банкларнинг ҳисобварақларини юритиш ва депозитларини қабул қилишга рухсат этилади.

57-модда. Клиринг ва ҳисоб-китобларни ташкил этиш.

Марказий банк банкларга банклараро тўловларга ҳисоб-китоб-клиринг хизматини, шу жумладан, чеклар ва бошқа тўлов ҳужжатлари орқали ҳақ тўлашни ташкил этишда ёрдам кўрсатиш, шундай операцияларни ўтказиш тартибини ўз ихтиёрига кўра белгилаш ва тегишли кўрсатмалар беришга ҳақлидир.

58-модда. Банк ахборот тармоғи ва статистик ахборот йиғиш.

Марказий банк банк тизими эҳтиёжлари учун ахборот тармоғини яратади ва сақлаб туради.

Марказий банк статистик ахборотни тегашли органлардан ёки бевосита иқтисодий фаолият юритувчи субъектлардан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда олади.

Марказий банк статистик ахборотни қайта ишлаш, сақлаш ва тарқатиш қоидалари ҳамда амалиётини тегишли ташкилотлар билан келишиб олишда ўз ваколатлари доирасида қатнашади.

59-модда. Марказий банкинг имтиёзли ҳуқуқи

Марказий банкка қарздорнинг ҳисобварақларидаги қолдиқлари ҳамда унинг Марказий банкдаги бошқа активлари ҳисобидан ўзининг барча талабларини қондиришдан иборат қатъий имтиёзли ҳуқуқ берилган, мажбурий резервлар сифатида Марказий банк депозитида турган банклар маблағи бу активларга кирмайди.

Марказий банк ўзининг имтиёзли ҳуқуқини ҳисобварақлардаги қолдиқларни ушлаб қолиш ёки бошқа активларни мақбул нархларда сотиш ва тушумдан сотиш харажатларини чегириб ташлагандан кейин ўзига тегишли бўлган миқдордаги тўловни ушлаб қолиш орқали амалга ошириши мумкин.

60-модда. Марказий банкнинг қарорлари устидан шикоят қилиш

Марказий банкнинг қарорлари ва ҳаракатлари устидан қонун ҳужжатларида белталанган тартибда шикоят қилиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,

1995 йил 21 декабрь. г

2-илова

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ
«БАНКЛАР ВА БАНК ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА»**

(Ушбу қонунга 1996 йил 27 декабрдаги 357-1 сонли, 1997 йил 30 августдаги 485-1 сонли, 999 йил 15 апрелдаги 772-1 сонли ҳамда 1999 йил 20 августдаги 832-1 сонли қонунлари билан киритилган ўзгартиришлар билан бирга)

; I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Таърифлар

Банк — тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган қуйидаги фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган юридик шахсдир:

юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш;
тўловларни амалга ошириш.

Омонат (депозит) — талаб қилиниши биланок ёки тўловни амалга оширувчи шахс билан тўловни олувчи шахс ёхуд уларнинг қонуний вакиллари ўртасида келишилган муддатда фоизлар ёки устама ҳақ тўлаган ҳолда ёхуд бундай тўловларсиз ҳаммасини қайтариб бериш шарти билан топшириладиган пул суммаси.

Чет эл банки — чет эл банкининг ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширадиган шўъба банки бўлиб, унинг устав капиталининг ҳаммаси чет эл банки томонидан тўланади.

2-модда. Банк фаолиятининг субъектлари

Ўзбекистон Республикасида ташкил этилган ҳамма банклар банк фаолиятининг субъектларидир.

3-модда. Банклар фаолиятининг ҳукукий асоси

Банклар фаолияти ушбу Қонун, "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида" ги Қонун, бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солиб борилади.

4-модда. Банк операциялари

Банклар ўз фаолиятларида қуйидаги банк операцияларини амалга оширадилар:

жисмоний ва юрқик шахсларнинг, шу жумладан, вакил банкларнинг ҳисобварақларини очиш ва юритиш, ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш;

омонатларни жалб этиш;

кредитларнинг қайтарилиши, фоизлилига ва муддатлилиги шарти билан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан ўз номидан кредитлар бериш.

Банклар бошқа турдаги операцияларни ҳам амалга оширишлари мумкин, чунончи:

маблағ эгаси ёки маблағни тасарруф этувчи билан тузилган шартномага биноан пул маблағларини бошқариш;

чет эл валютасини нақд пул ва нақд бўлмаган пул шаклларида юридик ҳамда жисмоний шахслардан сотиб олиш ва уларга сотиш;

пул маблағлари, векселлар, тўлов ва ҳисоб-китоб хужжатларини инкассо қилиш;

учинчи шахслар номидан мажбуриятларнинг бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш;

учинчи шахслардан мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш;

қимматли қогозлар чиқариш, харид қилиш, сотиш ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қогозларни бошқариш, қимматли қогозлар билан бошқа операцияларни бажариш;

банк фаолияти юзасидан маслаҳат ва ахборот хизмати кўрсатиш;

жисмоний ва юридик шахсларга хужжатлар ва бошқа бойликларни сақлаш учун махсус бинолар ёки улар ичидаги пўлат сандиқларни ижарага бериш;

молиявий лизинг;

халқаро банк амалиётига мувофиқ, лицензияда махсус кўрсатилган бошқа операциялар.

Банклар бевосита ишлаб чиқариш, савдо ва сугурта фаолияти билан шугулланишга ҳақли эмаслар.

5-модда. Банклар фаолиятини лицензиялаш

Банк, шу жумладан, чет эл банки, Ўзбекистон Республикасида ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки

томонидан бериладиган лицензия асосида амалга оширади. Лицензияда банк бажарадиган операциялар рўйхата кўрсатилади.

Лицензиясиз амалга ошириладиган банк фаолияти гайриқонуний деб ҳисобланади ва бундай фаолият натижасида олинган даромад давлат бюджетига олиб қўйилиши лозим.

6-модда. Фирма номи

"Банк" атамаси ёки мазкур атама қўшиб ясалган сўз бирикмаларини ушбу қонунга мувофиқ банк операцияларини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ташкилотлар ўз фирма номида ёки реклама мақсадларида ишлатишлари мумкин, ушбу талабни бузиш қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

II. БАНКЛАР ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ

7-модда. Банк муассислари

Банклар, қоида тариқасида, мулкчиликнинг ҳар қандай шакли асосида акциядорлик жамияти тарзида ташкил этилади.

Юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эллик юридик ва жисмоний шахслар банк муассислари бўлиши мумкин, башарти, қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва жамоат фондлари бундан мустасно.

Хар бир акциядорнинг устав капиталидаги иштирокининг энг кўп улуши қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Банкларнинг акцияларини олиш қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Банк муассислари банк акциядорлари таркибидан у руйхатга олинган кундан бошлаб бир йил мобайнида чиқиб кетиш ҳуқуқрлга эга эмаслар.

Банкнинг бошқа банкларнинг устав капиталида иштирокига йўл қўйилмайди, чет эл капитали иштирокидаги банклар ва шуъба банклар ташкил этиш ҳоллари бундан мустасно.

8-модда. Банк устави

Банклар ўз уставлари асосида фаолият кўрсатадилар.

Банк уставида:

банкнинг (тўла ва қисқартирилган) номи ва қаерда жойлашганлиги (почта манзили);

банк операцияларининг рўйхати;

устав капиталнинг миқдори, муассислар рўйхати ва устав капиталидаги улушларнинг тақсимоли;

банкнинг бошқарув органлари, уларни ташкил этиш тартиби, уларнинг ваколатлари ҳамда вазифалари ҳақидаги маълумотлар;

банк аудити тартиби, шу жумладан, бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларига мувофиқ белгиланган ҳисоботлар ва аудиторлик дастурларининг мақсадлари курсатилган бўлиши лозим.

Банк уставида, ушбу моддада белгиланган талаблардан ташқари, қонун ҳужжатларида назарда тутилган маълумотлар ҳам бўлиши керак.

Банк уставига киритилган ўзгаришлар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим.

9-модда. Банкнинг устав капитали

Банкнинг устав капитали банк муассислари ва акциядорлари тўлаган пул маблағларидан ташкил топади.

Кредитга ва гаровга олинган маблағлардан ҳамда бошқа жалб этилган маблағлардан банкнинг устав капиталини шакллантириш учун фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Алоҳида ҳолларда қонун ҳужжатларига мувофиқ банкнинг устав капиталини шакллантириш учун бюджет маблағларидан фойдаланилиши мумкин.

Энг кам устав капитали банк муассислари томонидан уни рўйхатга олиш пайтигача тўланиши керак. Устав капитали учун тўланадиган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкида ёки бошқа банкларда очилган жамғариш ҳисобварагига ўтказилади. Кўрсатилган маблағлардан депозит сифатида фойдаланиш мумкин.

Банклар устав капиталининг энг кам миқдори Марказий банк томонидан белгиланади.

10-модда. Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш

Банклар Марказий банкда рўйхатга олинган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўладилар.

Рўйхатга олиш тартиби ва шартлари Марказий банк томонидан белгиланади.

Рўйхатга олиш билан бир вақтда банкларга банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия тошпирилади.

Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш ҳақ эвазига амалга оширилади.

Банкларнинг филиаллари Марказий банкда рўйхатга олинади ва ўз фаолиятларини уларни ташкил этган банкка берилган лицензия асосида амалга оширадilar.

11-модда. Банк очиш учун олдиндан Марказий банкнинг рухсатномасини олиш асослари ва муддатлари

Лицензия беришдан олдин Марказий банк аризачиларга банк ташкил этиш соҳасидаги фаолиятларини давом эттириш имконини берадиган дастлабки рухсатномани беради.

Дастлабки рухсатномани бериш тўғрисидаги қарор ариза ва у билан бирга барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб кўпи билан уч ой ичида қабул қилинади ва муассисларнинг молиявий имкониятларини ҳамда обрўсини, банк раҳбарлигига тақлиф этилаётганларнинг касб малакаларини, бизнес-режани, молиявий режани, капиталнинг тузилишини, тегишли банк бинолари ва ускуналар билан таъминлаш имкониятларини баҳолашга асосланади.

12-модда. Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш муддати

Банкни рўйхатга олиш ва унга лицензия бериш учун муассислар дастлабки рухсатнома олинган кундан бошлаб узоғи билан олти ой муддатда қонун ҳужжатларида белгиланган талабларни бажаришлари керак.

Банкни рўйхатга олиш ва унга лицензия бериш ҳақидаги қарор Марказий банк талаблари бажарилган кундан кўпи билан бир ойлик муддатда чиқарилади.

13-модда. Банкларни рўйхатга олишни ва уларга лицензия беришни рад этиш асослари

Марказий банк қуйидагиларга асосланиб банкни рўйхатга олишни ва унга лицензия беришни рад этиши мумкин:

банкни рўйхатга олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар топширилмаганлиги;

таъсис ҳужжатларининг қонун ҳужжатларига номувофиқлиги;

бир ёки бир неча муассиснинг молиявий аҳволи қониқарсизлиги;

муассислар молиявий маблағларининг манбалари эълон қилинмаганлиги;

банкни рўйхатга олиш пайтигача энг кам устав капиталининг тўланмаганлиги;

банк раҳбари ва бош бухгалтери лавозимларига номзодларнинг бу касбга номувофиқлига.

14-модда. Банк операцияларини амалга ошириш учун берилган лицензияни қайтариб олиш асослари

Марказий банк қуйидаги ҳолларда банк операцияларини амалга ошириш учун берилган лицензияни қайтариб олиши мумкин:

банк тўловга қобилиятсиз бўлиб қолганида, пасивлар активлардан кўпайиб кетганида;

лицензия беришга асос бўлган маълумотларнинг нотўғрилиги аниқланганда;

банк ўз омонатчилари ва бошқа кредиторлари олдидаги мажбуриятларини бажаришга қодир бўлмаганида;

ҳисобот маълумотлари мунтазам равишда бузиб кўрсатилганда;

қонун ҳужжатларига ва лицензия шартларига зид келадиган банк операциялари амалга оширилганда;

лицензия берилган пайдан эътиборан банк операцияларини амалга ошириш бир йилдан ортиқ муддатга кечикканда;

монополияга қарши қоидалар бузилганда;

Ўзбекистон Республикасида ўз шуъба банкни ташкил этган чет эл банкдан лицензия қайтариб олинганда.

15-модда. Чет эл капитали иштирокида банклар таъсис этиш ва уларнинг фаолиятига нисбатан қўйиладиган қўшимча талаблар

Марказий банк чет эл капитали иштирокидаги банклар олдида қўшимча талаблар қуйиш, шу жумладан, чет давлатлар банкларидан улар ўзлари жойлашган ва рўйхатга олинган ердаги текширув органи назорати остида эканликларининг тасдиқномасини талаб қилиш ҳуқуқларига эга.

Чет эл банкларига лицензиялар, башарти, чет давлат банки ўз мамлакатада қайтариб бериш шарти билан пул депозитлари ва бошқа бойликларни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлсагина берилади.

16-м о д д а. Банкларнинг филиал ҳамда ваколатхоналари

Банклар Ўзбекистон Республикасида ўз филиалларини, чет эл банклари эса ўз ваколатхоналарини Марказий банкнинг рухсати билан очишлари мумкин.

Банк филиали уни ташкил этган банк номидан банк фаолиятини амалга оширувчи алоҳида бўлинмадир.

Чет эл банки ваколатхонаси банк фаолиятини амалга оширмаган ҳолда банкнинг манфаатларини кўзлаб иш юритувчи алоҳида бўлинмадир.

Филиалларнинг раҳбарларини уларни ташкил этган банкнинг раҳбари Марказий банк билан келишиб тайинлайди.

17-модда. Банкларнинг чет эллардаги филиаллари ва ваколатхоналари

Банклар Марказий банкнинг рухсати билан чет элларда ўз шубба банкларини, филиаллари ва ваколатхоналарини очишлари, банклар ташкил этишда қатнашишлари мумкин.

18 - модда. Банкларнинг иттифоқлари ва уюшмалари

Банклар, башарти, қонун ҳужжатларининг талабларига зид келмаса, ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, ўз аъзолари манфаатларини ҳимоя қилиш ва биргаликдаги дастурларни амалга ошириш учун иттифоқлар, уюшмалар ва бошқа бирлашмалар тузишлари мумкин.

Бундай бирлашмалар мустақил равишда тижорат фаолияти, шу жумладан, банк фаолияти билан шугулланиши мумкин эмас, улар тижоратчи бўлмаган ташкилотлар учун белгилаб қўйилган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим.

19-модда. Банклар фаолиятини тўхтатиш ва уларни тугатиш

Банк қуйидги ҳолларда ўз фаолиятини тўхтатади:

акциядорлар йигилишининг қарорига кўра;

Марказий банк лицензисини қайтариб олганида;

банкрот деб эълон қилинганда.

Ўз фаолиятини тўхтатган банк Марказий банк томонидан банкларни Давлат рўйхатига олиш дафтаридан чиқарилади.

Банкнинг фаолияти тўхтатилганлиги ҳақидаги хабар матбуотда эълон қилинади.

Банк фаолиятини тўхтатиш ва уни тугатиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

III. БАНК ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ.

БАНКЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА БУРЧЛАРИ

20-модда. Банкларнинг мустақиллиги

Ўзбекистон Республикасида банклар банк операцияларини амалга оширишга доир қарорлар қабул қилишда мустақилдирлар.

Банк хизматчиси банк бошқарувининг розилиги билан ўриндошлик асосида бошқа жойда ишлаши мумкин.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари банк муассасаларида ўриндошлик асосида ишлашга ҳақли эмаслар.

21-модда. Давлат ва банкларнинг масъулияти чегаралаб қуйилиши

Банклар давлатнинг мажбуриятлари бўйича, давлат эса банкларнинг мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

22-модда. Банкнинг бошқарув органлари

Акциядорларнинг умумий йиғилиши, банк кенгаши ва бошқаруви банкнинг бошқарув органлари ҳисобланади. Банк кенгашининг бурчлари қуйидагилардан иборат:

омонатчилар ва акциядорларни ҳимоя қилиш мақсадида банк фаолиятини, шу жумладан, кредитлаш ва маблағларни инвестициялашнинг тўғрилигини назорат қилиш;

банк раҳбарларини ишга тайинлаш ва ишдан бўшатиш;

банк капиталининг бир текис ўсиб боришини таъминлаб туриш;

банк сиёсатини ишлаб чиқиш;

қонун ҳужжатларига риоя қилинишини таъминлаш.

Банк кенгаши аъзолари камида беш кишидан иборат бўлиши лозим.

Акциядорлардан ташқари банк соҳаси олимлари ва мутахассислари ҳам банк кенгаши аъзоси бўлишлари мумкин.

Банкка оператив раҳбарлик қилувчи ва унинг фаолияти учун жавоб берувчи банк бошқаруви банкнинг ижроия органи ҳисобланади. Бошқарув банк Кенгаши ва акциядорлар умумий йиғилиши оддида ҳисобдордир.

23-модда. Банкларнинг фондлари

Банклар ўз фойдаларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда турли фондлар ташкил этишлари мумкин.

24-модда. Банкларнинг пул маблағларини захиралаш соҳасидаги бурчи

Банклар Марказий банкда мажбурий захираларини сақлашлари шарт. Мажбурий захиралар меъёри Марказий банк томонидан белгиланади.

25-модда. Банкларнинг уиумий иқгисодий нормативларга риоя қилиш соҳасидаги бурчлари

Банкларнинг барқарорлигини таъминлаш ҳамда омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида банклар Марказий банк томонидан белгиланадиган иқгисодий нормативларга риоя этишлари шарт.

Банклар ўз капитали ва ликвид ресурсларини етарли даражада сақпаб туришлари, активларни таснифлаш асосида шубҳали ва ҳаракатсиз активларга қарши захираларни ташкил этишлари шарт, шунингдек, зарар кўриш ҳавфини камайтириш мақсадида ўз активлари диверсификацияланишини таъминлашлари лозим.

Банклар:

амалга оширилган инвестицияларнинг турлари ёки шаклларига;

кўчмас мулк ва бошқа мол-мулк сотиб олиш ҳамда унга эгалик қилишга;

бошқа юридик шахсларнинг устав фондларида қатнашишга доир шартларга риоя этишлари лозим.

Банклар:

капитални тақсимлаш натижасида ўз капитали талаб қилинадиган энг кам миқдордан ҳам камайиб кетадиган бўлса, капитални тақсимлашга;

акциялар шаклидаги ўз қимматли қогозлари билан кафолатланган кредит беришга;

олдиндан Марказий банкнинг розилигини олмай туриб, ўз акцияларини сотиб олишга ҳақли эмаслар.

Нормативлар ва уларни ҳисоб-китоб қилиш услубига бўлажак ўзгартишлар амалга киритилишидан камида бир ой олдин Марказий банк томонидан расман эълон қилинади.

Устав капиталининг энг кам миқдори ўзгартирилиши тўғрисида Марказий банк бундай ўзгартиш амалга киритилишидан камида уч ой олдин расман хабар беради.

26-модда. Банкка алоқадор бўлган шахслар билан битимлар тузиш

Банкларнинг ўзига алоқадор бўлган шахслар билан ёки улар номидан тузадиган шартномалари ўзига алоқадор бўлмаган

шахслар билан тузадиган шартномаларга қараганда анча қулай шартларга асосланса, уларнинг бундай шартномаларни тузиши тақиқланади.

Марказий банк банкка алоқадор бўлган шахслар билан битимлар тузиш, жумладан, уларга кредитлар ажратиш юзасидан чекловлар белгилайди.

Қуйидаги шахслар:

банкнинг мансабдор шахси, жумладан, банк кенгашининг аъзоси, шу банкнинг бошқа ходимлари, шунингдек, уларнинг яқин қариндошлари;

устав капиталининг ўн фоизидан зиёдига эгалик қилиб турган банк акциядорлари;

устав капиталининг қонун ҳужжатларда белгиланган миқдордан ортиқ қисмига эгалик қилиб турган банк акциядорлари;

устав капиталининг қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан ортиқ қисмига эгалик қилиб турган акциядор юридик шахсларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, уларнинг яқин қариндошлари.

Юқорида қайд этилган шахсларнинг бири билан алоқадор бўлган шахс уларнинг ҳар бири билан алоқадор деб ҳисобланади.

Банк билан алоқадор шахсга кредит, шунингдек, банк билан алоқадор шахс учун кафолатлар ушбу модда талабларини ҳисобга олган ҳолда банк кенгашининг қарорига кўра берилиши мумкин.

27-модда. Банкларнинг Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг касса ижросига доир операцияларни бажариши

Марказий банкнинг топширигига кўра банклар Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг касса ижросига доир операцияларни бажарадилар.

28-модда. Банкларнинг кредит ставкалари ва воситачилик ҳақи миқдорини белгилаш ҳуқуқлари

Банк операциялари бўйича фоиз ставкалари ва воситачилик ҳақи миқдори банклар томонидан мустақил белгиланади.

Давлат дастурларини молиялаш учун Марказий банк томонидан банкларга бериладиган кредитлар бўйича Марказий банк ушбу банклар қарздордан ундириб оладиган фоиз ставкаларининг энг кўп миқдорини белгилаши мумкин, бунда марказлаштирилган ресурслар учун тўлов ва банкларнинг харажатлари ўрнини қоплаш ҳисобга олинади.

29-модда. Банкларнинг ҳисобот ва бошқа ахборотни тақдим этиш мажбуриятлари

Банклар ўз фаолиятларига доир ҳисобот ва бошқа ахборотни Марказий банкка ўз вақтида тақдим этишлари шарт.

29-модда. Банкларнинг молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналарнинг банк ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўтказишни давом эттиришни тўхтатиб қўйиш мажбурияти

Корхоналар олти ой мобайнида (савдо ва савдо-воситачилик корхоналари эса — уч ой мобайнида) банк ҳисоб-варақлари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган ҳолларда, деҳқон ва фермер хўжаликлари бундан мустасно, банклар уларнинг ҳисобварақларини ёпиб қўйиши ҳамда ахборотини корхона ҳисобга олинган жойдаги давлат солиқ хизмати органига хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақлари ёпилган санадан бошлаб уч иш куни мобайнида тақдим этиши шарт.

Корхоналарнинг ёпилаётган ҳисобварақларидаги маблағларининг қолдиқлари фойдаланиш ҳуқуқисиз махсус ҳисобварақларга банклар томонидан киритиб қўйилади, корхоналарнинг тўланиши учун банкка тақдим этилган кредиторлик қарзи кўзда тутилмаган ҳолатлар алоҳида ҳисобварағига ўтказилади.

Корхоналарнинг банк ҳисобварақлари ёпилганидан кейин уларнинг номига келиб тушаётган маблағлар фойдаланиш ҳуқуқисиз махсус ҳисобварақларга киритиб қўйилади. Фойдаланиш ҳуқуқисиз махсус ҳисобварақларда жамланган маблағлар банклар томонидан биринчи навбатда, корхоналарнинг бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар олдига қарзларини қоплаш учун, қолган сумма эса уларнинг кредиторлик қарзини тўловларнинг календарь навбати бўйича қоплаш учун йўлланади.

Корхоналарни тугатиш бўйича махсус комиссия корхона фаолиятини давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилган ёки белгиланган тартибда тугатиш комиссияси тайинлаган пайтдан эътиборан бу корхонанинг ҳисобварақлари тасарруфи тегишли корхонанинг ўзига ёки тугатиш комиссиясига ўтади.

30-модда. Банк операцияларига доир ҳужжатлар

Банклар ҳужжатларни Марказий банк белгилаган тартибда ва муддатда ўз архивларида сақлашлари шарт.

31-модда. Банклар ва мижозлар ўртасидаги муносабатлар

Банклар ва уларнинг мижозлари ўртасидаги муносабатлар шартномалар асосида амалга оширилади.

Мижозлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўзлари танлаган битта ёки бир нечта банкда миллий валютада ва чет эл валютасида талаб қилиб олгунча сақланадиган депозит ҳисобварақлар очишга ҳақли.

Банклар мижозларга ҳисобварақлар очишнинг Марказий банк белгалаган тартибига риоя қилишлари шарт.

Банкнинг барча хизматлари банк акциядорлари ва бошқа мижозларга тенг шартлар асосида кўрсатилади.

32-модда. Банклараро операциялар

Банклар шартнома асосида маблағларни депозитлар, кредитлар шаклда бир-бирларидан жалб этиши ва бир-бирига жойлаштириши, ташкил этадиган ҳисоб-китоб марказлари ва вакиллик ҳисобварақлари орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириши ҳамда лицензияда назарда тутилган бошқа ўзаро операцияларни бажариши мумкин.

33-модда. Банкларнинг ҳисоб-китоб қилиш тартиби

Банклар ва уларнинг мижозлари ҳисоб-китобларни Марказий банк белгилайдиган тартибда амалга оширадилар. Кўрсатилган тартибни бузганлик учун улар қонун ҳужжатларида белгиланган тарзда жавобгар бўладилар.

34-модда. Кредитлар қайтарилишини таъминлаш

Банклар қонун ҳужжатларига мувофиқ кўчар ва кўчмас мулкни гаровга қўйиш, кафолат бериш, кафилликка олиш ва мажбуриятлар асосида кредит берадилар.

Банклар таъминланмаган кредит (эътимолли кредит) бериш ҳақида қарор қабул қилишлари мумкин.

35-модда. Қарздорларни туловга қобилиятсиз деб эълон қилиш

Банкдан олган кредитларни ўз вақтида тўлаш мажбуриятларини бажармаётган қарздорларни банк туловга қобилиятсиз деб эълон қилиши ва бу ҳақда матбуотда хабар бериши мумкин. Банк бундай қарздорларни банкрот деб топишни сўраб, хўжалик судида даъво кўзгатиш ҳуқуқига эга.

IV. БАНКЛАРГА ВАСИЙЛИК ҚИЛИШ

36-модда. Васийликни тайинлаш

Банкнинг муваққат маъмуриятини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда Марказий банк васий тайинлайди ва васийлик қилиш ҳақида фармойиш чиқаради. Фармойиш матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Банкнинг олдиндан васийдан розилик олмай қилган ҳаракатлари ҳақиқий эмас.

37-модда. Васийнинг ваколатлари

Васий банкнинг мансабдор шахслари ва унинг акциядорлари ваколатларига, шунингдек, банк аҳволини нормаллаштириш учун зарур чоралар кўриш, жумладан, қонун ҳужжатларига мувофиқ филиалларни ёпиш, мансабдор шахсларни ва хизматчиларни ишдан бўшатиш ҳуқуқига эга бўлади.

Васий исталган пайтда фуқароларнинг депозитлари ва инвестициялари бир йилдан кўп бўлмаган муддатга қисман ёки тўла тўхтатиб қўйилганлигини эълон қилиши мумкин, бунда депозитлар ва инвестицияларнинг тахминий кийматини сақлаб қоладиган чоралар кўрилиши шарт.

Башарти, васийлик вақтида ёки васийлик даврининг охирида банкни соғломлаштиришнинг иложи йўқлиги Марказий банк томонидан аниқланса, у лицензияни чақириб олади ва белгиланган тартибда банкни тугатади.

V. БАНК МИЖОЗЛАРИНИНГ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

38-модда. Банк сир

Банклар ўз мижозлари ва вакилларининг операциялари, ҳисобварақлари ҳамда жамгармаларига доир маълумотлар сир сақланишига кафолат беради. Банкнинг барча хизматчилари банк, унинг мижозлари ва вакилларининг банк операциялари, ҳисобварақлари ва жамгармаларига доир маълумотларни сир сақлашлари шарт.

Юридик шахслар ва бошқа ташкилотларнинг операциялари ҳамда ҳисобварақларига доир маълумотномалар ана шу ташкилотларнинг ўзига, прокурор, судларга, жиной иш кўзгатилган бўлса, суриштирув ва тергов органларига берилади.

Жисмоний шахсларнинг ҳисобварақлари ва омонатларига доир маълумотномалар миждозларнинг ўзига ва уларнинг қонуний вакиллариغا; миждозларнинг ҳисобварақлари ва омонатларида турган пул маблағлари ҳамда бошқа қимматбаҳо нарсалар хатланиши, уларга ундирув қаратилиши ёки мол-мулк мусодара этилиши мумкин бўлган ҳолларда юриталаётган ишлар бўйича судлар, суриштирув ва тергов органларига берилади.

Ҳисобварақчар ва омонатнинг эгалари вафот этганда ушбу ҳисобварақлар ҳамда омонатга доир маълумотномалар мазкур ҳисобварақ ёки омонат эгаси банкка топширган васиятномасида кўрсатган шахсларга, вафот этган омонатчиларнинг жамгармаларига доир мерос ишларини юритаётган давлат нотариал идораларига, чет эл фукараларининг ҳисобварақларига доир маълумотномалар эса чет эл консуллик муассасаларига берилади. Хизмат бурчи юзасидан банк ахборотидан хабардор бўлган шахслар хизмат сирини ошкор илганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Банклар ўз миждозлари бўлган корхоналарнинг операциялари тўғрисидаги зарур маълумотларни улар солиқ тўловларини тўлиқ ва тўғри тўлаётганликларини назорат қилиш учун солиқ органларининг сўровига биноан тақдим этадилар.

39-модда. Банкларнинг ўз миждозлари олдидаги жавобгарлиги

Банклар маблағларнинг сақланиши ҳамда омонатчилар олдидаги мажбуриятларининг бажарилиши учун, шу жумладан, тўловлар бир банкдан бошқа банкка ўз вақтида ўтиши ҳамда маблағларнинг корхоналар ва ташкилотлар ҳисоб-китоб варақларига киритилиши учун ўз миждозлари ва омонатчилари олдида жавобгардирлар.

Банк тугатилганда унинг жисмоний шахс бўлган омонатчилари банкни тугатишдан келадиган тушумлар ҳисобидан ўз омонатларини олишда имтиёзга эгадирлар.

Банклар депозит ва кредит операцияларига доир муддатлар ва шартлар, шу жумладан, Марказий банк чиқарган қоидаларга мувофиқ ҳисоблаб чиқилган йиллик фоиз ставкалари, мукофотлар ва йигимлар тўғрисида ўз миждозларига мунтазам равишда ахборот бериб боришлари шарт.

40-м о д д а. Монополияга қарши қоидалар

Банкларнинг банк операциялари бозорини монополиялаш ва банк ишида рақобатни чеклашга қаратилган битимларга эришш мақсадида ўз иттифоқлари, уюшмалари ва бошқа бирлашмаларидан фойдаланиши тақиқланади.

Монополияга қарши қоидаларга риоя этилиши Марказий банк томонидан, шунингдек, ушбу мақсадларда қонун ҳужжатларига мувофиқ тузиладиган бошқа органлар томонидан назорат қилинади.

VI. БАНКЛАРДА ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ БАНКЛАРНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

41-м о д д а. Банкларда ҳисоб юритиш ва ҳисобот

Банкларда бухгалтерия ҳисоби юритиш ва ҳисобот қоидалари Марказий банк томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро стандартларга мувофиқ белгиланади.

Бухгалтерия ҳисоби юритиш ва ҳисобот қоидалари бузилганлиги учун банк раҳбарлари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

42-модда. Банкларнинг молиявий ҳисоботларни эълон қилиши

Банклар ўз молиявий ҳисоботларини Марказий банк белгилайдиган шакл ва муддатларда, унда кўрсатилган маълумотнинг тўғрилигини аудиторлар тасдиқлагач, матбуотда эълон қиладилар.

43-модда. Банклар аудити

Банкларнинг фаолияти қонун ҳужжатларига мувофиқ аудиторлик текширишларини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган аудиторлар томонидан ҳар йили текшириб турилиши лозим.

Аудит, хусусан, капиталнинг етарлилигини баҳолаш, ссудаларни таснифлаш, ссудалар бўйича зарарларни коплаш, таваккалчиликни ва ликвидликни ўлчашни ўз ичига олади.

Банклар қонун ҳужжатларига мувофиқ ички аудиторлик дастурларини ишлаб чиқаришлари ва амалга оширишлари ҳам шарт.

44-модда. Банкларни назорат қилиш

Марказий банк қонун ҳужжатларига мувофиқ банклар фаолиятини назорат қилиб боради.

Марказий банк тижорат байкларидан ахборот беришни талаб қилишга ва ушбу қонунни бажариш мақсадида бошқа ишларни амалга оширишга ҳақлидир.

Банклар фаолиятини текшириш Марказий банк томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,

1996 йил 25 апрель

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	3
I-мавзу. Банк фаолиятлари таҳлили» фанининг предмети ва иқтисодиётни эркинлаштириш шароитидаги вазифалари.....	4
II-мавзу. Тижорат банклари активлари ҳолати ва самарали фойдаланишининг таҳлили.....	24
III-мавзу. Банк капиталининг таҳлили.....	32
IV-мавзу. Банк мажбуриятларининг таҳлили.....	40
V-мавзу. Тижорат банклари кредит операцияларининг таҳлили.....	47
VI-мавзу. Банкларнинг қимматли қозғалар операцияларининг таҳлили.....	63
VII-мавзу. Банк фаолиятлари даромадларининг таҳлили.....	68
VIII-мавзу. Банк фаолиятлари харажатларининг таҳлили.....	76

IX-мавзу. Банк фаолиятлари молиявий натижалари таълили.....	85
X-мавзу. Банклар ликвидлиги ва тўловга лаёқатлилиги таълили.....	93
XI-мавзу. Банклар фаолиятини бошқариш ва таҳлил қилишнинг халқаро амалиёти.....	101
1-илова. Ўзбекистон Республикаси марказий банклар тўғрисидаги қонуни.....	107
2-илова. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «банклар ва банк фаолияти тўғрисида».....	126

Буюртмачи хажми 8,9 б.т.
СамИСИ. Шохрух кўча 60. 2006
Бахоси келишилган нархда

30-нусха